

**Л.Н. ТОЛСТОЙ**



**БҮРИ БОЛАЛАРИНИ  
ҚАНДАЙ ҮРГАТАДИ**

**ЭРТАКЛАР  
ХИКОЯЛАР  
МАСАЛЛАР**



Мұхаррір  
Шоқида СОАТОВА

## УЧ АЙИҚ

Бир қизалоқ ўрмонга боради. У ерда адашиб, уйини қидиради, тополмай, юриб-юриб, ахийри бир уйчага дүч келади.

Уйининг эшиги очиқ экан. Қизалоқ мұралаб қараса ҳеч ким йўқ, ичкарига кириб уч айиқ яшашини билибди. Айиқларнинг биттаси ота бўлиб, уни Михаил Иванович дейишади. Узи баҳайбат, жунлари паҳмоқина. Иккинчиси — она айиқ кичикроқ бўлиб, уни Настасья Петровна дейишади. Учинчи — кичкинотай айиқчани Мишутка деб эркалтишади. Айиқлар уйда йўқ бўлиб, ҳаммаси ўрмонга сайд қилиб кетишган экан.

Уйда иккита хона бўлиб, биттаси емакхона, иккинчиси ётоқхона экан. Қизалоқ емакхонага кириб, столда обиёвғони билан қўйилган учта косага кўзи тушди. Биринчиси — каттароқ коса Михаил Ивановичники, иккинчиси — ундан кичикроғи Настасья Петровнага тегишли, учинчиси — ҳаворанг косача Мишутканики экан. Ҳар бир косанинг ёнига каттакон, ўртамиёна ва кичкина қөшиқ қўйилган.

Қизалоқ энг катта қошиқни олиб, катта косадаги овқатдан тотиб кўзга кўзга косадаги қошиқни олиб, ўртача косадан еб куради, суннитик қошиқни сарп косага ботириб тотинса Мишутканинг емиши ҳаммаси дан мазали тулоади.

4803010101—25  
T 360 (04)—95 13—92

ISBN 5-8250-0241-3

© Ш. Отабоев (тарж.)  
Б. Омонов (тарж.)  
Г. Аксёнов (безак)

Қизалоқнинг ўтиргиси келади ва стол атрофидаги учта стулга кўзи тушади; каттаси Михаил Ивановичники, кичикроғи Настасья Петровнани, учинчиси — мўъжазгина, ҳаворанг ёстиқча қўйилгани Мишутканики экан. Қизалоқ каттакон стулга тирмасиб чиқади-ю, юмалаб тушади; кейин ўртамиёна стулга ўтириб, ўзини ноқулайроқ сезади, сўнг кичик стулчага ўтириб, азбаройи ёқиб кетганидан қиқирлаб кулиб юборади. Қизалоқ ҳаворанг косачани тиззасига олиб, овқатдан ея бошлайди. Овқатни паққос туширгач, стулда тебраниб ўйнашга тушади.

Стулча синиб кетиб, қизалоқ пастга йиқилиб тушади. У ўрнидан туриб, стулни тўғрилаб қўйгач, бошқа хонага ўтади. У ерда учта каравот бўлади: каттаси Михаил Ивановичники, ўртамиёнаси Настасья Петровнага қарашли, учинчи — кичкинаси Мишутканики экан. Қизалоқ катта каравотга ётиб кўрса, ҳаддан зиёд кенг, ўртамиёнаси анча баланд, энг кичиги эса худди ўзига аталгандек лоппа-лойиқ әмиш. У шу кўйи каравотда ухлаб қолади.

Айқлар эса уйга очиқиб қайтишади ва тамадди қилмоқчи бўлишади. Қатта айқ косасини кўриб, вахима билан ўкиради: «Косамдаги овқатга ким тегди?»

Настасья Петровна эса: «Косамдаги овқатни ким еди?» дея ғингшиб қўяди.

Мишутка эса бўшаб қолган косасини кўргач, «Косамга ким тегди, барини еб қўйипти!» дея ингичка товушда чийиллади.

Михаил Иванович стулга кўзи тушиб, даҳшат билан ўкиради: «Стулимга ким ўтириди, ким уни жойидан қўзатди?»

Мишутка ўзининг синиқ стулини кўргач, «стулимга ким ўтириди, ким синдириди?» дея чийиллади.

Айқлар бошқа хонага чиқишиади. Михаил Иванович: «Ким жойимга ётди, ким мижиглади?» дея даҳшат билан ўкиради. Настасья Петровна: «Ким жойимга ётди, ким уни мижиглади?» дея ғингшиб қўяди. Мишутка бўлса курсича қўйиб, каравотига чиқади ва қулоқни қоматга келтириб чийиллади: «Ким жойимга ётди?» У бирдан қизалоқни кўриб қолади ва худди бўғизлангандек чинқиради: «Мана у! Ушла! Мана у! Мана у! Эҳ, аттанг!»

Мишутка унга ташланмоқчи бўлади. Қизалоқ қўзини очиб айқларни кўриб қолади ва ўзини деразага уради. Қизалоқ очиқ деразадан ўзини ташлаб, қочиб қолади. Айқлар унга етолмайди.

## БУРГУТ

Бургут олис бир масканда ўзига ин қуриб, бола очди.

Бир куни бургут панжаларида катта балиқ билан атрофифа одамлар ишлаётган ўша дараҳтдаги инига учеб келди. Одамлар балиқни кўриб, дараҳтни қуршаб олишиди, бақириб-чақириб, бургутга тош ота бошлашиди.

Бургут балиқни ташлаб юборди, одамлар эса ўлжани олиб, жўнаб кетишиди.

Бургут ин четига қўнди, полапонлари эса бош кўтариб, чийиллашиб, бирон егулик сўрарди.

Бургут чарчаган, яна дengiz томон учмоққа ҳоли йўқ эди. У инига тушиб, болакайларини қанотига олди, эркалади, патларини силаб-сийпалади ва гўё яна озгина сабр қилишларини сўраб ўтинди. Аммо у эркалаган сайин полапонлар баттар чийиллашиди.

Шунда бургут улардан нари учеб, тепароқдаги шохга қўнди.

Бургутчалар оҳ-воҳ уриб, янада аянчлироқ чийиллашиди.

Шунда бургутнинг ўзи ҳам қаттиқ қичқириб юборди, қанотларини ёзди ва дengизга учеб кетди. У шу кетганча кечқурун қайтди: ер узра сассиз, паст учеб келди; панжаларида яна катта балиқ бор эди.

У дараҳтга яқинлашаётганда яна одамлар йўқмикин дея атрофга аланглади, тезгина қанотларини йиғди ва ин четига қўнди.

Бургутчалар бош кўтариб, оғизларини каппа очди, бургут эса балиқни нимталаб, полапонларини овқатлантириди.

## ЧУМЧУҚ ВА ҚАЛДИРФОЧ

Бир куни ҳовлига чиқиб, том бўғотидаги қалдирғоч инига қарадим. Иккала қалдирғоч ҳам кўз олдимда учеб кетди ва инлари бўшаб қолди.

Қалдирғочлар йўқлигига томдан бир чумчуқ учеб тушиб, атрофга аланглаб, қанот қоқди-ю, лип этиб қалдирғочларнинг инига кириб кетди; сўнг у ердан бошини чиқариб, чириқлай бошлади.

Кўп ўтмай қалдирғоч қайтиб келди. У инига бош сукди, аммо меҳмонни кўрган заҳоти чийиллаб юборди, қанотларини потирлатиб учеб кетди.

Чумчуқ эса ўша ўтирганча чириқлар эди,

Тўсатдан бир тўда қалдирғочлар ёпирилиб келишиди: улар гўё чумчукни бир кўриб қўймоқчидек инга қўниб, яна учиб кетишарди.

Чумчук эса пинагини бузмади, бошини ўгириб қўйиб, чириқлайверди.

Қалдирғочлар яна инларига келиб қўнار, нимадир қилишар ва яна учиб кетишар эди.

Қалдирғочлар бекорга учиб келишмаётганди: ҳар бирри тумшуғида лой олиб келар ва иннинг тирқишини оз-оздан суваб, беркитишар эди.

Қалдирғочларнинг борди-келдиси тиимади, инни яна да дадилроқ сувай бошладилар; тирқиш эса тобора торайиб бораверди.

Олдинига чумчукнинг бўйни кўриниб турувди, кейин боши, сўнг тумшуғи, ундан кейин эса ҳеч нарса кўринмай қолди, қалдирғочлар уни бутунлай инга қўшиб суваб ташлагач, учиб кетишди ва уй атрофида чирқиллаб айлана бошладилар.

## ҚУЗГУН ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

Қузгун оролда ўзига ин қуриб, бола очгач, уларни ерга элта бошлади. Аввал полапонларидан биттасини олиб дengиз узра парвоз қилди. Қузгун дengиз ўртасига борганда толиқиб, сустроқ қанот қоқа бошлади ва ўзича ўлади: ҳозирча куч-қувватим етарли, болам ҳали нимжон, уни дengиздан олиб ўтяпман, аммо у улғайнб, куч-қудратга тўлиб, мен эсам қарилликдан силлам қуригач, чеккан заҳматларимни эслармикин ва мени бир жойдан иккинчи жойга элтармикин? Шунда қузгун боласидан сўради: «Мен куч-қувватдан қолиб, сен эса ба-қувват бўлганингда мени шунақа кўтариб юрасанми? Тўғрисини айт!» Қузгунча отаси дengизга ташлаб юборишидан қўрқиб, «ҳа» деди. Аммо ота ўғлига ишонмади, иянжаларини ёзиб, боласини ташлаб юборди. Полапон худди кесакдек пастга тушиб, дengизга чўкиб кетди. Қузгун дengиз узра оролга ёлғиз қайтиб келди. Кейин у бошқа қузгунчани кўтариб, яна парвоз қилди. Денгиз ўртасида яна толиқиб, боласидан қариганимда бир жойдан иккинчи жойга элтасанми, деб сўради. Ўғли отам ташлаб юбормасин дея қўрқиб, «ҳа» деди.

Ота бу боласига ҳам ишонмай, дengизга ташлаб юборди. Қузгун орқага қайтиб, инига учиб келганда фақат битта полапон қолган эди. У охирги боласини

олиб, дengиз томон парвоз қилди. Денгиз ўртасига етиб, ҳолдан тойганда сўради: «Қариб-қартайганимда мени боқиб, бир жойдан бошқа жойга элтасанми?» Қузгунча: «Йўқ», деди. «Нега энди?» деб сўради отаси. «Сен қартайиб, мен улғайганимда ўзимнинг иним ва полапонларим бўлади, мен ўз болаларимни боқиб, кўтариб юраман». Шунда қузғун ўйланиб қолди: «У тўғрисини айтди, шунинг учун ҳам сал жонимни койитиб, дengиздан олиб ўтай». Қузғун боласини ташлаб юбормади, сўнгги кучини йиғиб, қанот силкиди ва полапонимни қуриб, бола очсин дея уни ерга элтиб қўйди.

## ДАНАК

Она олхўри сотиб олди ва уни тушликдан сўнг болалига бермоқчи бўлди. Вания ҳеч қачон олхўри емагани учун ликопчада турган мевани ҳидлаб кўрди. Олхўри жудаям ёқиб кетди. Жудаям егиси келди. Олхўридан нари кетолмай қолди. Хонада ёлғиз қолганда ўзини тиёлмай битта олхўри олиб, еб қўйди. Тушлик олдидан она санаб қўрсаки битта олхўри кам. Она воқеани отага айтди.

Тушлик қилишаётгандан ота шундай деди: «Болаларим, мабодо орангизда ҳеч ким олхўрининг биттасини еб қўймадимкин?» Ҳамма «Йўқ» деб жавоб қилди. Вания қип-қизариб кетди ва у ҳам: «Йўқ, мен емадим», деди.

Шунда ота деди: «Ким еган бўлса ҳам яхши бўлмапти, аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, олхўрининг данаги бор, кимки ейишни билмай уни ютиб юборса бир кундан сўнг ўлади. Мен шундан қўрқяпман».

Вания бўзариб кетди ва: «Йўқ, мен данагини деразадан отворганман», деди.

Ҳамма шарақлаб кулди, Вания бўлса йиғлаб юборди.

## ЭШАҚ ВА ОТ

Бир одам эшаги ва оти билан ўйлда кетаётган экан. Юки оғир эшак отга дебди: «Юким оғирлик қиляпти, ҳаммасини бир ўзим тортолмайман, ҳеч бўлмаса озорғани олгин». От қулоқ солмабди. Эшак зўриққанидан ётиб қолибди ва жони узилибди. Хўжайн эшакнинг бор юкини олиб, отга юклабди, устига эшакнинг терисиниям қўшиб қўйибди, от зорланиб, шола қилибди: «Ох,

шонам шўр экан! Озгина ёрдам қилишни истамовдим, мана энди ҳаммаси гарданимга юкланди, қолмишига териниям ортиб қўйди».

## ЗОФЧА ВА ҚАПТАРЛАР

Зофча капитарларнинг тўкин-сочинликда яшаётганини кўриб, оқقا бўялиб олибди ва капитархонага ўзини урибди. Каптарлар аввалига уни ўзимизники деб ўйлаб, индашибди. Аммо зофча хаёли фаромуш бўлиб, ўз тилида чуғурлаб қўйипти. Шунда капитарлар уни чўқи-лаб, ҳайдаб юборишибди. Зофча ўз қавмига қайтиб борибди, аммо унинг оппоқлигидан ҳадиксираган зофчалар ҳам уни ҳайдаб солишибди.

## КЕКСА БОБО ВА НАБИРА

Бобо қариб, мункиллаб қолибди. Юришдан, кўришдан қолибди, тишлари тўкилган, қулоқлари эшитмас экан. Овқат еса оғзидан емиши тўқилиб кетаркан. Ўғли билан келини уни столга ўтқазмай қўйишибди; бобони печка устида овқатлантиришаркан. Бир гал унга ликобчада овқат беришибди. Бобо уни ўзига тортаман деб туширворибди ва синдириб қўйибди. Келин бобони ҳамманинг кўзига тиканак бўлиб, бор нарсани синдиргани учун қарғай кетибди, энди тоғорада овқат бераман депти.

Бобо хўрсиниб қўйибди-ю, ҳеч нарса демабди. Эру хотин бир куни уйда ўтириб, ўғилларининг ёғоч ўйнаганча бир нима ясаётганини кўриб қолишибди. Отаси: «Нима қиляпсан, Миша?» — деб сўрабди. Миша «Онам билан бирга қариганингларда сизларни боқиш учун тоғора ясаяпман», дебди.

Эру хотин бир-бирига тикилиб, йиғлаб юборишибди. Чолни шунчалар хўрлашгани учун уялишибди; улар шундан бўён бобосини дастурхонга ўтқазиб, кўнглини ола бошлишибди.

## АРСЛОН, АЙИҚ ВА ТУЛКИ

Арслон билан айиқ ўлжа талашиб, жиққа мушт бўлишибди. Айиқ ҳам, арслон ҳам ён беришни хоҳлаш-

мабди. Олиша-олиша иккovi ҳам ахиири судайиб, ётиб қолибди. Шунда тулки ударининг ўртасида ётган гўшни кўриб қолиб илиб кетибди.

## ҮҚИМИШЛИ ҮРИЛ

Үрил шаҳардан қишлоқга — отасининг олдига келибди. Отаси ўғлига: «Хозир ўрим маҳали, ҳаскашни олиб юргин, ёрдамлашиб юборасан», дебди. Үрилнинг ишлашга тоби йўқ экан, тайсаллаб жавоб қилибди: «Мен илмга ўқиганман, дехқонча сўзлар эсимдан чиқибди, ҳаскаши нимаси?»

Үрил шундоқ ҳовлига чиққан экан, ҳаскашни босиб олибди: ҳаскаш тарс этиб пешонасига урилибди. Шунда у ҳаскаш нималигини эслаб, пешонасини чангллаганча: «Қайси аҳмоқ бу ерга ҳаскашни ташлаб қўйди!» депти.

## АРСЛОН ТЕРИСИНИ ЕПИНГАН ЭШАК

Эшак арслон терисини ёпиниб олган экан, ҳамма уни арслон деб ўйлабди. Одамлар ва ҳайвонлар тумтарақай қочиб кетибди. Шамол туриб, тери кўтарилгац, эшакнинг ўзи кўриниб қолибди. Одамлар қайтиб келиб, эшакни ўлакса қилиб калтаклашибди.

## ТОВУҚ ВА ҚАЛДИРФОЧ

Товуқ илон тухумини топиб олибди ва уни босиб, очиб чиқмоқчи бўлибди. Буни кўрган қалдирфоч шундай дебди:

«Э-э тентак! Тухумни очиб ҳам чиқарсан, аммо у вояга этиб, ўз бошингга бало бўлади-ку!»

## БУФУ ВА УНИНГ БОЛАСИ

Буғунинг боласи сўрабди:  
«Отажон, сен итдан каттасан, югуриксан, бунинг устига ҳимояланишга баҳайбат шохларинг ҳам бор, нима учун энди итлардан бунчалик қўрқасан?»

Буғу кулиб, шундай дебди:

«Тўгри айтасан, болам. Ҳамма бало шундаки, итлар-  
ниң ҳуришини әшитишим биланоқ ўйлашга улгурмай-  
май, оёқларим ўз-ўзидан гизиллаб кетаверади».

## ХИЗМАТКОРЛАР ВА ХУРОЗ

Үй бекаси хизматкорларни тоғ отмай уйғотар, хўро-  
з қичқириши билан уларни ишга **солар** экан. Хизмат-  
корларнинг тоқати тугаб, бекани **уйғотавермасин** деб  
хўрозни ўлдиришга қасд **қилишибди**. **Ўлдиришибди-ю**,  
аммо яна баттар бўлибди, **бека ҳулаб** қолишдан қўрқиб,  
хизматкорларини янада **барвакт** уйғотадиган бўлибди

## ТУЛКИ ВА ЭЧКИ

Эчки чаңқаб, сув ичкиси келиб, тик жарликдан бу-  
лоққа тушиб, қорни қаппайгунча ичибди. Тепага қайт-  
моқчи **бўлган экан**, чиқолмай қолибди. Шунда у ўкира  
бошлабди. Тулки кўриб қолиб, гап қотибди:

«Э-э каллаварам! Селкиллаган соқолингга яраша  
каллангда ақл ҳам бўлганда эди, пастга тушишдан ол-  
дин қандай чиқиши ўйлаган бўлар эдинг».

## БУРИ ВА ТУРНА

Бўрининг томогига суяқ тиқилиб қолибди ва увало  
уринмасин, чиқаролмабди. У турнани чақириб, дебди:

«Қани турнавой, сенинг бўйнинг узун, томогимга бо-

шигни тиқиб, суякни олиб ташла, ҳақини бераман».

Турна бошини тиқиб, суякни олиб ташлагач, сўрабди:

«Қани энди ҳақи?»

Бўри тишларини ғижирлатиб, дағдага қилибди:

«Томогимга бошигни тиққанингда узиб олмаганим

учун шукр қилмайсанми?»

## ҮРДАК ВА ОЙ

Үрдак анҳорда сузив, балиқ қидирибди ва кун бўйи  
биронта ҳам тутолмабди. Қоронги тушганда у сувдаги  
ой аксини кўриб, балиқ деб ўйлади ва тутмоқчи бўлиб



шўнгиди. Бошқа ўрдаклар буни кўриб, ундан кулишибди.

Уша воқеадан кейин ўрдак сув остида балиқни кўрсаҳам қарамабди. Ахийри, шунчалик ийманганидан, чўчиғанидан очидан ўлибди.

## ҚҮЁНЛАР ВА БАҚАЛАР

Кунларнинг бирида қуёнлар тўпланиб, тирикчилигидан нолишибди: «Одамлар, итлар, бургутлар ва бошқа ҳайвонлар дастидан бизга кун йўқ. Кўрқиб, азоб чекиб яшагунча биратўла ўлиб қўя қолган яхши. Келинглар, чўкиб кетамиз!»

Қуёнлар чўкиш учун кўлга йўргалашибди. Бақалар қуёнларнинг шарпасини эшишиб, ўзларини ин-инига уришибди. Шунда бир қуён гап қотибди:

«Шошманглар, оғайнилар! Чўкиш қочмайди, мана, бақа шўрликларнинг аҳволи бизникидан ҳам харобга ўхшайди: улар биздан ҳам қўрқишаркан».

## НОҚЛАРНИНГ АСИЛИ

Хўжайнин хизматкорини нокка юбораётуб тайинлаб: «Энг асилидан олиб келгин», дебди. Хизматкор бозорга бориб, нок сўрабди. Сотувчи нок узатган экан, хизматкор шундай дебди:

«Йўқ, сен менга энг асилидан бергин».

Сотувчи айтибди:

«Биттасини тотиб кўрсанг мазасини биласан-қўясан».

«Биттасини еган билан ҳаммасининг мазасини қандай биламан?» дебди хизматкор.

У ҳар бир нокдан бир-бир тишлиб кўрибди ва уларни хўжайнинга олиб келибди. Хўжайнин уни ҳайдаб юборибди.

## УЧТА ҚАЛАВА НОН ВА БИР ТЕШИК ҚУЛЧА

Бир кишининг қорни очқабди. У қалава нон сотиб олиб ебди, яна егиси келибди. Бошқатдан қалава нон сотиб олиб ебди, яна егиси келаверибди. У учинчи қалаваниям ебди ва яна егиси келаверибди. Кейин у бит-

та тешик қулча сотиб олиб еган экан, тўйиб қолибди. Шунда у бошига бир муштлаб, тўнгиллабди: «Асли ўзим тентакман! Беҳуда шунча қалава ноннинг рангини ўчирдим. Олдинроқ битта тешик қулча ёб қўя қолсам бўларкан».

## БУЗОҚЧА МУЗ УСТИДА

Бузоқча хилват жой, пучмоқларда чопқиллаб, елиб югуришнинг анча ҳадисини олибди. Қиши тушганда бузоқчани бошқа подага қўшиб, сугоргани музламага ҳайданишибди. Ҳамма сигирлар тогорага әхтиётланиб яқинлашса, бузоқча думини хода қилиб қулогини диккайтирганча гир айланба бошлабди. Ҳали бир қур айланар айланмас оёғи тойиб, боши билан тогорага урилибди.

«Шўрим қурсин!— депти у ўкириб.— Тизза бўйи сомонлар устида шаталоқ отиб йиқилмаган мана энди теп-текис жойда тойғониб ўтирибман».

Қари сигир шундай депти:

«Гўр бузоқча бўлмасанг, енгил чопқиллаб юриладиган жойда ўзингни тутиб юриш қийнироқ эканини тушнардинг».

## ЛОЧИН ВА ХУРОЗ

Лочин эгасига ўрганиб қолган, чақирса қўлига бориб қўнар, хўroz әгасидан қочиб юрап, ким яқинлашса қоқглаб шовқин солар экан. Лочин хўrozга гап қотибди:

«Сиз хўrozлар асли ношукрсиз, қонинглар бузуқ. Қорнинглар очсагина хўжайнинга қайшасиз. Биз ёввойиларда куч ҳам сероб, учсак ҳаммадан ўзиб кетамиз, аммо одамлардан ётсирамаймиз, қайтанга чақиришса ўзимиз бориб қўлига қўнамиз. Биламики улар бизни бокишиади».

Хўroz шундай жавоб қилибди:

«Сизлар ҳеч қачон қовурилган лочинни кўрмаганингиз учун ҳам одамлардан ётсирамайсиз, биз бўлсак қовурилган хўрозни тез-тез кўриб турмиз».

## ФИЛ ВА ШОҚОЛЛАР

Шоқоллар ўрмондаги бор ўлаксаларни аллақачон паққос тушириб бўлишганидан ейишга ҳеч вақо тополмабди. Қари шоқол қорин ғамини бир ёқли қилиш йўлини ўйлаб топибди. Ў филнинг олдига бориб, шундай депти:

«Бир шоҳимиз бор, жа-а ҳаддидан ошиб кетди: нуқул бажариб бўлмайдиган ишларни буюради, энди бошқа шоҳ сайламоқчимиз, қавмимиз сени бизга шоҳ бўлармикин деб мени олдингга юборди. Тирикчилигимиз яхши, нима буюрсанг ҳамасини бажарамиз, иззатингни ҳам жойига қўямиз. Кетдик биз томонга».

Фил рози бўлиб, шоқолнинг ортидан эргашибди. Шоқол уни ботқоққа бошлабди. Фил ботқоққа ботгач, шоқол шундай депти:

«Энди буюравер, нима дессанг шуни қиласмиш».

Фил фармон берибди:

«Мени бу ердан тортиб чиқаришларингни буюраман».

Шоқол истеҳзо билан кулиб, депти: «Хартуминг билан тармаш — ҳозир тортиб чиқараман».

Фил депти:

«Ахир мени дум билан тортиб чиқариш мумкинми?»

Шоқол эса шундай жавоб қилибди: «Ундай бўлсанега бажариб бўлмайдиган ишни буюрасан? Биз олдинги шоҳимишни ҳам шунақа бажариб бўлмайдиган ишни буюргани учун ҳайдаб юборувдик».

Фил ботқоқликда ўлиб қолгач, шоқоллар уни еб қўишибди.

## ЧОЛ ВА АЖАЛ

Бир куни чол ўтин ёрибди ва уни орқалаб жўнабди. Анча йўл босгач ҳориб-чарчабди, юкини ерга қўйиб, депти: «Уфф, қапийди ажали келиб жонимни олса!» Ажал ҳозир бўлиб, сўрабди: «Мен шу ердаман, нима дейсан?» Чол қўрқиб кетиб, шундай депти: «Ўтинни орқамга олволишим керак эди».

## ТУЛКИ

Тулки қопқонга тушиб, думини узиб олиб қутулибди.  
У энди ҳижолатдан қандай қутулсам экан деб ўйлай



бошлабди. Тулкиларни тўплаб, думларини кесиб ташлашга кўндиримоқчи бўлибди: «Дум деган нарсанинг асли кераги ҳам йўқ, беҳуда ортиқча юкни ортимиздан судраб юрибмиз». Тулкилардан биттаси шундай депти: «Эҳ, ўзинг чўлтоқ бўлмаганингда-ку бундай демасдинг-а!»

Тулки дами ичига тушиб жўнаб қолибди.

## ЧИВИН ВА АРСЛОН

Чивин арслоннинг олдига учиб келиб, шундай дебди: «Сен ўзингни мендан кучлиман деб ўйларсан? Тушингни сувга айт! Қанақасига сенда куч бўлсин? Панжаларинг билан юмдалашиб, тишларинг билан ғажилашингни олсак, хотинлар ҳам эркаклар билан худди шунаقا уришишади. Мен сендан кучлиман, хоҳласанг чиқ, ташлашамиз!» Чивин фингиллаб, арслоннинг лунжи ва бурнини чақа кетибди. Арслон юз-кўзларини панжалири билан уриб, тирноқлари билан ўймалаб ташлабди. Ўз башарасини қонга бўяб, ҳолдан тойибди.

Чивин гердайиб, фингиллаганча учиб кетибди. Кейин ўргимчак тўрига илиниб қолибди ва ўргимчак унинг қонини сўра бошлабди. Шунда чивин зорланиб дебди: «Арслондай кучли ҳайвондан зўр чиқдиму ўргимчакдай ипирисқининг дастидан ўлиб кетяпман».

## ОТ ВА УНИНГ ЭГАЛАРИ

Боғбоннинг оти бор экан. Отга иш кўп, емиш эса оз экан. У бошқа хўжайнини орзу қилиб, худога илтижо қила бошлабди. Айтгани ижобат бўлибди. Боғбон отини кулолга сотибди. От суюнибди, аммо кулолникида иш олдингидан ҳам кўп экан. От яна пешонаси шўрлигидан нолибди ва яхшироқ хўжайнини тусаб, худога илтижо қила бошлабди. Бу тилаги ҳам рўёбга чиқибди. Кулол отни кўнчига сотибди. От кўнчининг ҳовлисида от териларини кўриши ҳамон кишинаб юборибди: «Оҳ, шўргинам қурсин! Олдинги хўжайнимнинг қадрига етмабман, мана энди мени ишга эмас, теримни шишлишга сотишибди».



## БОДРИНГ УФРИСИ

Бир киши полицчиникига бодринг ўғирлагани бо-  
риди. У полизга пусиб келиб, хаёл сурис кетибди;  
«Мана шу бодрингдан бир қопини ўмарид, сотаман,  
пулига товуқ оламан. Товуғим тухум қиласы, курк бўл-  
гандა тухумга бостираман, кўп жўжа очиб чиқади. Жў-  
жаларни боқиб, сотаман, пулига чўчқа сотиб оламан, у  
ҳам болалайди. Чўчқаларни сотиб, бия оламан, биям  
қулунлайди. Қулунларни боқиб, сотаман, уй-жойли,  
томорқали бўламан. Томорқага бодринг экаман, ўғирла-  
тиб қўймайман, коровулнинг зўридан қўяман. Коровул-  
ларни ёллаб, бодринг тепасига ўтқазаман, ўзим атрофда  
айланиб юриб: «Ҳей, тузукроқ қўриқланглар!» дея бақи-  
риб қўяман. Азбаройн кўкнори хаёлга берилганидан  
бировнинг томорқасида ўтирганини унугиб, томорги  
йиртилгудек қийқириб юборибди. Буни эшитган қоро-  
вуллар югурниб келиб, ўгрини роса дўпослашибди.

## АРСЛОН ВА ТУЛКИ

Арслон қаріб-қартайып, ҳайвонларни тутолмайдыган бўлибди ва ҳийла билан тирикчилик йўлига ўтибди: ғорга кириб, ўзини касалликка солиб ётаверибди. Ҳайвонлар ундан ҳол-аҳвол сўраб кела бошлишибди, у эса ғорга бош суққанларни қийратаверибди. Тулки нимкосани пайқаб, гор олдидан гап қотибди: «Хўш, арслон, аҳволлар қалай?»

Арслон дебди: «Аҳволим чатоқ. Дарвоқе, нега буёқ-ка кирмаяпсан?»

Тулки шундай жавоб қилибди: «Кирмаётганим шунданки, изларни күриб турибман — кирмоқ бору чиқмоқ йүүк экан».

ИККИ ЎРТОК

Иккى ўртоқ ўрмонда кетишаётган экан, бирдан уларга айиқ ташланибди. Улардан бири қочиб, дарахтга чиқиб яширинибди, иккинчиси эса йўлда туриб қолибди. Бошқа иложини топмагач, у ерга мукка тушиб, ўзини ўлганга солибди.

Айк унга яқинлашиб, ҳидлаб күрибди: у нафас олмай ётаверибди.

Айиқ юзларини искалаб, ўлик экан деб ўйлабди ва жүнаб кетибди.

Жұнақ келінди.  
Айик кетгач, дараҳтга чиққан шериги пастға тушиб, кулибди:

«Хүш, айк қулоғингга нима деб шивирлади?»

«У менга, хавф түгилганда дүстларини ташлаб қоччадиганлар ёмон одам бўлади, деди».

ЖОНҚУШ

Уйимизда дераза ортига чумчук ин қуриб, бешта ту-  
хум қўйди. Биз опа-сингиллар чумчуқнинг эринмай чўп,  
пар ташиб, ўзига ин қуришини кузатиб турдик. Кейим у  
тухум қилганда жуда ёюниб кетдик. Чумчук инига бош-  
қа чўп-мўп ташиб юрмади, тухумни босиб ётди. Эркак  
чумчук ўз жуфтига чувалчанг келтириб боқар эди.

Орадан бир неча күн ўтгач, дераза ортидан чиил-  
лашни эшилдик, чумчук уясида бешта патсиз, қанотсиз,  
жиши қушчаларни күрдик; тумшуқлари сап-сариқ ва-  
юмшоқ, бошчалари катта-катта эди.

Улар күзимизга анча хунук күринди ва аввалгида суюнмай қўйдик, фақат ҳар замонда нима қилишптий-кин дея қараб қўярдик. Онаси тез-тез емиш қидириб учиб кетар ва у қайтиб келганда қушчалар чийиллаб, сариқ тумшуғни капна очишар, онаси чувалчангни майдалаб, полапонларни боқар эди.

Бир ҳафта ўтгач, чумчукларга анча жон кирди. патлари ўсиб, кўримли бўлди ва биз яна уларга элакишидик. Эрталаб дераза ортига чумчукларни томоша қилгани борсак, уларнинг энаси ўлиб ётибди. Чумчук кечаси деразага қўнганча ухлаб қолган ва деразани ёпишаштганда жонивор қисилиб, ўлганини фаҳмладик.

Күшни олиб майсалар устига ташладик. Полапонлар чиyllашибди, бошларини чиқариб, тумшуқларини очди, аммо энді уларни боқадигани йўқ эди.

Катта синглим шундай деди: «Мана энди улар етим қолди, қаровчиси йўқ, келинглар, ўзимиз боқиб ола- миз!»

Биз суюниб кетдик, бир қутичани олиб, тагига қозоз, латта-пүттә түшадик ва унга қушчаларни ини билан жойлаб, уйга келтирдик. Кейин чувалчанг қазиб, ионни сутга бўктириб, чумчукларни боқа бошладик. Улар хўра эди; бошчаларини силкитишиб, тумшуқчаларини қутига суйкашар, ҳаммаси шўх-шаддод эди.

Шундай қилиб, кун бўйи қушчаларни боқдик, қувон-чимизнинг чеки йўқ эди. Эртаси куни саҳарлаб қутига қарасак, энг кичкина чумчуқча ўлиб ётибди, оёқ панжалари қофозга ўралиб қолибди. Биз уни ташлаб юбордик, бошқаси ҳам ўралашиб қолмасин деб ҳамма латта-путталарни олиб, қутига майса ва ипак қофоз тўшадик. Аммо кечқурунга бориб яна иккита чумчуқчанинг қанотлари керилди, оғизлари очилиб, кўзлари юмилди ва ўлиб қолишиди.

Икки кундан кейин тўртинчи полапоннинг ҳам жони узилди ва энди ёлғиз битта жонивор қолди. Биз чумчуқларни бўқтириб қўйганимизни билдик.

Синглим полапонларига ачиниб йиглади ва сўнгги чумчуқчани бир ўзи боқа бошлади, биз фақат томоша қилиб турардик. Сўнгги — бешинчи чумчуқча шўх, тетик ва дадил эди; биз уни Жонқуш деб чақирардик.

Жонқушнинг жони маҳкам экан, ўсиб, учадиган ва отини биладиган бўлди.

Синглим, «Жонқуш, жонқуш!» деб чақирса чумчуқча учиб келиб, елкасига ёки бошига, қўлига қўнар ва унинг қўлидан овқатланар эди.

Кейин у улғайиб, ўзи емишини топиб ейдиган бўлди. Чумчуқча болаҳонада яшар, гоҳо деразадан учиб кетар, аммо ҳамиша қутидаги катагига келиб ётар эди.

Бир куни Жонқуш катагидан чиқмади: бошқа чумчуқчалар ўлими олдидан қылганидек ҳўл қанотларини керди. Синглим қушчанинг ёнидан жилмади, аммо у њеч нарса емас ва ичмас эди.

Жонқуш уч кун касал бўлиб ётди ва тўртинчи куни ўлди. Бечоранинг панжалари диккайганча чалқанча ўлиб ётганини кўриб, уччала опа-сингил ув тортиб йиглашга тушдик, онам нима гап экан дея тепага югуриб чиқди. У ичкарига кириб, столда ўлиб ётган чумчуқчани кўри-ю, қайғумизни тушунди. Бир неча кунгача синглимнинг томоғидан овқат ўтмади, ўйнга ҳам қўшилмай йиглагани йиглаган эди.

Жонқушни энг яхши латта-путталарга ўраб, ёғоч қутига солдик ва боққа олиб бориб кўмдик. Кейин қабрини дўппайтириб, устига тош қўйиб қўйдик.

## ЧУМОЛИ ВА ҚАПТАР

Чумоли чанқаб, сойга тушиб сув ичаётганида тўлқин уни ювиб кетибди ва чўкишига озгина қолибди. Қаптар

чўпни тишлаб, учиб кетаётган экан, чумолининг чўкаётганини кўриб, сойга чўпни ташлабди. Чумоли чўпга тирмашиб чиқиб, қутилиб қолибди. Шундан кейин овчи қаптарга тузоқ қўйиб, тўрни тортишга чоғланибди. Чумоли овчининг олдига ўрмалаб келиб, оёғидан тишлабди. Овчи оҳ уриб, тўрни қўлидан ташлаб юборибди. Қаптар потирлаб учиб кетибди.

## ОЛТИН СОЧЛИ МАЛИКА

Хиндистонда олтин сочли бир малика бўлган экан. Унинг ёвуз ўгай онаси бор экан. Ўгай она олтин сочли ўгай қизни ёмон кўрганидан шоҳни авраб, қизини саҳрора гэлтиб ташлашга кўндирибди. Олтин сочли маликани олис саҳрора ташлаб келишибди. Бешинчи кун деганда малика арслонни миниб, отасининг ҳузурига қайтибди.

Шунда ўгай она олтин маликани фақат калхатлар яшайдиган ёввойи тоғларга юбортирибди. Калхатлар тўртинчи куни маликани саройга келтириб қўйишибди.

Шундан кейин ўгай она маликани денгиз ўртасидаги кимсасиз оролгэ элтиб ташлатибди. Балиқилар олтин сочли маликани кўриб қолишибди ва олтинчи куни уни зиён-заҳматсиз отаси ҳузурига олиб келишибди.

Шундан сўнг ўгай она ҳовлида чуқур қудуқ қаздирибди ва унга маликани ташлаб, устидан тупроқ торттирибди.

Олтинчи кун деганда малика қўмилган жойда ёрқин шуъла пайдо бўлибди ва шоҳнинг амри билан ерни қазиб, маликани қутқариб олишибди.

Ана шундан кейин ўгай она тут тўнкасини ўйдириб, маликани беркитибди ва уни денгизга қўйиб юборибди.

Тўққизинчи кун деганда денгиз олтин сочли маликани Япония тупрогига элтиби ва японлар тўнкадан қизни чиқариб олишибди. У тирик экан.

Аммо малика соҳилга қадам қўйиши биланоқ ўлибди ва ипак қуртига айланиб қолибди.

Ипак қурти тутга ўрмалаб чиқиб, япроқларини ея бошлабди. У зўрайгач, жонсиз бўлиб қолибди: на овқат ер, на қимирлар эмиш.

Бешинчи кун — айни арслон маликани саҳродан олиб келган муҳлатда қурт жонланиб, яна барг ея бошлабди.

Қурт яна бироз зўрайгач, тағин ўлибди ва тўртин-

чи — айни калхатлар маликани қайтариб келган кунда тирилиб, яна барг ейишга тушибди.

Яна ўлибди ва айни малика қайиқда балиқчилар билан уйига келган куни тағин жонланибди.

Яна тўртинчи марта ўлибди ва олтинчи — қудуқдан қазиб олинган кунда тирилибди.

Ва яна охирги марта ўлиб, тўқизинчи кун деганда — малика Япония соҳилларига келган муҳлатда ипакли олтин гумбаз ичидаги тирилибди. Гумбакдан капалак учуб чиқиб, уруф қўйибди, бу уруғлардан қуртлар чиқиб, бутун Японияга тарқалибди.

Японлар қуртни кўплаб урчитишар, мўл-кўл ипак етиширишар экан: ипак қуртининг биринчи уйқуси арслон уйқуси, иккинчиси — калхат уйқуси, учинчиси — қайиқ уйқуси, тўртинчиси — ҳовли уйқуси ва бешинчиси — кунда уйқуси дейиларкан.

## АРСЛОИ ВА СИЧҚОН

Арслон ухлаб ётарди. Сичқон унинг устига чиқиб, кўргалаб кетди. Арслон уйғониб, сичқонни тутиб олди. Сичқон қўйворишини сўраб, илтижо қилди: «Агар мени қўйворсанг сенга ҳам яхшилик қиласман». Арслон сичқоннинг яхшилик қиласман деганидан кулиб қўйди ва уни қўйиб юборди.

Кейинчалик овчилар арслонни тутиб олишди ва даражта боғлаб қўйишиди. Сичқон арслоннинг наърасини ёшитиб ётиб келди ва арқонни кемириб, тутқунни қуттардия ва шундай деди: «Эсингдами, сенга яхшилик қиласман деганимда устимдан кулувдинг, мана энди сичқон ҳам яхшилик қила олиши мумкинлигини кўриб тўрибсан».

## ТАДБИРКОР ДЕҲҚОН

Бир шаҳардаги майдонда каттакон ҳарсангтош ётарди. Тош анча жойни эгаллаган ва ўтган-кетганга халақит берар эди. Муҳандисларни чақириб, тошни қандай олиб ташлаш лозимлиги ва бунинг харажати қанчага тушни мумкинлигини сўрашиди.

Бир муҳандис тошни пороҳ билан парчалаб, бўлакарини ташиб кетиш керак, бу 8000 минг сўмга тушади ёди; иккинчиси тошнинг тагига аравача олиб келиб,

тилдиратиб чиқарвориши керак, бу 6000 минг сўмга тушади деди.

Бир деҳқон бўлса: «Тошни ўзим олиб ташлайман, ҳақига юз сўм кифоя», деди.

Деҳқондан буни қандай уддалайсан деб сўрашиди. У шундай жавоб қилди: «Мен тошнинг тагидан каттакон ўра қазийман; тупрогини майдонга чиқариб, тошни ўрага юмалатаманда ерни текислаб қўяман».

Деҳқон худди шундай қилди ва унга ўша юз сўмини бериб, тадбиркорлиги учун яна юз сўм қўшиб, сийлашди.

## СУДОМА

Псков губерниясининг Пороховский уездидаги Судома деган дарё бўлар, дарёнинг икки соҳилида бир-бирига рўбарў икки тог бор эди.

Тоғларнинг бирида илгари Вишгород деган шаҳарча бўлган, иккинчисида славянларни суд қилишган экан. Кексаларнинг нақл қилишича, ана шу тоғнинг тепасидан бир занжир осилиб турар, гуноҳсиз одам қўлини узатса занжирга етар, гуноҳи бор эса етолмас экан. Бир одамдан бирор қарз олибди-ю, кейин қарзидан тонибди. Иккавини Судома тоғига олиб келиб, занжирга қўл чўздиришибди. Пул берган киши қўлини узатиши ҳамон занжирга етибди. Энди гуноҳкорининг гали келибди. У тайсаллаб ўтирабди, эркинроқ бўлиш учун таёғини рақибига бериб, ўзи занжирга интилибди ва қўлини теккизиди. Шунда халойиқ ҳайрон қолибди: буниси қандоқ бўлди, иккови ҳам ҳақми?

Гап шундаки, гуноҳкорнинг таёғи кавак бўлиб, ичига ўша ўзи қайтаргиси келмаган пуллар яширинган экан. У ўзи қарздор бўлган одамга таёқ узатиш баробарида пулинни ҳам қайтарган, шунинг учун ҳам занжирга қўли етган экан.

Шундай қилиб, гуноҳкор ҳаммани алдабди.

Кексаларнинг нақл қилишларича, ўшандан бўён занжир арши аълога кўтарилиб кетибди ва бошқа қайтиб тушмабди.

## БОЙҚУШ ВА ҚҮЁН

Оқшом чўйканда бойқушлар жарлик, пастқамликлар оша ўрмонга ўлжа қидириб учишади.

Каттакон кулранг қуён ялангликка сакраб чиқади-ю, ўзига, оро бера бошлайди. Қари бойқуш қуёнга қараб қўйиб, дараҳт шохига қўнади, ёш бойқуш бўлса шундай гап қотади: «Нега энди қуённи овламаяпсан?» Қари бойқуш жавоб қилиб дейди: «Кучим етмайди — қуён катталиқ қилади: унга ёпишсанг ўзингни чакалакзорга олиб қочади». Ёш бойқуш эса: «Мен бўлсам бир панжамни ботиришим биланоқ иккинчи панжам билан дарахтга тармашиб оламан», дейди.

Ёш бойқуш қуёнга ташланади, тирноқларини таги-гача ўлжасига ботиради-ю, иккинчи панжасини дараҳтдан тутиб қолишга чоғлайди. Қуён уни судраши ҳамон бойқушча дараҳтни тутиб қолади ва ўзича: «Қочиб бўпсан!» деб ўйлайди. Қуён чираниб тортган экан, бойқуш иккига бўлинниб кетади. Битта панжаси дараҳтда, иккинчиси қуённинг орқасида қолади. Кейинги йили бир овчи қуённи ўлдиради ва орқасидаги бойқуш панжасини кўриб, ҳайрон бўлади.

## ИККИ САВДОГАР

Бир камбағал савдогар сафарга отланибди ва бор мулкини сақлаб туриш учун бой савдогарга топширибди. У сафардан қайтгач, савдогардан буюмларини қайтариб беринши сўрабди.

Бой савдогар омонатга хиёнат қилиб, сотиб юборган экан, қутулиш учун баҳона ўйлаб топибди: «Буюмларинг фалокатга йўлиқди».

— Нима бўлди?

— Мен буюмларингни ғалла сақланадиган омборхонага қўйгандим. У ерни сичқонлар босиб кетувди, ҳамма темир-терсагинги кемириб ташлабди. Қандай ғажиша-стганини ўз кўзим билан кўрдим. Агар ишонмасанг юр, кўрсатаман.

Боёқиц камбағал савдогар билан тортишиб ўтирабди. У: «Энди инмасини кўраман, шундоғам ишонман. Биламан — сичқонлар шунаقا темирни кемиради. Саломат бўл», дебдию изига қайтиби.

У кўчада кетаётib бой савдогарнинг ўйнаб юрган ўғлини кўриб қолибди. Камбағал савдогар болани эркалатиби ва қўлидан етаклаб, уйига олиб келибди.

Эртаси куни бой савдогар камбағал савдогарни кўчада учратиб, ўғли йўқолганини айтиб, зорланиби ва «бирон-бир дарагини эшитмадингми?» деб сўрабди,

Камбағал савдогар шундай жавоб қайтарибди:

— Эшитганда қандоқ. Қеча олдингдан чиқдиму осмондан лочиннинг ўғлингга ташланиб, кўтариб кетганини кўриб қолдим.

Бой савдогар жаҳли чиқиб, эътиroz билдирибди:

— Устимдан кулгани уялмайсанми? Ахир лочиннинг болани кўтариб кетиши ақлага тўғри келадими?

— Йўқ, устингдан кулаётганим йўқ. Ахир сичқонлар юз пуд темир-терсакни еб қўйганда лочиннинг болани кўтариб кетиши нима деган гап? Ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Бой савдогар шунда ҳамма гапни тушунибди ва шундай дебди: «Сичқонлар булатингни емаган, уларни ўзим сотворувдим, энди икки баробар қилиб тўлайман».

— Ундан бўлса, лочин ҳам ўғлингни кўтариб кетмаган, мен ҳам болангни ўзингга қайтараман.

## ВАЗИР АБДУЛ

Эрон шоҳининг Абдул деган адолатпарвар вазири бўлган экан. У бир куни шаҳар бўйлаб шоҳ ҳузурига кетаётганида йўл-йўлакай тўполон чиқариш учун йигилган оломонга дуч келибди. Оломон вазирни ўртага олиб, отини тўхтатиби ва айтганиларига кўнмаса, «ўлдира-миз», деб дўқ қилишибди. Бир одам ҳаддидан ошиб, вазирнинг соқолидан тортиб, силкитиби.

Оломондан қутулган вазир шоҳ ҳузурига келибди ва халойиқнинг бу ўзбошимчалиги учун жазоламаслини ўтинибди.

Эртаси куни вазирнинг олдига дўкондор келибди. Вазир ундан сенга нима керак, деб сўрабди. Дўконлор шундай дебди: «Кеча сени хафа қилган одамни айтгани келдим. Мен уни биламан — қўшишим бўлади, исми Нагим, унга одам юбортариб, жазосини бер!»

Вазир дўкондорга ижозат берибди ва Нагимни чақиритирибди. Нагим кимдир уни сотганини фаҳмлабди ю жонидан умидини узиб, вазирнинг оёғига йиқилибди.

Вазир уни турғазиб, шундай дебди: «Мен сени жазолаш учун чақирирганим йўқ, фақат қўшишинг ярамас одам эканлигини эсингга солиб қўймоқчиман, холос. У сени сотди, эҳтиёт бўлгин. Энди борақол, худо ёр бўлсин».

## БАРМОҚВОЙ

Бир камбағалнинг кичикдан кичик етти ўғли бор экан. Энг кенжаси шунчалик кичкина эканки, тугилганда нақ бармоқдек келаркан. Кейинчалик у сал-шал ўсибди, аммо барибир бармоқдан каттаймабди, шунинг учун ҳам уни бармоқвой дейишаркан. Аммо Бармоқвой кичкина бўлса ҳам абжир ва айёр экан.

Ота-она кундан кунга қашшоқлашиб бораверибди ва ахийри ҳоли танг бўлиб, болаларни боқинига ҳеч вакоси қолмабди. Ота-она ўйлай-ўйлай поилож фарзандларини уйга қайтиб келмасин дея ўрмоннинг олис бир бурчагига ташлаб келмоқчи бўлишибди. Ота-она бу ҳақда маслаҳатлашаётганда Бармоқвой ухламай, ҳамма гапни эшитиб олибди. Тонг саҳарда у ҳаммадан олдин туриб, сойга чопибди ва чўнтакларни оқ тошларга тўлдирибди. Ота-она болакайларни ўрмонга етаклаб кетаётганда Бармоқвой ҳаммадан орқада юриб, чўнтағидаги тошларни йўлга битта-битта ташлаб келаверибди.

Ота-она болаларини ўрмоннинг энг олис бурчагига элтишибди-ю, ўзларини дарахт панаенга уриб, қочиб қолишибди. Болакайлар ота-онасни чақира бошлашибди ва ҳеч ким келавермагач, зор-зор йиғлашга тушибдилар.

Фақат Бармоқвой йиғламабди. У ингичка товушда: «Йиғлашни бас қилинглар, сизларни ўзим ўрмондан олиб чиқаман», дебди. Акалари қулоқни қоматга келтириб йиғлаганидан эшитишмабди. Улар уканинг гапни эшитгач, Бармоқвой йўлга оқ тошлар ташлаб, белги қўйганини ва акаларини ўрмондан олиб чиқажагини айтибди. Ҳамма суюниб, уканинг ортидан эргашибдилар. Бармоқвой тошдан-тошга йўл бошлаб, тўппа-тўғри уйни топиб келиби.

Аксига олиб, ота-она худди болаларини ўрмонга ташлаб келган куни отага пул чиқади. Ота она билан ўзаро ҳасратлашибди: «Нега энди болаларимизни ўрмонга ташлаб келдик-а? Боёқишиларнинг ҳоли не кечади энди? Мана энди зорманда пул ҳам топилди, амаллаб боқиб олардик». Онаизор йиғлаб, обидийда қиласди: «Оҳ! Қанийди болаларимиз бағримизда бўлса!» Бармоқвой бўлса дераза ортида бу гапларни эшитиб, шундай дейди: «Мана биз шу ердамиз!»

Она суюнганча айвонга югуриб чиқади ва болакайлар бирин-кетин уйга киришади.

Ҳамма керакли нарсаларни сотиб олишиб, то пул тугагунча яна бинойидек яшашибди.

Аммо пул яна тугаб қолибди, ота-она энди нима қилсанк экан дея бош қотиришибди, яна ноилож болаларини ўрмонга ташлаб келишни хаёл қилишибди.

Бармоқвой бу маслаҳатни ҳам эшитиб қолиб, тонг саҳарда тош тергани яна сойга тушмоқчи бўлибди. Эшикка яқинлашса, зулфини солиглиқ экан; увало уринимасин, зулфинга бўйи етмабди.

Тош теришга кўзи етмагач, ўрнига нон олибди. Нонни чўнтағига солиб: «Бизни ўрмонга олиб кетишаётганда йўлга нон ушоқларини ташлаб кетавераман ва шу белги билан яна акаларимни қутқариб оламан», деб ўйлади.

Ота-она яна болалари билан ўрмонга йўл олибди. Бармоқвой эса йўл-йўлакай нон ушоқларини ташлаб кетаверибди.

Акалари йиғлай бошлагандা Бармоқвой уларни қутқараман деб овутибди.

Аммо бу гал боёқиши йўлни тополмабди, чунки нон ушоқларини қушлар еб кетибди.

Болалар то қоронғи тушгунча ўрмонда адашиб-тентираб юришибди, аммо йўлни топишолмабди. Йиғлай-йиғлай ухлаб қолишибди. Бармоқвой ҳаммадан олдин уйгониб, дарахтга чиқибди ва атрофга алантглаб, бир уйни кўрибди. Дарахтдан тушиб, акаларини уйготибди ва ўша кулбага бошлабди.

Улар ўйнинг эшигиги тақиллатишган экан, бир кампир чиқиб, сизларга нима керак деб сўрабди. Болалар ўрмонда адашиб қолишганини айтишибди. Шунда кампир уларни ичкарига қўйиб, шундай дебди: «Бу ёққа қадам қўйганингиз учун ачинаман; эрим одамхўр. Агар у сизларни кўриб қолгудай бўлса, еб қўяди. Сизларга раҳмим келади. Каравотнинг тагига беркининглар, эрталаб чиқариб юбораман».

Болалар қўрқиб, каравотнинг тагига кириб кетишибди. Тўсатдан кимнингдир эшикни тақиллатиб, ичкари киргани эшитилибди. Одамхўрнинг кампирига «ичимлик келтир» деб бақирган даҳшатли овозини ва унинг столга ўтирганини Бармоқвой каравот остидан секин мўралаб қўрибди. Кампир ичимлик қўйибди, эри ичиб бўлиб, ҳид ола бошлабди: «Ўйимизда одам ҳиди анқијати. Биронтаси яширинганми?» Кампир ҳеч ким йўқ дебди, аммо одамхўр искалаб — ҳидлаб каравотга яқинлаша бошлабди. Каравот остини қўллари билан пайпаслаб, Бармоқвойни оёғидан тутиб олибди ва «мана улар!» деб бақирибди. У болакайларнинг ҳаммасини каравот тагидан тортиб чиқарибди. Кейин пишокни

олиб, уларни сўймоқчи бўлган экан, кампири айнитибди: «Кўряпсанми, улар қанчалик озгин, ўсал. Озроқ боқсак сал жон кириб, мазалироқ бўлади», дебди. Одамхўр кўнибди ва уларни яхшилаб боқишини ва қизлари билан бирга ухлатишни буюриби.

Одамхўрнинг худди ака-укаларга ўшаган етти қизи бор экан. Қизалоқлар битта каравотда ётиб ухланпар, ҳар бирининг бошида олтин қалпоқ бор экан. Бармоқвой буни кўз остига олибди ва одамхўр кампири билан кетганида секингина қизларнинг олтин қалпоғини олиб, ўзи ва акаларига, ўзлариникини эса одамхўрнинг қизларига кийдириб қўйибди.

Одамхўр туни билан ичибди. Кўп ичганида кўп егиси келаркан. У болакайлар ва қизалоқлар ухлаётган хонага кирибди. Болаларнинг олдига келиб, бошларидаги олтин қалпоқни сийпалаб кўриб, шундай дермиш: «Кайфчиликда сал бўлмаса қизларимни сўйворай дебман». Болаларни холи қолдириб, қизларига борибди, бошларидаги юмшоқ қалпоқни сийпалаб кўргач, ҳаммасини сўйиб ташлаб, ухлаб қолибди.

Шунда Бармоқвой акаларини уйғотибди ва эшикни очишиб, ўрмонга қочишибди.

Болалар бир кечаю бир кундуз йўл юришса ҳам ўрмондан чиқишлиомабди.

Одамхўр уйғониб қарасаки, бегоналар ўрнига ўз болалари сўйилиб ётибди; шунда у етти чақиримни бир қадам қилиб босадиган этигини кийиб, болаларни қидиргани ўрмонга югурибди.

Одамхўр болаларни қидира-қидира тополмабди ва шундоқ уларнинг ёнига бориб, ухлаб қолибди.

Бармоқвой одамхўрнинг ухлаб ётганини кўриб, ёнига ўрмалаб келибди ва унинг чўнтағидан бир ҳовуч олтин олиб, акаларига бўлиб берибди. Кейин у одамхўрни ечинтириб, унинг етти чақиримли этигини ҳам кийибди ва акаларига орқасидан маҳкам ушлашларини тайинлабди. Бармоқвой чирнирак бўлиб чопган экан, бир зумда ўрмондан чиқиб, уйини тошиб олибди.

Улар ота-онасига олтиниларни топширишибди. Улар бойиб кетишибди ва оқибатда болаларини ҳам ўрмонга ташлаб келмайдиган бўлишибди.

## ФИЛИПОК

Филипп деган бир бола бор эди. Қунларнинг бирида ҳамма болалар мактабга жўнашди. Филипп ҳам шапкасини олиб, уларга қўшилмоқчи бўлди. Аммо онаси шаштини қайтарди.— Сенга йўл бўлсин, Филипок?— Мен ҳам мактабга бормоқчиман.— Сен ҳали кичкинасан, бормагин,— дея онаси уни уйида олиб қолди. Болалар мактабга кетишибди. Отаси тонг саҳарда ўрмонга жўнаб кетувди, онаси эса ҳар кунги чўрилигидан қолмади. Уйда Филипок билан печка устида мудраб ётган энаси бор эди, холос. Филипок зерика бошлади, энаси ухлаб қолгач, шапкасини қидиришга тушди. Ҳузиникини тополмай отасининг эски шапкасини кийиб, мактабга жўнади.

Мактаб қишлоқдан наридаги черков ёнида эди. Филипп ўзларининг маҳалласидан ўтётганда итлар уни таниб, тегинмади. Аммо у бегона хонадонларга яқинлашувди ҳамки Жучка деган кучукча югуриб чиқиб, вовулашга тушди, Жучкага Волчок деган катта ит ҳам қўшилди. Филипок пилдираб қотиб қолди, итлар орқасидан қувлади. Филипок бақира бошлади, оёғи чалишиб, йиқилиб тушди. Бир киши итларни ҳайдаб юборди, ва ёлғиз ўзинг қаёққа бормоқчисан, зумраша, деб сўради. Филипок индамади, этагини кўтарди-ю, оёғини қўлига олиб чопди. Мактабгача югуриб келди. Айвонда ҳеч ким кўринмас, ичкарида болаларнинг ғала-ғовури қулоққа чалинар эди. Филипка қўрқиб кетди: муаллим ҳайдаб юборса-я. Нима қилишин ўйлаб, боши қотди. Орқага қайтай деса — итлардан қўрқади, мактабга кирай деса — муаллимдан. Шу маҳал бир хотин челак кўтариб ўтиб қолди ва шундай гап қотди: ҳамма ўқиётганда сен бу ерда нега қақайиб турибсан? Шундан кейин Филипок мактабга кирди. Даҳлизда шапкасини олди ва секин эшикни очди. Ичкари болалар билан тўла эди. Ҳаммаси ўзларича қичқириб-чуғирлашар, муаллим ўртада юрар эди.

— Сенга нима керак? — деди у Филипкага хитоб қилиб. Филипок шапкасини ушлаб қўйди-ю, миқ этмай тураверди.— Кимсан ўзинг?

Филипок индамади.

— Ёки соқовмисан?

Филипок азбаройи қўрқиб кетганидан гапиролмай қолди.

— Гапирингн келмаса уйнингга борақол.

Филипок бажонидил ганирарди-ю, қўрқувдан томоғи қуруқшаб кетди. У муаллимга термулиб турди-ю, йирлаб юборди. Муаллимнинг унга раҳми келди. Бошини силаб, болалардан унинг кимлигини сўради.

— Бу Костюшканинг укаси — Филипок, у анчадан бўён мактабга келмоқчи бўлиб юрувди, онаси қўймаяти, энди яшиғинча келибди.

— Хўш, ундаи бўлса бориб акангнинг ёнига ўтири, мен ойингга тайинлаб қўяман, сени мактабга юборади.

Муаллим Филипокка ҳарфларни кўрсата бошлади, у эса ҳарф танир, анча-мунча ўқишниям эпларди.

— Қани ҳарфлардан исемингни ўқиб кўрсатчи?

Филипок ўқий бошлади: хве-и-хви, -ле-и-, -пеок- пок. Ҳамма кулиб юборди.

— Баракалла,— деди муаллим.— Сенга ўқишни ким ўргатди?

Филипок энди дадил жавоб қилди:

— Костюшка ўргатди. Мен шунаقا абжирман, ҳаммасини дарров тушуниб олдим. Зеҳним ҳам ўткир.

Муаллим кулиб қўйди ва сўради:

— Ибодат қилишни биласанми?

— Биламан,— деди Филипок ва биби Марямдан айта кетди: аммо ҳамма сўзларни бузиб айтди. Ўқитувчи уни тўхтатиб, деди:

— Мэқтаниши бас қилиб, энди ўргангин.

Шундан бўён Филипок болалар билан мактабга қатнай бошлади.

## ТОШБАҚА ВА БУРГУТ

Тошбақа бургутдан учишни ўргатгин деб сўрабди. Бургут бу ишни қўйгии, сенга тўғри келмайди деса ҳам тошбақа қўймабди. Бургут уни панжаларига олиб, осмону фалакка кўтарилибди-ю, ташлаб юборибди. Тошбақа тошга урилиб, дабдаласи чиқибди.

## ТОШ

Бир қамбағал одам бойникига келиб, садақа сўрабди. Бой қурумсоқлик қилиб, ҳеч нарса бермабди ва: «Бор йўқол!» деб ҳайдаб солибди. Гадо кетавермабди. Шунда бойнинг жаҳли чиқибди ва ердан тош олиб, гадога отибди. Гадо тошни ердан олиб, қўйнига солибди ва

шундай дебди: «Менинг ҳам отар галим келмагунча тошни қўйнимда олиб юрганим бўлсин». Ахийри шундай кун келиб, гадонинг ҳам куни туғибди. Бой катта гуноҳ қилган экан, бор мол-мулкидан ажрабди, ўзини эса авахтага юборишибди. уни жазолаш учун ҳайдаб кетишаётганда гадо бойга яқин келиб, қўйнидан тошни олиб, отишга чоғланибди; сўнг иккиланиб, тошни ерга ташлабди ва ўзича шундай дебди: «Беҳуда шунча вақт қўйнида тош сақлабман: ғанимим бой-бадавлат, қудратли бўлганда қўрқардим, энди эса унга раҳмим келади.»

## БОБ

Катта шаҳарларда ёнғин чиқса кўпинча уйларда болалар қолиб кетади, уларни қутқариш ҳам қийин, чунки болакайлар қўрқанидан беркиниб олганча миқ этмай тураверишади, тутунда уларни илғаш ҳам мушкул. Лондонда болаларни қутқариш учун махсус иълар ўргатилган. Бунаقا итлар ўт ўчирувчилар билан бирга юришади, уйларда ёнғин чиқди дегунча итлар болаларни қутқаришга қўйиб юборилади. Боб деган бир ит шундай қилиб Лондонда ўн иккита болани қутқарган.

Бир куни уйда ёнғин чиқади. Ўт ўчирувчилар келганда бир хотин югуриб чиқади. У ичкарида икки яшар, қизи қолганини айтиб зор-зор йиглайди. Ўт ўчирувчилар Бобни уйга қўйворишиади. Боб нарвондан йўргалаб кетади ва тутуннинг ичидаги кўздан йўқолади. Орадан беш минут ўтгач, Боб бир қизчани кўйлагидан тишлаб кўтарганча югуриб чиқади. Онаизор қизал ига талпинади ва унинг сор-омонлигини қўриб, суюнганидан йирлаб юборади. Ўт ўчирувчилар итни эркалаб, силаб-сий-палашади ва бирон жойи куйиб-нетиб қолмадимикин дея қараб қўйишиади. Аммо Боб яна ичкарига интилаверади. Ўт ўчирувчилар ичкарида биронта жонзот қолиб кетгандир дея итни қўйворишиади. Ит уйга қараб югуради ва кўп ўтмай тишида бир нарсани кўтариб чиқади. Одамлар ит кўтариб келган нарсани кўргач, кулиб юборишиади: Боб каттакон қўғирчоқни кўтариб чиқкан эди.

## ЕЛГОНЧИ

Бир бола қўй боқарди, у худди бўрини кўриб қолгандек бақириб чақира бошлади: «Ердам беринглар, бўри.

сөлди, бўри!» Одамлар келиб қаравасаки — ёлғон. Бола ина бир неча бор одамларни алдабди. Бир куни ростдан ҳам бўри ҳужум қилибди. Бола бақира бошлабди: «Бу ўқса, тезроқ бу ёқса келинглар, бўри!» Одамлар бола ина олдингидай алдаётган бўлса керак деб ўйлашибди-ла, ёрдамга келишмабди. Бўри қарайдики қўрқадиган ёч вақо йўқ; бемалол ҳамма қўйларни қийратибди.

## ХОТИН ВА ТОВУҚ

Бир товуқ ҳар куни тухум туғаркан. Бека, агар донни кўпроқ берсам товуғим икки баробар кўп тухум қилиди цеб ўйлабди. Худди шундай қилибди. Семириб, ёғ босиб кетган товуқ эса бутунлай тухумдан қолибди.

## МЕРОС ТАҚСИМОТИ

Бир отанинг икки ўғли бор экан. У болаларига: «Ўлсан ҳамма нарсани тенг бўлишиб олинглар», деб васият қилибди. Ота ўлгач, ўғиллар меросни бўлишолмай тортишиб қолишибди. Ажрим қилишни сўраб қўшнига боришибди. Қўши: «Отанг қандай васият қилувди?» деб сўрабди. Улар: «Отамиз ҳамма нарсани тенг бўлишиб олинглар деганди», дея жавоб қилишибди. «Унда ҳамма қўйлакларни, идиш-товоқлару барча ҳайвонларни теппантенг ўиртиб, синдириб, сўйиб ола қолинглар», деб маслаҳат берибди. Ака-укалар қўшинининг гапига кириб, ҳамма нарсадан ажраб қолишибди.

## БАҚА ВА АРСЛОН

Арслон бақанинг бор овоз билан қуриллаганини эшишиб, қўрқиб кетибди. У тўхтаб қолибди, мундоқ кўрска-ки бақа ботқоқдан чиқибди. Арслон уни панжаси билан босиб, мажақлабди ва: «Энди кўрмасдан олдин қўрқмайман», дебди.

## ФИЛ

Бир ҳиндунинг фили бор эди. Эгаси унга яхши қарамас ва аёвсиз ишлатар экан. Кунлардан бир куни филинг жаҳли чиқибди ва эгасини оёғи билан босиб, ўлди-

риб қўйибди. Шунда ҳиндунинг хотини зор-зор йигълаб, болаларини ҳам филнинг оёқлари остига ташлабди. «Отасини ўлдирдинг, энди болаларини ҳам ўлдира қол», дебди у. Фил болаларга бир-бир қарабди ва каттасини хартуми билан олиб оҳиста бўйнига ўтқазибди. Шундай қилиб, фил болакайга қулоқ соладиган ва у буюрган юмушларни бажарадиган бўлибди.

## МАЙМУН ВА НЎХАТ

Маймун иккала ҳовучини тўлдириб нўхат олиб кетаётган эди. Бир дона нўхат ерга тушиб кетувди, маймунни оламан деб яна йигирматасини тўкиб юборди. Апилтапил нўхатларни йиғишга чоғланувди, ҳаммаси тўклиб кетди. Шунда у аччиғланиб, нўхатларни сочиб-тўзитиб, супуриб, қочиб кетди.

## НИНАЧИ ВА ЧУМОЛИ

Кузга яқинлашганда чумоли намиққан буғдойлари-ни офтобга ёйиб, қурита бошлабди. Қорни оч ниначи ундан емиш сўрабди. «Нега ёзда қишиғамини емадинг?» дебди унга чумоли. «Вақтим бўлмади, қўшиқ айтишдан бўшамадим», дебди ниначи. «Ёзда қўшиқ айтган бўлсанг, энди қишида ўйинга туша қол», дебди чумоли кулиб.

## БЎРИ ВА КАМПИР

Оч бўри ўлжа қидирарди. Қишлоқ четида у бола йиғиси ва кампирнинг овозини эшитди:

— Ииғлашни бас қиласанг сени бўрига бервораман, Бўри кетмай, қачон менга болани беришаркин дей кута бошлади. Тун чўкса ҳамки кутаверди ва яна кампирнинг гапини эшитди:

— Ииғлама, бўталогим, сени бўрига бериб бўлмайсан келиб кўрсин-чи у, ўлдириб қўямиз.

Бўри бу ердаги одамларнинг гапи билан иши бирбирига тўғри келмас экан деб ўлади ва қишлоқдан секин жўнаб кетди.

## СИЧҚОН — ҚИЗ

Бир одам сой бўйлаб бораётган экан, қузғун сичқонни кўтариб кетаётганини кўриб қолибди. Ердан тош олиб отган экан, қузғун ўлжасини қўйворибди. Сичқон сувга тушибди. Одам уни сувдан олиб, уйига келтирибди. Бу одамнинг фарзанди йўқ экан. У ўзича: «Оҳ, қанийди мана шу сичқон қизалоққа айланиб қолса!» дебди. Шунда сичқон қизалоққа айланибди. Қизалоқ бўйига етгач, одам: «Ким билан турмуш қуришина истайсан?» деб сўрабди. Қизалоқ: «Оламда ким энг кучли бўлса, ўша билан турмуш қураман», дёбди. Одам қуёшнинг олдига бориб: «Эй қуёш! Менинг қизим оламда кучлиларнинг кучлиси билан турмуш қурмоқчи. Сен ҳаммадан кучлисан, қизимга уйлана қол», деб бор гапни айтиби.

Қуёш шундай жавоб қилибди: «Мен ҳаммадан кучли эмасман, булутлар йўлимни тўсади».

Одам булутларга бориб, дёбди: «Булутлар! Сиз ҳаммадан кучлисиз, қизимга уйлана қолинг». Булутлар жавоб қилибди: «Йўқ, биз ҳаммадан кучли эмасмиз, шамол бизни суриб кетади».

Одам шамолнинг олдига келиб, дёбди: «Шамол! Сен ҳаммадан кучлисан, қизимга уйлангин». Шамол айтиби: «Ҳаммадан кучли эмасман, тоғлар мени тўхтатиб қолади».

Одам тоғнинг олдига борибди ва шундай дёбди: «Тоғлар! Қизимга уйланинг. Сиз ҳаммадан кучлисиз». Тоғлар жавоб қилибди: «Қаламушлар биздан ҳам кучли, у бизни ҳам кемириб ташлайди».

Шунда одам қаламушнинг ҳузурига йўл олибди ва унга дёбди: «Қаламушлар! Сиз ҳаммадан кучли эканиз, қизимга уйланинг».

Қаламуш рози бўлибди. Одам қизининг олдига келиб, айтиби: «Ҳаммадан кучли қаламуш экан, у тоғларни кемиради, тоғлар шамолни тўхтатади, шамол булутларни ҳайдайди, булутлар қуёшни тўсади, хулласкалом, қаламуш сенга уйланмоқчи». Аммо қизалоқ шундай дёбди: «Оҳ, энди нима қилдим! Ахир қандоқ қилиб қаламушга турмушга чиқаман?» Шунда одам илтижо қилибди: «Оҳ! Қанийди қизим яна сичқонга айланиб қолса!»

Қизалоқ яна сичқонга айланибди, сичқон эса қаламуш билан турмуш қурибди,

## ҚИЗАЛОҚ ВА ҚУЗИҚОРИН

Икки қиз қўзиқорин кўтариб, уйга қайтишарди. Улар темир йўлдан ўтишлари керак эди.

Қизалоқлар поездни ҳали узоқ деб ўйлашди ва темир йўл кўтармасига чиқиб, темир издан юра бошлиди.

Кутилмаганда поезд пишқириб қолди. Қизларнинг каттаси орқасига югурди, кичиги эса йўлни кесиб чопа кетди.

Каттаси синглисига қараб қичқирди: «Орқангайтма!»

Поезд яқин келиб қолгани ва шовқиннинг баландлигидан қизалоқ опасининг гапини эшитмади, у аксинча орқамга қайтишим керак экан деб ўлади. У темир из орқали чопди ва қоқилиб кетди, қўзиқоринлари сочилди, уларни тера бошлиди.

Поезд жудаям яқин келиб қолган, машинист зўр бериб хуштак чалар эди.

Опаси: «Қўзиқоринни ташлавор!» деб бақирди, синглиси эса қўзиқоринни теришим керак экан деб тушунди, ўйлда эмаклай кетди.

Боёқиш опаси бақириб-чақириб, йиғлар эди. Ҳамма йўловчилар вагон деразасидан мўралашди, кондуктор бўлса қизалоқнинг аҳволини кўриш учун поезд адогига қараб чопди.

Поезд ўтаётганда ҳамма қизалоқнинг темир йўл излари орасида бошини эгиб, қимирламай ётганини кўриб қолишиди.

Поезд анча олислаб кетгач, қизалоқ бошини кўтариб, қўзиқоринларини терди ва опасининг олдига чопиб кетди.

## ҲИНДУ ВА ИНГЛИЗ

Урушда ҳиндулар ёшгина инглиз болани асирга туширишибди ва уни дарахтга боғлаб, ўлдирмоқчи бўлишибди.

Кекса ҳинду уларга яқинлашиб, шундай дёбди: «Уни ўлдирманглар, менга бера қолинглар».

Болани отахонга топширишибди.

Кекса ҳинду болани бўшатиб, уйига бошлаб келибди, қоринини тўйғазиб, ётқизибди.

Эрталаб ҳинду инглизни орқасидан өргаштириб жў-

набди. Улар узоқ йўл юриб, инглизлар қароргоҳига келишгач, ҳинду дебди:

«Сизлар ўғлимчи ўлдирдингиз, мен эса ҳаётингни сақлаб қолдим; энди ўзларингникига қўшилиб, бизни ўлдира қол».

Инглиз боласи ҳайрон бўлиб: «Нега энди устимдан куляпсан? Биламан, бизниклар ўғлингни ўлдирган: мени төароқ ўлдирсанг-чи», дебди.

Шунда инглиз айтибди: «Сени ўлдирмоқчи бўлишганда ўғлим эсимга тушди ва сенга раҳмим келди. Қўл кўтаролмайман: агар истасанг, ўзларингникига қўшилиб, бизни ўлдир». Шундай қилиб, ҳинду инглиз болани қўйиб юборибди.

## НИМЧА

Бир киши савдо билан шуғулланиб, бедисоб давлат ортирибди, атрофда унга етадиган бой қолмабди. Уйидаги юзлаб ишбошлилар хизмат қиласи ва бой ҳар бирининг исму шарифини беш қўлдек билар экан.

Кунларнинг бирида савдогарнинг йигирма минг пули ўқолиби. Ишбошилар қидира-қидира ўғрини топишшибди.

Катта ишбоши савдогарнинг олдига келиб, шундай дебди: «Мен уни топдим. Уни Сибирга сургун қилиш керак».

Савдогар: «Ўғри ким экан?» деб сўрабди. Ишбоши жавоб берибди:

«Иван Петров экан, ўзи иқрор бўлди».

Савдогар ўйланиб қолиби ва шундай дебди: «Иван Петровни афв этмоқ лозим».

Ишбоши ҳайрон бўлиб, дебди: «Қанақасига афв этмоқ лозим? Бунақада бошқа ишбошилар ҳам ўғирлик қиласаверib, ҳаммаёқни қурилади-ку».

Савдогар дебди: «Иван Петровни афв этмоқ лозим: мен савдо билан энди шуғуллана бошлаганимда биз у билан дўст эдик. Ўйланётганимда эса никоҳга кийиб бориш учун ҳеч вақом йўқ эди. У менга эгнидаги нимчасини ечиб берувди. Иван Петровни афв этмоқ лозим».

Шундай қилиб, Иван Петровни афв этдилар,

## ТУЛКИ ВА УЗУМ

Тулки етилиб, ҳил-ҳил пишган узум шингилини кўриб, қандоқ олиб есам экан дея яқинлашибди.

Қанча уринмасин, узумга бўйи етмабди. Аламини босиш учун ахийри шундай дебди: «Ўзиям ҳали гўр экан».

## БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ

Балиқчи балиқ тутибди. Балиқ шундай дебди:

«Балиқчи, мени сувга қўйвор, кўриб турибсанки, мен майдаман, ҳеч нарсага ярамайман. Қўйворсанг, ўсиб катта бўламан, ёна ўшанда тутсанг фойда қиласан».

Балиқчи шундай:

«Насияни деб нақдни қўлдан чиқарган фирт аҳмек бўлади», дебди.

## ИТ ВА УНИНГ СОЯСИ

Ит сойдаги тахта кўприкчадан гўшт тишлаб ўтиб кетаётганди. Сувдаги ўз аксини кўриб, бошқа ит гўшт кўтариб кетаяпти деб ўйлабди ва оғзидағи гўштни ташлаб, ҳалиги итнинг гўштини тортиб олиш учун ташланиди: қарайдики гўшт йўқ, ўзиники эса сувда оқиб кетибди.

Шундай қилиб ит оғзидағи луқмадан ҳам ажрабди.

## ТУРНА ВА ЛАЙЛАК

Деҳқон экинларини пайхон қилгани учун турналарга тузоқ қўйибди. Тузоққа турналар билан бирга битта лайлак ҳам илинибди.

Лайлак деҳқонга ялинибди:

«Сен мени қўйвора қол, мен турна эмас, лайлакман, бизни ҳамма ҳурмат қиласади; мен отангнинг уйида яшайман. Патларимдан ҳам кўриб турибсанки мен, турна эмасман».

Деҳқон шундай дебди:

«Турна билан тутдимми, турна билан сўйман».

## БОҒБОН ВА УНИНГ ЎГИЛЛАРИ

Боғбон ўғилларини боғбонликка ўргатмоқчи экан. Улими олдидан фарзандларини ёнига чақириб дебди: «Болаларим, мен ўлганимдан кейин узумбоғни қириб, яширилган нарсани топиб олинглар».

Ўғиллар у ерда хазина яширилган деб ўйлашибди ва оталари ўлгач, бутун ерни ағдар-тўнтар қилишибди. Хазинани топишолмабди, аммо узумзорни яхшилаб шудор қилишгани учун ҳосил мўл бўлиби. Шундай қилиб улар бойиб кетишибди.

### СИЧҚОН

Омборхона тагида бир сичқон яшарди. Хонадаги полнинг тешигидан пастга дон-дун тўкилиб тураркан. Сичқоннинг тирикчилиги яхши эди, аммо у бу билан мақтамоқчи бўлди. Тешикни ғажиб кенгайтирди ва бошқа сичқонларни меҳмонга чақириди.

«Келаверинглар,— деди у,— ўйнаб кетасизлар. Меҳмон ҳам қиласман, емиш ҳаммага етиб ортади». У сичқонларни бошлаб келиб қарайдики, тешик йўқ. Дехқон полдаги катта кемтикни кўриб, суваб қўйган эди.

### БҮРИ БОЛАЛАРИНИ ҚАНДАЙ УРГАТАДИ

Иўлда кетаётган эдим, орқамдан қичқириқ эшитилди. Чўпон бола бақираётган экан. У даладан югуриб келар ва нимагадир ишора қилар эди.

Мен ўгирилиб қарадим ва далада югуриб бораётган иккита бўрини кўрдим: биттаси энаси, иккинчиси боласи. Боласи орқасидаги бўғизланган қўзичоқни оёғидан тишилаб олган. Онаси ундан орқароқда югуриб кетяпти.

Мен бўриларни кўришим ҳамон чўпонга қўшилиб қичқирганча чопа кетдим. Чақириғимизни эшигтан эрекклар итларини етаклаб югуриб келишди.

Энди бўри итларни, одамларни кўрди-ю, боласига етиб, қўзичоқни ўз елкасига ташлади ва иккиси илдам, ишадан йўқолишиди.

Шунда чўпон бола фалокатни айтиб берди: жарликдан каттакон бўри югуриб чиқиб, қўзичоққа ташланибди, бўғизлаб, кўтариб кетибди.

Рўпарасидан боласи чиқиб, қўзичоққа ёпишибди.

Энаси қўзичоқни боласига бериб, ўзи орқароқда йўртниб юриби.

Хавф тугилгандагина энаси ўргатини бас қилиб, қўзичоқни ўз гарданига олиби.

### ОТА ВА БОЛАЛАР

Ота болаларини тинч-тотув, аҳил яшанглар дея на-сиҳат қиласар, болалар эса қулоқ солишмас экан. У супурги келтиришни буюриб, дебди:

«Синдиринглар!»

Болалар қанча уринишмасин, супургини синдиришолмабди. Шунда ота супургини ечиб, бир донадан чўпини синдиринглар дебди.

Болалар якка чўпларни осонгина синдиришибди.

Ота шундай дебди:

«Сизлар ҳам худди шундайсизлар; аҳил бўлсанглар сизларни ҳеч ким енголмайди, агар жанжаллашиб, ҳар ким ҳар ёққа тортса — сизларни дуч келган кимса осонгина чайнаб-пуркаб ташлайди».

### ПЁТР I ВА ДЕҲҚОН

Пётр ўрмонда бир деҳқонга дуч келиби. Деҳқон ўтин кесаётган экан.

«Худо ёр бўлсин!» дебди подшо.

«Худонинг марҳамати улуғdir», дебди деҳқон.

«Оиланг каттами?» деб сўрабди подшо.

— Икки ўғил ва икки қизим бор.

— Оиланг унчалик катта эмас экан. Хўш, пулларингни нимага сарфлайсан?

— Мен пулларимни уч нарсага сарфлайман: биринчидан — қарзимга тўлайман, иккинчидан — қарзга бемраман, уччинчидан — сувга оқизаман.

Подшо ўйланиб қолиби, деҳқоннинг қарз тўлаб, яна қарз бериши-ю, сувга оқизиши нима эканини тушунолмабди.

Деҳқон шундай дебди: «Қарзимга тўлаганим — ота онамини боққаним, қарз берганим — ўғилларимни ўстирганим, сувга оқизганим — қизларимни вояга етказаётганим».

«Қалланг яхши ишларкан, бобой,— дебди подшо,

Энди мени ўрмондан далага бошла, йўлни тополмаяпман.

«Йўлни ўзинг ҳам топа оласан,— жавоб қилибди дехқон.— Тўғри юриб, ўнгга қайриласан, кейин чапга, кейин яна ўнгга».

«Бунаقا нарсани тушунмайман, ўзинг бошлайқол», дебди подшо.

— Бошлаб боришга вақтим йўқ, тақсир, биз дехқонларга фурсат ғанимат.

— Фурсат ғанимат бўлса ҳақини тўлайман.

— Ундай бўлса жўнадик.

Улар извошга ўтириб, йўлга чиқишибди.

Йўл-йўлакай подшо дехқондан сўрабди: «Дунё кўрганмисан, бобой».

— Оз-моз кўрганман.

— Подшони кўрганмисан?

— Подшони кўрмаганман. Кўриб қўйиш керак.

— Бўлмаса билиб қўй—далага чиқишимиз билан подшони кўрасан.

— Уни қандай танийман?

— Ҳамма бошяланг, битта подшо шапкада бўлади.

Улар далага етиб келишибди. Подшони кўришлари ҳамон өдамлар бошидан кийимини олибди. Дехқон кўзлари ўйнаб, атрофга аланглар, аммо подшони кўрмас эмиш.

«Подшоси ҳани ахир?» деб сўрабди у.

«Кўряпсанки, биз иккимизгина шапкадамиз, демак, биттамиз подшомиз», дебди унга Пётр Алексеевич.

## АРСЛОН ВА КУЧУҚЧА

Лондонда ёввойи ҳайвонлар намойиш қилинар, тошоша ҳақига пул ёки йиртқичларга емиш сифатида ит, мушук олинар эди.

Бир одам ҳайвонларни кўроқчи бўлди ва кўчадан кучукча тутиб келтирди. уни томошага қўйишди, кучукини эса емиш ўрнида арслонга ташлашди.

Кучукча думини қисганча қафас бурчагига бориб суйкалди. Арслон унга яқинлашиб, ҳидлаб кўрди.

Кучукча чалқанча ётиб панжасини кўтарди ва думини ликидлатди.

Арслон унга панжасини қўйиб, ағдарди.

Кучукча сакраб туриб, арслоннинг олдида орқа оёқлари билан тикка турди.

Арслон кучукка тикилиб қолди, калласини ўгириб, атрофга аланглади ва ўлжасига тёғмади.

Хўжайн қафасга гўшт ташлаган эди, арслон бир бўлагини узуб олиб, кучукчага берди.

Кечқурун арслон ухлаш учун ётганда кучукча унини ёнига чўзилиб, калласини панжасига қўйди.

Шундан буён кучукча арслон билан битта қафасда яшай бошлади, арслон унга тегмади, емишини еб, кучукча билан бирга ухлар, гоҳо бирга ўйнар эди.

Бир куни бир жаноб томошахонага келиб, кучукчасини таниб қолди; у кучукча ўзиники эканини айтиб, хўжайндан қайтариб беришни сўради. Хўжайн қайтармоқчи бўлди, аммо кучукчани чақиришлари ҳамон арслон хезланиб, ўкирди.

Шундай қилиб, йил бўйи арслон билан кучукча бир қафасда яшади.

Кейинги йили кучукча касал бўлиб, ўлиб қолди. Арслон емишга ҳам қарамас, кучукчага панжасини қўйганича ҳидлагани-ҳидлаган эди.

Арслон кучукчанинг ўлганини билди-ю, жунларини ҳурпайтириб, сакради, думи билан ўзини савалай кетди, қафас деворига урилди ва полни, эшик зулфинини ғажий бошлади.

Арслон уззукун ўзини қафасга уриб, наъра тортди, сўнг жонсиз кучукча ёнига чўзилиб, жимиб қолди.

Хўжайн арслон дардини унутар дея қафасга башқа кучукчани қўйиб юборди, аммо арслон уни шу заҳоти тилка-пора қилиб ташлади. Кейин ўлик кучукчани панжалари билан қучоқлаганча беш кун қимирламай ётди.

Олтинчи куни арслон ўлиб қолди.

## ТЕНГ БЎЛИНГАН МЕРОС

Бир савдо гарнинг икки ўғли бор экан. Ота катта ўғлини яхши кўрар, бор меросини унга қолдиргиси келаркан. Онанинг кичик ўғлига раҳми келиб, эридан вақтинча индамай туришни ўтинибди: боёқиши бир амадлаб иккала ўғлининг ҳам кўнглини олиш пайига тушибди. Савдо гар рози бўлиб, ҳозирча аҳдини айтмай туралдиган бўлибди.

Бир куни она дераза олдида йирглаб ўтирган экан, олдига дарвеш келиб, нега йиғлаляпсан деб сўрабди.

**Онаизор шундай жавоб қилибди: «Нега энди йирламай, менга иккала ўғлим ҳам бирдай азиз, отаси эса бирига мол-мулкини қолдириб, иккинчисига ҳеч нарса бермоқчи эмас. Бирон чорасини топмагунимча эримдан аждини билдирмай туришни сўраганман. Узимда пул ҳам йўқ, нима қилишга ҳайронман».**

Дарвеш шундай маслаҳат берибди: «Бунинг йўли жуда осон, бориб ўғилларингга айтгин, бор молу мулқ каттасига қолади, кичигига эса ҳеч нарса тегмайди, шунда ҳамма нарса теппа-тeng бўлади».

Ўғилларининг кичиги ўзига ҳеч нарса қолмаслигини эшигач, илму ҳунар ўрганиш учун олис юртларга жўнаб кетибди, каттаси эса отасининг олдида қолибди вабойлигига ишониб, ҳеч нарса ўрганмабди.

Ота қазо қилгач, катта ўғилнинг қўлидан ҳеч бир иш келмай, бор мол-мулкини совурибди, кичиги эса хорижда дэвлат орттиришни ўрганиб, бойиб кетибди.

## УЧ ЎФРИ

Бир деҳқон эшак ва эчкисини сотиш учун шаҳарга кетаётган экан.

Эчкининг бўйнига қўнғироқ осилган экан.

Уч ўфри деҳқонни кўриб қолишибди ва улардан бири дебди: «Мен деҳқоннинг ўзига сездирмай эчкисини ўғирлаб оламан».

Бошқа ўфри дебди: «Мен эса деҳқоннинг қўлидаги эшагини ўғирлаб оламан».

Учинчи ўфри айтибди: «Бу ҳам қийин эмас, мен эса деҳқоннинг бор кийим-кечагини шилиб оламан».

Биринчи ўфри эчкининг олдига ўрмалаб кедибди ва бўйнидаги қўнғироғини ечиб, эшакнинг думига осибди, эчкини эса далага етаклабди.

Деҳқон муюлишга борганда қарайдики — эчки йўқ, қидира бошлабди.

Шунда унинг олдига иккинчи ўфри келиб, нимани қидиряпсан деб сўрабди.

Деҳқон, эчкимни ўғирлатиб қўйдим, дебди. Иккинчи ўфри айтибди: «Мен эчкингни кўрувдим, ҳозиргина бир одам эчки етаклаб, мана бу ўрмонга кириб кетди. Уни тушишга улгурасан».

Деҳқон ўғридан эшагига қараб туришни сўраб, эчкисини қувиб кетибди. Иккинчи ўфри эшакни етаклаб жўнаб қолибди.

Деҳқон ўрмондан қайтиб келиб қарайдики, эшак ҳам йўқ, йиғлаб-қақшаб йўлга чиқади.

У йўлда кетаётib ҳовуз бўйида йиғлаб турган бир одамни кўриб қолади. Деҳқон нима гап деб сўрайди.

Ҳалиги одам шаҳарга бир қоп олтин кўтариб кетаётганини, дам олиш учун ҳовуз бўйига ўтириб, ухлаб қолганини, уйқусираб қопни ҳовузга тушириб юборганини айтади.

Деҳқон ундан нёга сувга тушиб, қопингни олиб чиқмайсан деб сўрайди.

Ҳалиги киши жавоб қиласи: «Мен сувдан қўрқаман, сузишниям билмайман, аммо кимки қопимни олиб чиқса йигрма тилла бераман». Деҳқон суюниб, хаёлидан ўтказади: «Худо ёрлақаб, эчки билан эшакнинг ҳиссасини чиқариб оладиган бўлдим».

Деҳқон ечиниб, сувга тушади, аммо олтин солинган қопни тополмайди, сувдан чиқиб қарайдики — кийимлари ҳам йўқ.

Бу учинчи ўфри бўлиб, кийимларни ҳам ўша ўғирлаб кетади.

## ҚАРҚАРА, БАЛИҚЛАР ВА ҚИСҚИЧБАҚА

Ҳовузда яшаётган қарқара қариди ва балиқ тушишга ҳоли қолмабди. Энди у айёллик билан тирикчилик ўтказиш пайига тушибди. Қарқара балиқларга шундай дебди: «Эй балиқлар, бошингизга қандай оғир савдо тушаётганидан бехабарсиз: одамлардан эшигдим — улар ҳовузнинг сувини қуритиб, ҳаммангизни тутиб олишмоқчи. Мана шу тоғнинг нарёғида яхши бир ҳовуз бор. Бажонидил ёрдам берардиму қарид қоганман: учишим қийин».

Балиқлар қарқарадан ёрдам сўраб, ёлборишибди. Қарқара шундай дебди:

«Майли, сизлар учун уриниб кўраман, фақат ҳаммангизни бирдан эмас, алоҳида-алоҳида кўтариб учаман».

Балиқлар суюниб, пятижо қила бошлашибди: «Мени кўтаргин, мени кўтаргин!»

Қарқара балиқларни бирма-бир кўтариб уча бошлабди: далага олиб чиқсанни битта қўймай қийратавериди. Анча-мунча балиқнинг ёстигини қуритиби.

Уша ҳовузда бир кекса қисқиҷбақа ҳам яшаркан.

Қарқара балиқларни әлтаётганини күргач, нимкосани пайқабди ва шундай дебди:

«Хўш, қарқаравой, энди мени ҳам янги жойга әлтиб қўй-чи!»

Қарқара қисқичбақани кўтариб учибди. Далага чиқиши ҳамон қисқичбақани ташлаб юбормоқчи бўлибди. Аммо қисқичбақа далада сочилиб ётган балиқ суюкларини кўрибди-ю, қарқаранинг бўйнига чангл солиб, бўғиб ўлдирибди ва ўзи ҳовузга қайтиб, бор гапни балиқларга айтиб бериди.

## ТИПРАТИКОН ВА ҚҮЁН

Қуён типратиконни учратиб, шундай дебди:

«Ҳаммаёфинг жойидаку-я, фақат оёқларинг маймоқ юрганингда чалишиб кетади».

Типратикон аччиғланиб, шундай жавоб қилибди:

«Нега энди устимдан куласан, менинг мана шу маймоқ оёқларим сенинг тўғри оёқларингдан югурикроқ. Олдин уйга бориб келай, кейин сен билан ким ўзарга чопишаман!»

Типратикон уйига келиб, хотинига дебди: «Мен қуён билан ким ўзарга чопишишга баҳслашдим!»

Типратиконнинг хотини эрига шундай дебди: «Сен ақлингни еб қўйганга ўхшайсан! Қуён билан тенглашишга ўйл бўлсин! Унинг оёқлари югурик, сенини бўлса маймоқ ва мечал».

Типратикон бўш келмабди: «Унинг оёқлари югурик бўлса, менинг ақлим югурик. Фақат менинг айтганимни қилсанг бўлди. Кетдик далага».

Улар шудгорланган далага — қуённинг олдига боришибди.

Типратикон хотинига ўргатибди:

«Мана бу жўякнинг охирига беркиниб ол, биз қуён билан нариги томондан чопиб келамиз, ўюруча бошлаши ҳамон мен орқамга қайтаман, сенинг олдингга чопиб келиши билан олдига чиқиб, мен аллақачоъ кутиб турибман, дейсан. У сени мендан фарқлолмайди — сени мен деб ўйлағди».

Типратиконнинг хотини жўякнинг охирига беркинибди, типратикон эса қуён билан нариги тамондан пойгани бошлашибди.

Қуён елдай учиб кетиши ҳамон типратикон дарров орқага қайтиб, жўякнинг ичига яширинибди. Қуён зум

ўтмай жўякнинг охирига етиб қарайдики, типратикон ўша ерда ўтирибди. У қуённи кўриши билан гап қотибди: «Мен аллақачон кутиб турибман!»

Қуён типратиконнинг хотинини эридан фарқлай олмабди ва ўзича ўйланиб қолибди: «Бу қандай мўъжиза бўлди? Қанақасига у мендан ўзib кетди?»

«Кел, яна бир марта югуришамиз!» дебди қуён.

«Майли!»

Қуён орқасига қараб учиб кетибди. Жўякнинг охирига келиб қараса типратикон ўша ерда эмиш, буям камлик қилгандек: «Э, оғайнчалиш, сен энди келдинг, мен анчадан буён сени кутяпман», дермиш.

«Бу қандай мўъжиза бўлди!— дея қуённинг боши қотибди,— шамолдай елсам ҳам мендан ўзib кетди-я. Кел яна бир марта югуришамиз!» дебди қуён.

«Майли!»

Қуён орқасига қараб учиб кетибди, жўякнинг охирига келиб қараса типратикон яна ўша ерда эмиш, буям камлик қилгандек: «Э, оғайнчалиш, сен энди келдинг, мен анчадан буён сени кутяпман», дермиш,

«Бу қандоқ мўъжиза бўлди!— дея қуённинг боши қотибди,— шамолдай елсам ҳам мендан ўзib кетди-я. Кел, яна бир югуришайлик, мана энди етиб бўлсан». «Югуришамиз!»

Қуён жонини жабборга бериб чопибди, аммо мундоқ қараса олдинда яна типратикон турганмиш.

Шундай қилиб, қуён шудгорнинг ўғидан бу ёғига чопавериб ахийри сулайиб қолибди.

Қуён ютқазганини тан олиби ва бошқа баҳслашмайдиган бўлибди.

## OFA-ИНИЛАР

Офа-инилар бирга сафарга чиқишибди. Чошгоҳда улар дам олгани ўрмонда тўхташибди. Уйғониб мундоқ қарашса, ёнларида бир тош турганмиш, тошга бир ни ма ёзилган экан. Улар ёзувни ўқишибди:

«Кимки бу тошни топеа, тўппа-тўғри ўрмонга, қуёшни қаршилаб юрсин. Ўрмонда бир сой дуч келади: сойдан сузиб ўтса, у ерда болаларини ўйнатиб юрган айиқни кўради. Айиқчаларни онасидан ажратиб, орқа-ўнгига қарамай тўғри-тоққа қараб чопса, тоғда бир уй бўлади, ўша уйда баҳтини топеди».

Ака-укалар ёзувни ўқишигач, кичиги шундай дебди: «Юр, бирга борамиз. Эҳтимол, сойдан ҳам сузиб ўтармиз, айиқчаларни ҳам ўша уйга элтармиз ва бирга баҳтимизни топармиз».

Шунда ака шундай ўгит бериди: «Айиқчаларни орқасидан ўрмонга бориб юрмайман, сенга ҳам буни маслаҳат бермайман. Биринчидан, бу тошдаги ёзувлар ростми — ҳеч ким билмайди; эҳтимол бу шунчаки лақиллатиш учун ёзилгандир. Эҳтимол биз уни яхши тушунмагандирмиз. Иккинчидан, тўғри ёзилган ҳам бўлсин, ўрмонни ҳам топдик дейлик, аммо қоронги тушганда сойни тополмай, адашиб қолишимиз ҳам мумкин. Сойни топдик ҳам дейлик, аммо ундан қандоқ ўтамиш? Эҳтимол у катта ва тезоқардир. Учинчидан, дарёдан ўтдик ҳам дейлик, аммо айиқдан болаларини ажратиб олиш осонми? Айиқ бизни тилка-пора қилиб ташлайди, баҳтга эришиш ўрнига бекорга жувонмарг бўламиш. Тўртинчидан, айиқчаларни ажратиб ололсак ҳам дам олмай тоқка югуриб чиқолмаймиз. Энг асосийси айтилмаган: Бу уйдан қандай баҳт топамиш? Эҳтимол у ердаги баҳтнинг бизга мутлақо кераги йўқдир».

Ука бунга жавобан дебди: «Менимча, бундай эмас. Тошдаги ёзув бежизмасдир. Ҳаммаси аниқ-равшан битилган. Биринчидан, уриниб кўрсанак осмон узилиб ерга тушмас. Иккинчидан, агар биз бормасак, бошқа бирор ёзувни ўқиб, баҳтини топади, биз бўлсанак қўлимизни бурнимизга тиқиб қолаверамиш. Учинчидан, бекорчидан худо безор, жон куйдирмасанг жонона қайдо? Тўртинчидан, мени қўрқоқ экан деб ўйлашларини истамайман».

Шунда акаси шундай дебди: «Мақолда ҳам айтиб қўйилган: узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши».

Укаси яна бўш келмабди: «Чумчуқдан қўрқсан тарик экмас», деган гап ҳам бор. Менимча, бориши керак».

Акасини қолдириб, укаси жўнаб кетибди.

Ўрмонга қадам қўйган заҳоти ука дарёта дуч келибди, ундан сузиб ўтиб, соҳилдаги айиқни кўрибди. У ухлаб ётган экан. Ука айиқчаларни олиб, орқа-ўнгига қарамай тоқса югурибди. Тепага чиқиши ҳамон рўп-расидан халойиқ чиқиби, извошга ўтқазиб, шаҳарга олиб боришиди ва ўзларига подшо қилишибди.

Ука беш йил подшолик даврини сурнибди. Олтинчи илинг унга бошқа, зўроқ подшо ҳужум қилиб, шаҳарни забт этибди ва ўзини бадарға қилишибди. Шунда ука яна сафар халтасини елкасига ташлабди ва акасининг олдига келибди.

Аканинг қишлоқдаги тириклиги ўзига яраша — бой ҳам, камбағал ҳам эмас эди. Оға-инилар бир-бирини кўриб суюнишибди ва бошларидан ўтган воқеаларни сўзлашибди.

Акаси ўзича шундай хулоса қилибди: «Мана мен ҳақ бўлиб чиқдим: ҳамиша тинч, яхши яшадим, сен гарчи подшоликка кўтарилган бўлсанг ҳам бошингдан кўп шўр-ғавғоларни кечирдинг».

Ука бунга жавобан ўйтиди: «Мен ўшанда тоққа йўл согланимдан афсусламайман: гарчи ҳозир аҳволим дуруст бўлмаса-да, эслашга арзигудек ўтмишим бор, сенинг эса эслайдиган иарсанг ҳам йўқ».

## АРСЛОН, БУРИ ВА ТУЛКИ

Қасалванд, қари арслон ғорда ётаркан. Ҳамма ҳайвонлар ҳол сўраб келишибди, фақат тулки йўқламабди. Бўри қулай фурсат келганидан суюниб, тулкини ғийбат қилишга тушибди.

— Тулки сени писанд қилмайди,— дебди у,— бирон марта ҳол сўрашга ярамади.

Тулки шу гапларнинг устига келиб қолибди ва ўзича: «Хал сеними, бўривой, шошмай тур, кўрсатиб қўяман», дейя янниб қўйибди.

Арслон тулкига қараб зуғум билан ўқирган экан, тулки: «Жазолаш қочмайди, олдин сўзимни эшиш. Сендан ҳол сўрашга вақтим бўлмади. Вақтим бўлмаганига сабаб шуки, етти иқлимини қидириб, дорифурушлардан сенга малҳам қидирдим. Уни топдиму мана ҳузурингга чопиб келдим», дебди.

— Қандай малҳам экан у?— деб сўрабди арслон.

— Бўрининг тириклай терисини шилиб, иссиғида устингга ёпсанг бўлди — шу малҳам.

Арслон бўрининг терисини шилиб олибди, тулки заҳарханда билан шундай дебди:

— Ана шунаقا бўлади, оғайнини чалиш, бирорвга чоҳ қазисанг ўзинг тушасан.

## А К У Л А

Кемамиз Африка соҳилларида лангар ташлаб турганди. Ҳаво ажойиб, деңгиздан мусаффо шамол ёсарди, аммо оқшомга яқин ҳавонинг авзойи ўзгарди: иссиқдан

димиқиб кетдик. Саҳройи Кабирдан худди қайноқ пек-  
кадан чиқаётгандек иссиқ шамол уриларди.

Қуёш ботишидан олдин капитан палубага чиқиб,  
«чўмилишга!» деб хитоб қилди ва матрослар бир зумда  
сувга сакраб, елканни сувга туширдилар, уни боғлаб,  
чўмилишга мосладилар.

Кемада биз билан бирга яна иккита бола ҳам бор  
эди. Болалар ҳаммадан олдин сувга сакрадилар, аммо  
улар елканда чўмилишга қаноат қилмай, очиқ денгизда  
ким ўзарга сузиб кетдилар.

Иккиси ҳам сувда худди калтакесакдек илдамлаб,  
лангар устидаги бочка томон жон-жаҳди билан интил-  
дилар.

Болалардан бири олдинига шеригидан ўзиб кетди,  
кейин эса орқада қола бошлади. Боланинг отаси, кекса  
тўпчи палубадан ўғлини завқ — ҳавас билан кузатарди.  
Ўғлининг орқада қолаётганини кўрган ота қичқирди:  
«Бўш келма! Файрат қил!»

Тўсатдан палубада кимdir: «Акула!» деб қичқирди  
ва биз сувда баҳайбат денгиз йиртқичининг орқасини  
кўрдик.

Акула тўпна-тўғри болаларга қараб сузарди.

— Орқага! Орқага! Қайtingлар! Акула! — деб қич-  
қирди тўпчи. Аммо болалар бу гапни эшитишмас, ҳамон  
олдинга сузишар, янада қаттиқроқ ва шўҳроқ кулишиб,  
бакиришар эди.

Бечора тўпчи бўздек оқариб кетди, қилт этмай бо-  
лаларга қараб қолди.

Матрослар сувга қайиқ тушириб, устига сакрадилар,  
ва кучларининг борича эшқакларга зўр бериб, болалар-  
га ошиқдилар, аммо улар ҳали олисда, акуланинг ети-  
шига эса атиги йигирма қадамча қолган эди.

Болалар олдинига бақириқ-чақириқларни эшитиш-  
мади, акулани ҳам кўришмади, аммо кейинроқ улардан  
биттаси ўтирилиб, акулани кўриб қолди ва ҳаммамиз  
қулоқни қоматга келтирувчи чинқириқни эшитдик, бол-  
лалар ҳар томонга сузиб кетишли.

Халиги чинқириқ тўпчини ўзига келтиргандек бўлди.  
У ўрнидан илдам қўзголиб, тўп ёнига келди. Замбарак  
хартумини бурди, пилтани қўлига олиб мўлжаллай  
бошлади.

Кемадаги жамики йўловчилар энди нима бўларкин  
дея юрагини ҳовучлаб турарди.

Ўқ узилди, биз замбарак ёнида ётганча юзини қўл-  
лари билан беркитиб олган тўпчики кўрдик. Акула би-

лан болаларга нима бўлганини билмадик, чунки бир  
зумда кўз олдимизни тутун қоплаганди.

Сув юзасида тутун тарқала бошлагач, ҳар томон-  
дан оҳиста, сўнг кучлироқ шовқин эшитила бошлади ва  
ахийри ҳаммаёқни шодон қийқириқ босиб кетди.

Кекса тўпчи юзларини очиб ўрнидан турди ва денгиз-  
га қаради.

Ўлик акуланинг сап-сариқ қорни тўлқинда секин чай-  
қалиб турарди.

Кўп ўтмай қайиқ болаларга яқинлашди ва уларни  
кемага олиб қайтди.

## Б У Ф У

Буғу сойга сув ичгани борибди, сувдаги аксини кўриб,  
шоҳларининг улкан, серайри эканлигидан ғуурланибди,  
оёқларига қараб қўйиб шундай дебди: «Аттанг, фақат  
оёқларим нимжон, кўримсиз».

Бирдан арслон сакраб чиқиб, буғуга ташланибди.  
Буғу кенг-ядоқ даладан қочибди. У қочиб қутулай  
деганда ўрмонга дуч келиби шоҳлари бутоқقا или-  
ниб, арслонга тутилибди. Бечора буғу ўлимни олдидан  
шундай дебди: «Фирт тентак эканман! Нимжон, кўрим-  
сиз деб камситганим мени қутқарувди, мағрурланган  
нарсамдан эса тутилиб ўтирибман».

## РУҲОНИЙ ВА ҚАРОҚЧИ

Бир қароқчини кўпдан буён қидиришарди. Кунлар-  
нинг бирида у кийимларини ўзгартириб, шаҳарга келди.  
Шаҳарда уни миршаблар таниб қолиб, орқасидан қув-  
лашди. Қароқчи қочиб, руҳонийнинг уйига келиб қолди,  
эшикнинг очиқлигини кўрган қароқчи ҳовлига кирди.

Хизматкор ундан нима керак деб сўради.

Қароқчи нима деб жавоб қилишни билмай, хаёлига  
келган гапни айтди: «Менга руҳоний керак».

Руҳоний қароқчини кутиб олди ва унда нима иши  
борлигини сўради.

Қароқчи шундай жавоб қилди: «Мен қароқчиман,  
орқадан қувиб келишяпти, мени яшир, бўлмаса сени  
ўлдираман».

Руҳоний бунга жавобан деди: «Мен ёшини яшаб,  
ошини ошаган қарияман, ўлимдан қўрқмайман, аммо

сенга ачинаман. Чарчаган кўринасан, ана бу хонага кириб дамингни ол, сенга ёгулик келтиришади».

Миршаблар руҳонийнинг уйига бостириб киришга ботинишолмади ва қароқчи ўша уйда тунаб қолди.

Қароқчи бир оз ўзиға келгач, руҳоний ўнинг олдига келиб деди: «Сенга раҳмим келади, оч-юпунсан, орқангда таъқибчилар юрибди, аммо ҳаммасидан кўра қулонгингача гуноҳга ботиб, руҳингни увол қилаётганингга кўпроқ ачинаман. Гуноҳдан ҳазар қил!»

Қароқчи шундай деди: «Илложим йўқ энди, ўрганган одат ўлганда қоларкан. Қароқчилик қилиб яшадим, қароқчилигимча дунёдан ўтаман».

Руҳоний ҳамма эшикларни очиб қўйиб, ухлагани кетди.

Қароқчи тунда ўрнидан туриб, хоналарни айлана бошлади. Руҳонийнинг ҳеч нарса яширмай, яна эшикларни ланг очиб қўйгани ғалати туюлди.

Қароқчи нимани ўғирласам экан дея атрофга алланглади, каттакон кумуш шамдонни кўриб, ўйлади: «Мана шу нарсани олиб, секин қуён бўламан. Ўзиям анча пул турса керак, чолга тегмайман!»— Қароқчи худди шундай қилди.

Қўриқчилар руҳонийнинг уйидан нари кетишмай, қароқчини пойлаб туришганди. Қароқчи ташқарига чиқиши ҳамон миршаблар уни қуршаб олишди ва этагига яширилган шамдонни топишиди.

Қароқчи гуноҳидан тона бошлади, аммо миршаблар унга жавобан шундай дейишиди: «Олдинги қилмишларнингдан тонсанг тонарсан, бироқ шамдонни ўғирлаганингдан тонолмайсан. Ҳозир руҳонийнинг олдига борамиз, шармандангни чиқаради».

Қароқчини руҳонийнинг ҳузурига олиб келишди, шамдонни кўрсатиб, сўрашди: «Бу нарса сизникими?» «Меники», деди руҳоний.

Миршаблар: «Бу нарсангизни уйингиздан ўғирлашган, мана ўша ўғри!» дейишиди.

Қароқчи бўлса миқ этмас, бўриникига ўхшаган кўзлари беко эди.

Руҳоний ҳеч нарса демади, хонага қайтиб бориб, ҳалиги шамдоннинг иккинчи жуфтини келтириди ва деди: «Нега энди шамдоннинг фақат биттасини олдинг, бўтам? Ахир сенга иккаласиниям совфа қилувдим-ку!»

Қароқчи йиғлаб юборди ва миршабларга қаратадеди: «Мен ўғриман, қароқчиман, олиб кетинглар мени!»

Кейин у руҳонийга айтди: «Худо ҳаққи, мени кечир, гуноҳкор банданг ҳаққига дуо қил».

## БУГУ ВА УЗУМЗОР

Бугу узумзорда овчилардан яширишибди. Овчилар ўтиб кетгач, бугу узум япроқларини ея бошлабди.

Овчилар япроқларнинг қимирлаётганини пайқаб қолишибди, «Хойнаҳой япроқлар панасида ҳайвон бўлса керак», дея ўқ узиб, буғуни яралашибди.

Бугу жон берадиб, нола қилибди: «Мени қутқарган япроқларни еганим учун қилмишимга яраша жазоландим».

## ПОДШО ВА БУРГУТ

Бир подшо қуён овлаш учун севимли бургутини қўйвориб, кетидан ўзи ҳам от солибди.

Бургут қуёни тутишибди. Подшо қуёни ажратиб олгач, чанқофини қондириш учун сув қидирибди. Бир тепаликдан сув топиби. Аммо у битта-биттадан томчилаб тушаётган экан. Подшо хуржуидан косани олиб, сувга тутишибди. Томчилар йигилиб, коса тўлганда подшо сувни сипқормоқчи бўлибди. Тўсатдан подшонинг қўлидаги бургут безовталанибди ва қанотлари билан уриб, сувни тўкиб юборибди. Подшо яна косани тутишибди. Сувнинг лиммо-лим тўлишини узоқ кутишибди ва ичиш учун энди оғзига олиб борган экан, бургут потирлаб, яна сувни тўкиб юборибди.

Подшо учинчи марта косани тўлдириб, энди лабига тутган ҳам эканки, бургут яна сувни тўкиб юборибди. Подшо аччиғланишибди ва бор кучи билан бургутни қояга уриб, ўлдирибди. Шу маҳал подшонинг хизматкорлари етиб келишибди, улардан бири юқорига чиқиб, булоқнинг ўзидан кўпроқ сув олмоқчи бўлибди. Аммо у косани қуруқ қўтириб қайтишибди ва дебди: «Бу сув ичишга ярамайди; булоқда илон бор экан, у сувга заҳар солди. Яхшиям бургут сувни тўкиб юборибди. Агар бу сувни ичганингда тирик қолмасдинг».

Подшо деди: «Бургут ҳаётимни сақлаб қолувди, мен эса яхшиликка ёмонлик қилиб ўтирибман».

## МУШУК ВА СИЧҚОНЛАР

Бир уйда сичқонлар кўпайиб кетибди. Уйга мушук кириб, сичқонларни қийрата бошлабди. Сичқонлар қа-рашсаки, аҳвол чатоқ, ўзаро маслаҳатлашишибди: «Ке-линглар, шифтдан пастга тушмаймиз, мушуквой бўёққа чиқиб бўпти!»

Сичқонлар пастга тушмай қўйгач, мушук қандай қилиб уларни алдасам экан деб ўллабди. Ахийри бир панжаси билан шифтга осилиб, ўзини ўлганга солибди. Бир сичқон секин мўралаб, шундай дермиш: «Йўқ, оғай-ничалиш! Қопга айланиб қолсанг ҳам ёнингга йўламай-ман!»

## ДЕҲҚОН ВА СУВ ПАРИСИ

Бир деҳқон болтасини дарёга тушириб юборди, со-хилда ўтириб, алам билан йиглай бошлади.

Сув париси йиғини эшилди, деҳқонга раҳми келди ва сувдан олтин болта чиқариб, сўради: «Мана шу се-нинг болтангми?»

Деҳқон: «Йўқ, меники эмас», деди.

Сув париси энди бошқа, кумуш болтани олиб чиқди. Деҳқон яна: «Меники эмас», деб жавоб берди.

Шунда сув париси деҳқон йўқотган болтани сувдан олиб чиқди.

Деҳқон: «Мана шу менинг болтам», деди.

Сув париси тўғри сўзлагани учун деҳқонга учала болтани ҳам совға қилди.

Деҳқон уйда болталарини ўртоқларига кўрсатди ва бўлган воқеани сўзлаб берди.

Бир деҳқон ҳам худди шундай қилмоқчи бўлди: дарё-га бориб, болтасини жўрттага сувга отди ва қирғоқда йиглай бошлади.

Сув париси олтин болта олиб чиқиб: «Ину болга се-никими?» деб сўради.

Деҳқон ҳовлиқанча: «Меники, меники», деб қич-қирди.

Сув париси ёлғон гапиргани учун олтин болтани ҳам, ўзиникини ҳам деҳқонга қайтармабди.

## СУВ ПАРИСИ ВА МАРВАРИД

Бир одам қайиқда кетаётib марваридини денгизга ту-шириб юборибди. У қирғоққа чиқиб, қўлига чепакни олибида, сувга ботириб, ерга сепа бошлабди. Уч кун-гача тиним билмай тўкаверибди.

Тўртинчи куни денгиздан сув париси чиқиб, сўрабди: «Нега сувни сепаяпсан?»

У киши шундай жавоб қилибди:

«Марваридимни тушириб юборувдим, шунга сепяп-ман».

Сув париси сўрабди:

«Қачон бас қиласан?»

У одам эса: «Денгизни қуритганимдан сўнг бас қи-ламан», деб жавоб бериди.

Шунда сув париси денгизга шўнғиб, ўша марваридни ёгасига топширибди.

## БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

Бўри сойдан сув ичаётган қўзичоқни кўриб қолибди. Қўзичоқни егиси келган бўри унга тирфала бошлабди. «Сен,— дебди у,— сувни лойқалатиб, ичишга қўймаян-сан»,

Қўзичоқ шундай жавоб қилибди: «Оҳ, бўривой, мен қандоқ қилиб сувни лойқатай? Ахир мен оқимдан паст-да турибман-ку, яна тумшуқчамини ботирмай ичяпман». Шунда бўри айтибди: «Ундан бўлса ўтган ёзда нега отамни сўқдинг?» Қўзичоқ дебди: «Ахир ўтган ёзда мен ҳатто туғилмаган ҳам эдим-ку». Бўри жаҳли чиқиб, дағдаға қилибди: «Сенга ўзи гап ўқтириш қийин. Қор-ним оч, шунинг учун ҳам сени ейман».

## КУРК ТОВУҚ ВА ЖЎЖАЛАР

Курк товуқ жўёжа очибди ва уларни қандай асрарни билмай қолибди. У полапонларига айтибди: «Яна пў-чоқнинг ичига кира қолинглар, сизлар тухум пўчоғига кирволсангиз, мен олдингидек устингиздан босиб ўтирганча асраб-авайлайман». Жўжалар қулоқ солиб, пў-чоққа тирғалишибди, аммо ичкарига киришолмай қа-нотларининг эзилгани қолибди. Шунда бир жўёжа она-сига гап қотибди:

«Агар ҳаммиша пўчоқнинг ичидаги қолиб кетадиган бўлсақ, яхшиси бизни дунёга келтирмаганингиз маъқул эди».

## ОФИР ЖАЗО

Бир одам бозорга бориб, гўшт харид қилибди. Олди-сотди-да, уни алдаб, гўштнинг ёмонидан беришибди, бунинг устига тарозидан ҳам уриб қолишибди.

У гўшти кўтариб, сўкина-сўкина уйига қайтиби. Йўлда унга подшо йўлиқиб: «Кимни сўкяпсан?» деб сўрабди. Ҳалиги одам жавоб бериби: «Мени алдаганни сўкяпман. Уч қадоққа пул тўласам фақат икки қадоқ берди, яна расво жойидан берди». Подшо шундай дебди: «Юр, бозорга қайтайлик, ўша сени алдаганни кўрсат!». Ҳалиги одам орқасига қайтиб, савдогарни кўрсатиби. Подшо гўшти тортиб кўrsa, ростдан ҳам алдаган экан. Подшо сўрабди: «Савдогарни қандай жазолаш жоиз деб ўйлайсан?» Ҳалиги киши дебди: «У мени қанчага алдаган бўлса, орқасидан шунча гўшт кесиб олишни буюрсанг бўлди».

Шунда подшо айтиби: «Маъқул, унда пичоқни олгин-да, савдогардан бир қадоқ гўшти кесиб ол, фақат мўлжалда янгишма, мабодо бир қадоқдан ортиқ ёки камроқ кесиб олсанг ҳам ўзинг гуноҳкор бўласан».

Ҳалиги одам дами ичига тушиб, индамай уйига равона бўлибди.

## ПОДШО ФУҚАРОЛАРИ

Бир подшо қўчада кетаётган экан. Йўлида гадо учраб, ундан садақа сўрабди.

Подшо ҳеч нарса бермабди. Шунда гадо айтиби: «Э подшо, чамаси сен, худо ҳаммамиз учун ягона олам-паноҳ эканини унуглан кўринасан, биз ҳаммамиз оға-инилармиз, ўзимизда борини баҳам кўришимиз керак». Подшо тўхтаб, жавоб қилибди: «Сен тўғри айтасан, биз оға-инилармиз, ўзимизда борини баҳам кўришимиз керак», дей жавоб қилибди ва гадога тилла пул бериби. Гадо тиллани олиб, шундай дермиш: «Сен оз бердинг, оға-инилар борини шундоқ баҳам кўришадими? Теппа-тeng баҳам кўриш керак. Миллионлаб пулларинг бор, сен бўлсанг биттагина бердинг».

Шунда подшо дебди: «Миллионлаб пулларим борлиги рост, мен эсам сенга фақат биттасини бердим, аммо менинг пулим қанча бўлса, фуқароларим ҳам шунчада».

## ДЕҲҚОННИНГ ҒОЗ ТАҚСИМ ҚИЛГАНИ

Бир камбағал деҳқоннинг ейишга ҳеч вақоси қолмабди. Шунда у хўжайниндан егулик сўрамоқчи бўлибди. Қуппа-қуруқ боргиси келмай гоз тутибди ва уни қовуриб, хўжайнинг элтибди. Хўжайнин гозни олиб, дебди: «Келтирган совғанг учун сенга раҳмат, деҳқон, фақат фозингни қандоқ тақсимлаймиз, дея бошим қотиб турибди. Мана, менинг хотиним, икки ўғил ва икки қизим бор. Ҳеч кимни хафа қилмаслик учун гозни қандоқ тақсимласак экан?»

Деҳқон: «Ўзим тақсимлайман», дебди. Пичноқни олиб, фозинг калласини кесибди-да, хўжайнинг: «Хонадонда ўзинг ҳаммага бошсан, сенга боши бўла қолсин», дебди. Кейин орқасини кесиб, bekaga бериби: «Сен хонадонга бош-қош бўлиб туриш учун уйда ўтироминг лозим, сенга орқаси бўлсин». Кейин оёқларини кесиб, ўғилларга узатиби. «От изини той босар деб, сизларга оёғини беряпман». Қизларга эса қанотлари тегиби: «Ҳадемай уйдан учирма бўласизлар, сизларга қанот керак. Менга эса қолганди ҳам бўлаверади!» Шундай дея ғозининг қолганини ўзига олиб қолибди.

Хўжайнин кулибди ва деҳқонга ғалла билан пул бериби.

Ўзига тўқ бир деҳқон хўжайнининг ғоз учун камбағал деҳқонни ғалла ва пул билан сийлаганини эшишибди, бешта гозни қовуриб, хўжайнинг туҳфа қилибди.

Хўжайнин шундай дебди:

«Ғозларинг учун раҳмат. Аммо менинг хотиним, икки ўғлини ва икки қизим бор, олти жонмиз, фозларингни қандоқ қилиб тепла-тeng тақсимласак экан?»

Бой деҳқоннинг боши қотибди, аммо ҳеч нима ўйлаб тополмабди.

Хўжайнин камбағал деҳқонни айттириб келибди ва ғоз тақсим қилишни буюрибди. Камбағал деҳқон битта фозни олиб, хўжайнин билан bekaga бераркан: «Мана, ғоз билан учта бўлдинглар», дебди. Биттасини ўғилларига узатиби: «Сизлар ҳам ғоз билан учтасизлар». Яна биттасини қизларга бериби: «Сизлар ҳам учта бўл-

дингиз». Ўзига эса иккита ғозни қолидирибди: «Мана биз ҳам ғозлар билан учта бўлдик — ҳаммага теппантенг».

Хўжайин кулибди ва камбағал деҳқонга яна пул, галла бериб, бой деҳқонни эса ҳайдаб юборибди.

## БУРИ ВА КАМОН

Овчи ўқ, ёй билан овга чиқибди ва ёввойи эчкини ўлдирибди, ўлжани елкасига ташлаб, кўтариб кетибди. Йўлда у тўнғизга дуч келибди. Овчи эчкини ташлабди ва тўнғизни отиб яралабди. Тўнғиз овчига ҳамла қилибди ва уни ёриб ташлабди-ю, ўзи ҳам шу заҳоти жон берибди. Кон ҳидини олган бўри эчки, тўнғиз, овчи ва камон ётган жойга келибди. Бўри қувониб кетибди ва ўзи-ча ўйлабди: «Мана энди узоқ вақтгача қорним тўқ бўлади, фақат ҳаммасини бирдан емайман, ҳеч нима исроф бўлмаслиги учун оз-оздан ейман: олдин қаттиқроқ нарсани еб тураман, юмшоқроқ ва мазалироқ нарсани кейинга қолдирман».

Бўри эчки, тўнғиз ва овчини ҳидлаб кўриб, дебди: булар юмшоқ ўлжалар экан, кейинроқ есам ҳам бўлаверади, олдин мана бу камонни илини еб олай. Бўри шундай дея камоннинг илини ғажишга тушибди. Ипни тишлаши ҳамон камон ёйилиб кетиб, бўрининг қорнига зарб билан урилибди. Бўри шу заҳоти тил тортмай ўлибди, бошқа бўрилар эса овчини ҳам, эчки, тўнғиз ва бўрининг ўзини ҳам еб қўйишибди.

## КАНАЛАР

Мен тунаб қолиш учун карvonсаройга қўндим. Уйқуға ётиш олдидан шамни олиб, каравот ва девор бурчакларини қараб чиқдим ва ҳамма бурчакларда кана борлигини кўриб, кечаси каналар безовта қилмаслиги учун нима қиласам экан дея ўйлаб қолдим.

Ингма каравотимни ўзим билан олволгандим, аммо уни хонанинг ўртасига қўйсам каналар девордан ерга ва ердан каравот оёқларига тирмасиб менгача етиб келишини билардим, шунинг учун ҳам хўжайниндан тўртта ёғоч косача сўраб олдим-да, ҳар бирига сув қўйиб, каравот оёқларига қўйиб чиқдим. Мен ётдим ва шамни ерга қўйиб, қани, каналар энди нима қилишаркин дея кузата бошладим. Каналар кўп бўлиб, шу ердалигимни

пайқашган эди, улар ерда ғизиллаб, косача атрофида ғимирлаб қолиши, айримлари сувга юмалаб тушар, қолганлари орқасига қайтишар эди.

«Сизларни боплаб алдадим,— деб ўйлардим,— ёнимга ўйлаб бўпсиз энди». Шамни ўчиromoқчи бўлиб турувдим, шу маҳал нимадир чақаётганини сезиб қолдим. Мундоқ қарасам кана экан. Қаёқдан пайдо бўлдийкин? Орадан кўп ўтмай яна бошқасини топиб олдим. Атрофимга аланглаб, каналарнинг қаёқдан ёпишаётганини билмоқчи бўлдим.

Анчагача бошим қотиб турди, ахийри юқорига қарадиму каналарнинг шипга ўрмалаб чиқаётганини кўриб қолдим, улар каравот тепасига келиши ҳамон тўплаттўғри устимга тащланишарди. «Йў-ўқ,— дея ўйландим,— сизларни алдаб бўлмас экан», чакмонимни елкамга ташлаб, ҳовлига чиқдим.

## ҚУШЛАР ВА ТУЗОҚ

Бир овчи кўл бўйига ташлаб, кўп қушларни тутиб олибди. Қушлар йирик-йирик экан, тўрни кўтарганча учиб кетишибди. Овчи ҳам қушларнинг ортидан қорамақора боравериди. Бир дехқон овчини кўриб, шундай дебди: «Қаёққа чопяспан? Ахир қушларга яёв етиб бўладими?» Овчи шундай жавоб бериди: «Мабодо битта қуш бўлганда етолмасдим, аммо ҳозир етволаман».

Овчининг айтгани келибди. Оқшом тушиши ҳамон ҳар бир қуш тунаш учун ўз томонига торта бошладиди: биттаси ўрмонга, бошқаси ботқоқликка, учинчиси далага интилибди: оқибат ҳаммаси тўр билан ерга қулаг тушиб, овчи уларни тутиб олибди.

## ЗОФЧА

Бир куни дарвеш ўрмонда лочинни кўриб қолибди. Лочин уяга бир бўлак гўшт кўтариб келибди ва уни майдалаб, зоғчага едирибди.

Лочиннинг зоғчани боқаётганини кўрган дарвеш ҳайрат билан ўйлабди: «Ўзи зоғча бўлсаям худонинг марҳаматига нойил ва ўша худовандо карим бу бургутни бегона бир етимчага қайишмоқни ўргатибдур. Шакшубҳасиз олло-таоло жамники жонзодларга ғамхўрдир, биз бўлсак фақат ўзимизнигина ўйлаймиз. Мен ҳам

энди ўзимни ўйлашни бас қилиб, егулик ғамлаб юрмайман. Худо бошқа жонзотлар қатори мени ҳам ташлаб қўймас».

Дарвеш айтганини қилибди: ўрмонда жойидан силжимай худога сифиниб ўтираверибди. Уч кечаю уч кундуз туз тотмабди. Учинчи куни дарвеш азбаройи тинкамадори қуриганидан қўлини ҳам қимирлатолмай қолибди. Мадорсизликдан ухлаб қолибди. Тушида бир қарияни кўрибди. Қария бамисоли ёнига келгандек бўлиб, шундай дебди: «Нега сен тирикчилигингни йигиштириб қўйдинг? Бу ишинг худога маъқул деб ўйлайсан, аслида гуноҳга ботяпсан. Худовандо карим оламни шундай яратганки, унда ҳар бир тирик жонзот ўз тирикчилигини ўзи қилмоғи даркор. Лочин худонинг амри ила зоғчани боқяпти, чунки зоғча кўмаксиз яшай олмайди; сен эса ўзинг тирикчилигингни ўтказа оласан. Сен худонинг марҳаматини синаб кўрмоқчи бўляпсан, бу эса гуноҳdir. Кўзингни оч ва олдингидек яна ҳаракатингни қил».

Дарвеш уйгошибди ва олдингидек яшай бошлабди.

## ЧАВАНДОЗЛИКНИ ЎРГАНГАНИМ

Шаҳарда яшаганимизда ҳар куни ўқирдик, фақат якшанба ва дам олиш кунларигина акаларим билан сайд қилиб, ўйнагани чиқардик. Бир куни отам шундай деб қолди: «Катта болалар энди от минишни ўрганмоғи керак. Улар отчопарга боришин». Мен акаларим орасида энг кенжаси эдим. «Мен ҳам ўргансам майлимий?» деб сўрадим. «Сен йиқилиб тушасан», деди отам. Мени ҳам ўргатишсин дея йиглаворгудай бўлиб ялиндим.

Отам шундай деди: «Ҳай майли, сениям ўргатишади. Фақат йиқилиб тушгудай бўлсанг йиглаб юрмагин. Умрида отдан йиқилмаган одам от минишни ўрганомайди».

Чоршанба куни уч ака-укани отчопарга олиб боришиди. Биз катта айвонга, ундан ўтиб кичикроғига кирдик. Айвоннинг таги каттакон хона экан. Ерга қум сепилганди. Худди мана шу хонада жаноблар, бойваччалар ва бизга ўхшаган болакайлар от минишаркан. Отчопар дегани мана шу эди. Отларнинг ҳиди димоққа урилаётган бу хона нимқоронғи бўлиб, отларга қичқиришар, қамчилар тарсиллар, ёғоч деворга туёқларнинг урилиши эшитилар эди. Мен олдинига қўрқиб кетдим ва ҳеч нимани илғай олмадим. Кейин бизнинг амакимиз отбо-

қарни чақириб, тайинлади: «Мана бу болаларга отлардан беринг, улар чавандозликини ўрганишмоқчи». Отбоқар: «Хўп бўлади», деди.

Кейин у менга қараб туриб деди: «Мана буниси ҳалимуда кичкина экан». Амаки шундай жавоб қилди: «Ўйиқилсан йигламайман деяпти». Отбоқар кулиб қўйиб, нари кетди.

Кейин учта эгарданган отни келтиришди, биз шинелимишни ечиб, зинапоядан отчопарга тушдик, отбоқар отни узун арқон билан ушлаб турар, акаларим эса отлик айланаб юришар эди.

Улар олдинига қадамлаб, сўнг йўргалаб юриниди. Кейин кичикроқ бир отни етаклаб келишиди. Унинг думи қирқилган, ўзи малла эди. Уни эркалаб Тулпорча дейишарди. Отбоқар кулимсираб менга: «Қани ўтирасинлар, чавандоз», деди. Мен ҳам қувонар, ҳам қўрқар эдим, аммо буни ҳеч кимга сездирмасликка тиришардим. Узангига оёғимни қўйиш учун анча уриндим, аммо етолмадим, чунки мен ҳали кичкина эдим. Шунда отбоқар ўзи мени кўтариб ўтқазиб қўйди. У: «Тошинлизикки қадоқдан ошмайди, бойваччам», деди.

Отбоқар олдинига қўлимдан ушлаб турди; акаларимни ушламаган эди, мени ҳам қўйворишини сўрадим. У, «қўрқмайсизми?» деб сўради. Жудаям қўрқиб турган бўлсам-да, йўқ, қўрқмайман, дедим. Мен айниқса Тулпорчинг қулоқларини чимириб турнишидан хавотирда эдим. У менга жаҳл қиляпти деб ўйлардим. Отбоқар, «ҳай майли, ишқилиб йиқилиб тушманг!» деди-ю, мени қўйворди. Тулпорча олдинига қадамлаб юрди, мен ҳам тўғри ўтирдим. Эгар сип-силлиқ бўлиб, ағдарилиб тушишдан чўчирдим. Отбоқар: «Хўш, жойлашиб ўтирволдингизми?» деб сўради. Мен: «Ҳа, ўтирволдим», дедим. «Қани унда ўйргалашга ўтамиш!» деди ва у тилини чиқиллатди.

Тулпорча аста йўргалаб, мени силкита бошлади. Мен оғиб кетмасликка тиришиб, миқ этмасдим. Отбоқар: «Баракалла, чавандоз, баракалла!» дея мени мақтаб қўйди. Мен бундан беҳад суюндим.

Шу маҳал отбоқарнинг ёнига оғайиси келиб, уни гапга тутиб қолди ва отбоқар менга қарамай қўйди.

Тўсатдан мен эгардан оға бошлаганимни пайқаб қолдим. Ўзимни ўнглашга уриндиму эплолмадим. Мен тўхтатишни сўраб, отбоқарга қичқирмоқчи бўлдиму аммо уялиб, индамай қўя қолдим. Отбоқар ҳамон менга қарамас эди. Тулпорча тинимсиз йўргалар, мен эсам

тобора эгардан оғиб борардим. Мен ёрдам бервонар дея отбоқарга кўз тикар, у эса ҳамон ўртоғи билан гурунглашар, менга қарамасдан, «Баракалла, чавандоз!» деб қўярди. Эгарга зўрга илашиб ўтирап ва жуда ҳам қўрқиб кетган эдим. Энди буткул тамом бўлдим деб ўйладим. Аммо қичқиришга уялардим. Тулпорча мени яна бир силкиган эди, сирнаниб, ерга йиқилиб тушдим. Шунда Тулпорча ҳам тўхтаб қолди ва отбоқар ўгирилиб, от устида менинг йўқлигимни кўрди. «Ана холос, чавандозим йиқилиб тушибди-ку!» дея ёнимга келди. Мен унга майиб бўлмаганимни айтувдим, кулиб, деди: «Боланинг танаси юмшоқ бўлади». Менинг эса йиғлагим келди. Яна отга миндириб қўйишни сўровдим, миндиришиди. Бошқа йиқилмадим.

Отчопарда шу тариқа ҳафтасига икки мартадан машқ қилиб турдик ва мен кўп ўтмай чавандозликнинг анча ҳадисини олволдим, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлдим.

## ПОДШО ВА ҚЎЙЛАК

Бир подшо бетоб бўлиб қолибди ва: «Кимки дардимга шифо топса ярим подшолигимни бераман», дебди. Шунда жамики донишмандлар тўпланиб, подшони қандай даволасак экан дея маслаҳатлашишибди. Ҳеч ким чорасини тополмабди. Фақат бир донишмандгина подшонинг дардига даво топса бўлади дебди. У агар баҳтли одамни топиш мумкин бўлса кўйлагини ечиб, подшога кийдириш керак, шунда подшо тузалиб кетади дебди. Үз туриш-турмушидан рози бўлган бирон-бир кимса топилмабди. Бирор бой бўлса соғ эмас, бирор соғу аммо қашшоқ; соппа-соғ ва бадавлат бўлгани хотиндан ёлчимаган, яна кимнидир болалари ноқобил, ҳаммаси ишқилиб нимадандир зорланади. Бир куни кеч оқшомда шаҳзода бирорнинг кулбаси ёнидан ўтиб кетаётуб, ичкаридаги гапни эшишиб қолибди: «Мана, худога минг қатла шукурки ишимни битириб келдим, қорним ҳам тўқ; энди ухласам бўлади; менга тарин нима керак?»

Шаҳзода суюниб кетибди, ҳалиғи одамнинг кўйлагини ечиб, ўринига қанча хоҳласа шунча пул беришини ва кўйлакни шаҳаншоҳга элтишни буорибди. Хизматкорлар баҳтли одамнинг олдига келиб, кўйлагини ечмоқчи бўлишибди, аммо баҳтли одам шу қадар қашшоқ эканки, боёқишининг ҳатто эгинда кўйлаги ҳам йўқ экан,



## ҚАМИШ ВА ЗАЙТУН

Зайтун ва қамиш қай биримиз мустаҳкам ва башу ватлироқмиз дея тортишиб қолишибди. Зайтун ҳар қандай шамолга ҳам әгилаверадиган қамишдан кулибди. Қамиш индамабди. Ногох бўрон турибди: қамиш әгилиб, тўлғонибди, ергача қадди букилибди — синмабди. Зайтун эса шамолга қаддини керган экан, синиб тушибди.

## БЎРИ ВА ДЕҲҚОН

Овчилар бўрини қувиб боришаётган экан. Бўри йўлида деҳқонга дуч келибди. Деҳқон галляянчич тўқмоқни ва қопини кўтариб, хирмондан қайтаётган экан. Бўри унга шундай дебди: «Деҳқон, мени яшир, орқамдан овчилар қувиб келишапти». Деҳқоннинг бўрига раҳми келибди ва уни қопига яшириб, орқалаб олибди. Овчилар етиб келиб, деҳқондан: «Бўрини кўрмадингми», деб сўрашибди.

— Йўқ, кўрмадим,— дебди деҳқон.

Овчилар жўнаб кетишибди. Бўри қопдан чиқибдида, деҳқонни емоқчи бўлибди. Деҳқон унга шундай дебди:

— Эҳ, бўривой, инсофинг йўқ экан, мен сени қутқарсаму сен бўлсанг мени емоқчи бўляпсан-а.

Бўри жавоб қилибди:

— Яхшилик унтулади.

— Йўқ, яхшилик унтуilmайди, кимдан сўрасанг сўра — ҳамма яхшилик унтуilmайди дейди.

— Бўпти, унда бирга кетдик,— дебди бўри.— Биринчи дуч келгандан яхшилик унтуиладими-йўқми деб сўраймиз. Агар унтуilmайди дейишса сени қўйвораман, унтулади дейишса еб қўяман.

Йўлда кетишаётган экан, олдиларидан кўзи ожиз, қари бия чиқибди. Деҳқон сўрабди: «Айт-чи, бия, яхшилик унтуиладими ёки йўқми?»

Бия шундай жавоб қилибди:

— Э нимасини айтай, мана мен ўн икки йил хўжайнинг хизматини қилдим, ўн иккита қулун туғиб бердим, тинимсиз ер ҳайдаб, юқ ташидим, ўтган йили кўр бўлиб қолдиму сўйкувозхонада ишлай бошладим. Тунов куни айланишга мажолим қолмай гилдиракнинг устига ийқилиб тушдим. Мени ўласи қилиб калтаклашди, думмидан судраб бориб жарликка улоқтиришди. Ўзимга

келиб, базўр эмаклаб чиқиб олдим, мана энди қаёққа бош уришимни билмайман.

— Мана кўрдингми,— дебди бўри.— Яхшилик унтулади.

— Шошмай тур, яна сўраб кўрамиз,— дебди деҳқон.

Яна йўлда давом этишибди. Қари бир итга дуч келишибди. Жонивор думини ликиллатганча судрагиб бораётган экан.

— Қани айт-чи, ит, яхшилик унтуиладими ёки йўқми?— деб сўрабди деҳқон.

— Э нимасини айтай: ўн беш йил хўжайнинг хизматини қилдим, вовуллаб, ваҳшат солиб уйини қўриқладим, мана энди тишларим тўкилиб, қартайганимдан сўнг орқамга шоти билан уриб, ҳовлидан ҳайдаб юборишиди. Энди қаёққа бораримни билмай эмаклаб кетяпман.

— Э шитдингми нима деганини?— дебди бўри.

— Яна бир оз шошмай тур,— дебди деҳқон.

Йўлда тулкига дуч келишибди. «Қани айт-чи, тулкийой, яхшилик унтуиладими ёки йўқми?» деб сўрабди деҳқон.

— Сенга буни билиш нега керак бўлиб қолди?— сўрабди тулки.

— Э мана бу бўри овчилардан қочиб келаётib мендан яширишни сўровди, уни қопимга яширдим, энди бўлса у мени емоқчи бўляпти,— дебди деҳқон.

— Наҳотки шундай катта бўри кичкина қопга сиғса? Мабодо ўз кўзим билан кўрганимда ҳакамлик қила олардим,— дебди тулки.

— Бемалол сиғиб кетди, ишонмасанг ана ўзидан сўра?— дебди деҳқон.

«Тўғри айтяпти», дея жавоб қилибди бўри.

Шунда тулки айтибди:

— Уз кўзим билан кўрмагунимча ишонмайман. Қани, қандай сиққанингни ўзинг кўрсат-чи.

Шунда бўри калласини қопга суқиб, «мана бундоқ?,— дебди.

— Қопга бутунлай киргин, бўлмаса яхши кўролмайман,— дебди тулки.

Бўри қопга кирибди. «Энди қопнинг оғзини боғла»,— дебди тулки деҳқонга. Деҳқон қопни боғлабди. Тулки шундай дебди:

— Қани энди, деҳқон, хирмонда қандай ғалла янчишинингни бир кўрсатиб қўй-чи.

Деҳқон суюниб кетибди ва бўрини тўқмоқлашга тушиби.

Кейин: «Хирмонда фаллани мана бундоқ қилиб янчади, тулкивой», дея тулкининг калласига битта уриб, ўлдирибди ва: «Яхшилик унутилади!» дебди.

## ТУЛКИ ДУМИ

Бир одам тулкини тутиб олиб: «Итларни думингиз билан алдашни кимдан ўргангансизлар?» деб сўради. Тулки шундай жавоб берибди: «Алдашга бало борми? Биз итларни алдамаймиз, улардан жон-жаҳдимиз билан қочамиз, холос». Шунда у киши айтибди: «Йўқ, сизлар думингиз билан алдайсизлар. Итлар сизларни қувиб етиб, энди тишламоқчи бўлганда сизлар думингиз билан бир томонга буриласиз, итлар думингиз ортидан кескин бурилганда сизлар бошқа томонга уриб қоласизлар. Тулки бунга жавобан кулимсираб, шундай дебди: «Биз буни итларни алдаш учун жўрттага қилмаймиз, биз буни бурилиш учун қиласиз: итлар бизни қувиб етгандан кейин, тўғрига кетишдан нажот йўқлигини кўриб бир четга буриламиз: тўсатдан бир томонга бурилиш учун худди сизлар югураётib бурилмоқчи бўлганингизда қўлингиз билан ҳаракатланганингиздай, думимиз билан иккинчи томонга кескин силтаймиз. Буни биз ўйлаб топганимиз йўқ: буни худонинг ўзи бизни яратиб, итлар ҳамма тулкиларни қийратмасин дея ўйлаб топган».

## ХУДО ҲАҚИҚАТНИ КУРАДИ-Ю, АММО АЙТАВЕРМАЙДИ

Владимир шаҳрида Аксёнов деган ёш бир савдогар яшарди. Унинг иккита дўкони ва уйи бор эди.

Аксёнов малларанг, жингалаксоц, чиройли ва қувноқ одам бўлиб, қўшиқ айтишга ҳам анча уста эди. Ёшлигидага кўп ичар, ичганда тўполон қилар, аммо уйлангандан кейин ичишни ташлаган, фақат аҳён-аҳёнда эски одати қўзиб қоларди.

Ёз кунларининг бирида Аксёнов Нижнийга ярмаркага борди. Оиласи билан хайрлайшатганда хотини унга шундай деди:

— Иван Димитрович, шу бугунча бормай тур, сен ҳақингда бехосият туш кўрдим.

Аксёнов кулиб жавоб қилди:

— Сен ҳойнаҳой ярмаркада майшат қилишимдан қўрқаётгандирсан?

Хотини шундай деди:

— Нимадан қўрқаётганимни ўзим ҳам билмайман, ишқилиб, яхши туш кўрмадим-да, гўёки сен шаҳардан келиб, қалпоғингни олганмишсан, мен эса мундоқ қарасам бошингда сочинг оппоқ оқариб кетганмиш.

Аксёнов кулди.

— Э, демак омадим келаркан. Мана қараб тургин, савдони битириб, қимматбаҳо совғалар келтираман.

Шундай қилиб у, оиласи билан хайрлашиб, жўнаб кетади.

Йўлнинг ярмида унга таниш бир савдогар ҳам қўшилади ва икковлон бирга тунаш учун тўхтайдилар. Улар чой ичиб, ёнма-ён икки ҳужрада ухлаш учун ётадилар. Аксёновнинг узоқ ухлайдиган одати йўқ эди; у тун ярмида уйғонди, салқинда юриш ўнғай бўлишини кўзлаб, аравакашни уйғотди ва йўлга ҳозирланишини буюрди. Кейин қора ҳужрага чиқиб, хонадон соҳиби билан ҳисоб-китоб қилди.

Қирқ чақиримча йўл босгач, у яна тамадди қилиш учун карвонсаройда тўхтади, ҳордиги чиққач, туш маҳали айвонга чиқиб, самовар-қўйишни буюрди, гитарасини олиб, чала бошлади. Тўсатдан ҳовлига қўнғироқларини жаранглатиб, уч отли арава кириб келди. Ундан икки солдат билан бир амалдор тушиб, Аксёновга рўбарў бўлишиди ва ундан кимлиги, қаёқдан келаётганини сўрашиди. Аксёнов бор гапни айтгач, уларни чойга таклиф қилди. Аммо ҳалиги амалдор ҳамон бетиним тергов қиларди: «Ўтган кечада қаерда тунадинг? Бир ўзингмидинг ёки савдогар ҳам бормиди? Эрталаб савдогарни кўрмадингми? Нега энди у ердан барвақт жўнаб кетдинг?» Аксёнов нега энди мендан буларни сўрайтийкин дея ҳайрон бўлди: ҳамма нарсани оқизмай-томизмай, қандай бўлса шундай гапириб берди ва ахийри шундай деди: «Нега энди мени бунчалик тергов қилияпсиз? Мен ўғриям, қароқчиям эмасман. Уз юмуш им билан кетяпман, мени тергов қилишнинг ҳожатиям йўқ».

Шунда амалдор солдатларни чақириб, деди:

— Мен полиция бошлиғиман, сени тергаётганимга сабаб шуки, ўтган кечада сен билан бирга тунаган савдогар сўйилган. Нарсаларингни кўрсат, сизлар уни тинтуб қилинглар.

Хужрага кириб, жомадон билан қопларни олишиди ва уларни очиб, тинтишга тушдилар. Ногоҳ полиция бошлиғи қопдан пичоқни чиқариб, ҳайқирди:

— Бу кимнинг пичоги?

Аксёнов қопидан қонли пичоқни топиб олишганини күриб қўрқиб кетди.

— Пичоқ нега қон?

Аксёнов жавоб қайтармоқчи эди, тили айланмай қолди.

— Мен... мен билмайман... мен... п-пич... меники эм-эм...

Шунда полиция бошлиғи айтди:

— Эрталаб савдогарни сўйилган ҳолда топишиди. Буни сендан бошқа ҳеч ким қилмайди. Ўй ичкаридан беркитилган, ичкарида эса сендан бошқа кимса йўқ эди. Мана энди қопингдан топилган қонли пичоққа нима дейсан: қолаверса кимлигинг шундоқ башарангдан ҳам маълум. Гапир, уни қандай ўлдирдинг, қанча пулини ўмардинг?

Аксёнов худони ўртага қўйиб, бу ишни қилмаганлиги, бирга чой ичишгандан кейин савдогарни кўрмаганлиги, 8000 ўзининг пули эканлиги, пичоқ уники эмаслигини айтди. Аммо овози қалтираб, юзлари оқариб кетган, бутун вужуди худди гуноҳкордай қўрқувдан титраб-қақшар эди.

Полиция бошлиғи солдатларни чақирди ва уни боғлаб, аравага олиб чиқишини буюрди. Оёқларини боғлаб, аравага афдаришганда Аксёнов чўқинди ва йиғлаб юборди. Аксёновнинг нарсалари ва пулини олиб қўйишди, ўзини эса яқин шаҳардаги турмага юборишиди.

Владимирга борган вакил Аксёновнинг қандай одамлигини сўраб-суриштириди, жамики савдогарлар ва ҳамюртлари Аксёновнинг ўшлигига ичиб, анча-мунча шўхлик қилгани, аммо ўзи яхши одам эканлигини айтишиди. шундан кейин уни суд қилишга тушдилар. Аксёновни рязанлик савдогарни ўлдириб, 20000 пулини ўғирлаганликда айблаб суд қилиши.

Хотини эрининг қайгусида бўларича бўлди, нима қиларини билмай боши қотди. Болалари ҳали ёш, биттаси кўкрагидан узилмаганди. У ҳамма болаларини олиб, эри қамоқда ётган шаҳарга йўл олди. Олдинига уни қўйишмади, аммо боёқиши бошлиқларга ялиниб-ёлборгач, эрининг ҳузурига олиб боришиди. Муштипар хотин эрини бошқа аристонлар қатори қамоқхона кийимида, занжирбанд ҳолда кўрди-ю, ўзини ерга ташлаб юборди

ва аўчагача ўзига келолмади. Кейин болаларини атрофига ўтқазиб, ўзи ҳам уларнинг ёнига чўқди ва уйдаги туриш-турмушидан гап очди. Айни чорда эридан бошига тушган фалокат ҳақида сўраб-суриштириди. Эри бўр гапни айтиб берди.

— Энди нима қилдик? — деб сўради хотини.

— Подшоҳга арз қилмоқ лозим. Емаган сомсага пул тўлаш алам қиласди.

Хотини подшоҳга арзнома юборгани, аммо у ҳали етиб бормаганини айтди. Аксёнов бошини ҳам қилганча ҳеч нима демади. Шунда хотини яна гап қотди:

— Эсингдами, ўшанда соchlаринг оқариб кетгани бежиз тушимга кирмаган экан. Мана энди ростдан ҳам ғам-ғуссадан сочинг оқариб кетди. Асли ўшанда бормасанг бўларкан.

Хотин эрининг соchlарини сийпалаб, оҳиста сўради:

— Ваня, жонгинам, ёстиқдошингга тўғрисини айта қол, мабодо шу ишни сен қилмаганмисан?

Бечора Аксёнов: «Энди шубҳаланмаган битта сен қолувдинг!» деди-ю, юзини тўсганча йиғлаб юборди. Кейин солдат келиб, учрашув вақти тугаганини айтди. Шунда Аксёнов оиласи билан охирги марта видолашди.

Хотин жўнаб кетгач, Аксёнов бўлиб ўтган суҳбатни бир-бир эслай бошлади. У хотини ҳам ундан шубҳаланиб, савдогарни сен ўлдирмаганмисан деб сўраганини эслади-ю, ўзича: «Дарҳақиқат, худованди каримдан бошқа ҳеч ким ҳақиқатни билмайди ва фақат парвардигордангина ёруғлик кутиш мумкин», деб қўйди. Ушандан буён Аксёнов арзнома ёзиши бас қилиб, умъдини узиб қўйди ва фақат худогагина сифиниб, тоатибодатга берилди.

Аксёнов дарра билан саваланиб, каторгага сургун қилиш учун ҳукм қилинди. Ҳукм ижро этилди.

Уни дарра билан савалашди, калтак зарбидан қолган жароҳатлари тўзалгач, бошқа аристонларга қўшиб Сибирга ҳайдашди.

Сибирда, каторгада Аксёнов 26 йил яшади. Бошида соchlари қордай оқариб кетди, энсиз, узун соқоли ҳам оппоқ эди. Олдинги қувноқлигидан асар ҳам қолмади. У буқчайганча, оҳиста юрар, кам гапиран, мутлақо кулмас ва тез-тез худога ибодат қиласди.

Тутқунликда Аксёнов этикдўзликни ўрганди, ишлган пулига азиз-авлиёлар ҳақидаги диний китоб сотиб олди ва қамоқхона ёруғлигига мутолаа қилиб турди. Байрамларда қамоқхона черковига бориб, Апостолни

ўқир, бутхона хорига қўшилиб куйлар, овози ҳалиям чакки эмас эди. Бошлиқлар Аксёновни мўмин-қобиллиги учун хуш кўришар, «отахонимиз», «оллонинг ноibi» дея алқашар эди. Турмада бирон-бир илтимос чиқиб қолса, оғайнилари бошлиқлар билан мулоқотда бўлиш ваколатини ҳамиша Аксёновга ишонишар, мабодо аристонлар ўртасида уриш-жанжал чиқса ҳам доимо Аксёновнинг олдига ажрим қилишни сўраб келишар эди.

Аксёнов уйидан хат олмас, хотин ва бола-чақаси ҳақида ҳеч нарса билмасди.

Бир куни каторгага янги аристонлар келди. Кечқурун эски маҳбуслар янгиларни ўртага олиб, ким ҳайси шаҳар ёки қишлоқдан келганлиги, гуноҳи нимадалиги ҳақида сўраб-сuriштира бошладилар. Янги аристонлар орасида баланд бўйли, соқоли қиришланган, олтмиш ёшлардаги, бақувват бир чол ҳам бор эди. У нима учун қўлга тушиб қолганини айтаркан, шундай деди:

— Бу ёққа мутлақо гуноҳим бўлмаган ҳолда келиб қолдим. Аравакашнинг отини чанасидан ечиб олувдим. Ўғирлагансан дея тутиб олишди. Мен фақат манзилга тезроқ етиб олмоқчи эдим, ахир отни қўйворувдим-ку. Аравакаш бўлса ўзимнинг танишим, дедим. Тўғри айтиб-манми? Йўқ, ўғирлагансан дея туриб олишди. Аслида қаерда, нимани ўғирлаганимни билишмасди. Илгариги қилмишларим учуноқ аллақачон шу ерга келишим лозим эди, аммо қўлга туширишолмади, энди бўлса қонунга хилоф ҳибсга олиб ўтиришибди. Сибирида олдин ҳам бўлганман, аммо кайф-сафо узоқ чўзилмаган.

— Сен ўзинг қаерликсан?— деб сўради аристонлардан бири.

— Биз Владимир шаҳридан, ўша ерлик мешчанларданмиз. Исмим Макар, одамлар Семёнович дейишади.

Аксёнов бошни кўтариб, сўради:

— Семёнович, сен мабодо владимирлик савдогар Аксёновлар ҳақида эшитмаганмисан? Улар ҳаётмикин?

— Эшитганда қандоқ! Бадавлат савдогарлар, оталири бежиз Сибирга сургун қилинмаган. Худди сен билан бизга ўхшаган гуноҳкор бандалардан. Отахон, сен ўзинг ҳақида гуноҳинг учун бу ерда ўтирибсан?

Аксёнов ўзининг шўр пешонаси ҳақида гапиришни ёқтирамасди, бир хўрсиниб олгач, шундай деди:

— Гуноҳимга яраша йигирма олти йилдан буён жазомни тортиб юрибман.

— Қанақа гуноҳинг учун ахир?— деб сўради Макар Семёнов.

Аксёнов: «Жаззасига яраша-да!» деди-ю, бошқа гапиролмади, аммо аристон ўртоқлари Аксёновнинг қандай қилиб Сибирга тушганини айтиб беришди. Улар йўлда кимдир савдогарни ўлдириб, пичоқни Аксёновнинг қопига яшириб кетгани, бунинг учун уни беҳуда-бегуноҳ суд қилишганини янги маҳбусга ҳикоя қилишди.

Макар Семёнович бу гапни эшитди-ю, ялт этиб Аксёновга қаради, тиззасига шапатилаб, хитоб қилди:

— Ё товба! Ё товба! Ахир қарип кетибсан-ку, отгинам!

Ундан нега ҳайрон бўлаётгани, Аксёновни қаерда кўрганини сўрашди, аммо Макар Семёнов бунга эътибор қилмади, фақат: «Зап аломат иш бўлди-да, оғайнилар, кўришган жойимизни қаранг», деб қўйди.

Бу гаплардан Аксёновнинг хаёлига мабодо бу одам ўша савдогарни ким ўлдирганини билмасмикан деган фикр келди.

— Семёнович, балки сен ўша жиноят ҳақида олдин ҳам эшитгандирсан ёки мени илгари кўргандирсан?— деб сўради.

— Эшитганда қандоқ! Ер юзи мишишларга тўла. У ишларга кўп вақт бўлди. Эшитганларим ҳам ёдимдан кўтарилиб кетган,— деди Макар Семёнов.

— Балки савдогарни ким ўлдирганини эшитгандирсан?— деб сўради Аксенов.

— Макар Семёнов кулиб жавоб берди:

— Ким бўларди — ўша, қопидан пичоқ чиққан одам ўлдирган-да. Агар биронтаси пичоқни қопингга яширган тақдирда ҳам ўзи қўлга тушмаган бўлса — ўгри эмас. Қолаверса, қандай қилиб пичоқни қопингга яшириш мумкин? Ахир у бошингда эмасмиди? Ўзинг ҳам сезардинг-ку.

Аксёнов бу гапни эшитди-ю, савдогарни худди мана шу одам ўлдирган деб ўйлади. Ўрнидан туриб, ўзини четга олди. Аксёнов шу кеча мижжа қоқмади. Диққати ошди, кўз олдига ҳар турли нарсалар кела бошлади: тоҳ хотини уни охирги марта ярмаркага кузатгандан қандай бўлса, ўшандай кўз олдига келарди. Хотинининг жонли қиёфаси, юз-кўзларини яққол кўрди, гап-сўзлари, кулишларини эшитди. Кейин ўшанда ҳали кичкина бўлган, биттаси пўстин кийган, иккинчиси эмизикли болакайлари кўз олдига келди. Ўшанда ўзи ҳам ёш ва қувноқ бўлганини эслади: карвонсарай айвонида ўтирганча шоду хуррам гитара чалаётгандага қўлга олишганини эслади. Маҳкумлар жазоланадиган жойда дар-

ра егани-ю, ўша жаллод, атрофдаги халойиқ, кишанлар, аристонлар ҳамда йигирма олти йил чўзилган маҳбуслик ҳаёти, қариб-қартайиб қолгани — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгидан намоён бўлди. Юраги шундай сиқилдики, бутун ёруғ олам кўзига қоронги кўриниб кетди.

«Ҳаммасига ана ўша иблис сабабчи!» деб ўйлади Аксёнов.

Макар Семёновични кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ, ўзи нима бўлса ҳам боллаб ўчини олиб, аламдан чиққиси келар эди. Туни билан ибодат қилиб чиқди, аммо ўзини босолмади. Кундузи Макар Семёновга яқинлашомлами, башарасига ҳам қарамади.

Икки ҳафта шу зайлда ўтди. Аксёнов тунлари ухлай олмас, азбаройи сиқилганидан ўзини қўярга жой тополмасди. Бир куни тунда Аксёнов турма оралаб кетаётган эди, ёғоч каравотлардан бирининг тагидан тупроқ тўклиб кетди. Нима гап дея тўхтади. Ногоҳ каравот тагидан Макар Семёнович сакраб чиқди ва қўрқа-писа Аксёновга қаради. Аксёнов уни кўргиси келмай, ўтиб кетмоқчи бўлди, аммо Макар уни қўлидан ушлаб қолди ва девор тагидан қандай қилиб лаҳм қазигани, ҳар куни ишга ҳайдашганда қўнжига тупроқ солиб, қўчага тўкиб келаётганини айтib берди.

— Фақат дамингни чиқарма, бобой, мен сениям бу ердан олиб чиқаман,— деди у.— Мабодо оғзингдан гулласанг, мени калтаклашади, унда ўзингдан кўр — ўлдирман.

Аксёнов ўз кушандасини кўрди-ю, қаҳру ғазабдан титраб-қақшаб кетди, қўлини тортиб, шундай деди:

— Чиқишга кўзим учиб тургани йўқ, ўлдирадиган гуноҳим ҳам йўқ, сен мени аллақачон ўлдириб бўлгансан. Қилмишингни айтиш-айтмасликни эса оллонине хоҳиш-иродаси ҳал қиласди.

Эртаси куни солдатлар аристонларни ишга ҳайдаб чиқишганда Макар Семёнов тўкиб кетган тупроқни пайқаб қолишиди ва турмани қидириб, тешикни топиб олишиди. Бошлиқ турмажонага келиб, тешикни ким қазиди дея ҳаммани сўроққа тутди. Ҳамма айбни ўзидан соқит қиласди. Билганлар Макар Семёновни сотишмади, чунки бу қилмиши учун уни ўласи қилиб калтаклашлари аниқ эди. Шунда бошлиқ Аксёновга мурожаат қиласди. У Аксёновниadolatparvar одамлигини биларди.

— Отахон, сен тўғрисўз одамсан, худо ҳаққи айт-чи, бу ишни ким қиласди?

Макар Семёнович ҳеч нима бўлмагандек, бошлиққа қўзини дўқ қилиб турар, Аксёновга қарамас эди. Аксёновнинг эса қўл ва лаблари титраб кетди, анчагача тили калимага келмади. Кўнглидан шундай ўйлар кечди: «Ўзи-ку мени адойи тамом қилган одам бўлса, яна қайси кўрсатган қаромати учун қилмишини беркитай? Чеккан изтироб-аламларим ҳаққи бир жаззасини тортсан. Шу тобда бир оғиз айбини айтсан бўлди — калтакнинг тагида қолади. Нима, ёки мен беҳуда домангир бўляпманми? Э нималар деяпман, ахир бундан менга нима фойда?»

Бошлиқ яна бир карра сўради: «Хўш, отахон, тўғрисини айт-чи, лаҳмни ким қазиди?»

Аксёнов Макар Семёновичга бир қараб қўйиб, жавоб берди:

— Мен кўрганим йўқ, билмайман ҳам.

Шундай қилиб лаҳм қазиган одамни топишомлади.

Кейинги кеча Аксёнов тахта каравотига чиқиб, энди мудраган ҳам эдикни, оёқ томонига кимдир келиб ўтирганини пайқади. У қоронфида тикилиб, Макарни таниб қолди.

— Сенга яна нима керак ўзи? Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деди Аксёнов.

Макар Семёнович миқ этмасди. Аксёнов ёнбошлаб турниб гапирди:

— Нима керак деяпман? Иўқол! Бўлмаса ҳозир солдатни чақираман.

Макар Семёнович Аксёновга яқин энгашиб, шивирлади:

— Иван Димитриевич, кечир мени!

— Қай бир гуноҳингни кечираи?— деб сўради Аксёнов.

Савдогарни ўлдирган ҳам, пичноқни қопингга яширган ҳам менман. Мен сени ҳам ўлдиromoқчи эдиму аммо ҳовлидан шарпа эшитилиб қолди, пичноқни қопингга яшириб, деразадан ташлаб қочдим.— Аксёнов индамас, нима деярини билмас эди. Макар Семёнов тахта каравотдан пастга тушиб, ерга сажда қиларкан, шундай деди:

— Иван Димитриевич, кечир мени, худо ҳаққи кечир. Савдогарни ўлдирганини бўйнимга оламан, сени афв этадилар. Сен уйингга қайтасан.

Аксёнов бунга жавобан айтди:

— Сенде гапириш босон, мен қандай тоқат қилай ахир? Энди қайга баш уриб борай?.. Хотиним ўлиб кетган бўлса, балалар унутворишган, топиниб борар маконим йўқ...

Макар Семёнов ердан қаддини кўтармай бошини заминга уриб, деди:

— Иван Дмитриевич, кечир! Мени дарра билан калтаклашганда ҳам шу тобда кўзингга тик қарагаячалик қийналмагандим... Сен бўлсанг яна раҳм қилиб, мени сотмадинг. Худо ҳаққи мени кечиргун! Мендек ёвуз бир иблисни кечир!— У шундай дея ўкириб йиглади.

Аксёнов Макар Семеновичнинг йиғлаганини эшитгач, ўзи ҳам йиғлаб юборди.

— Сени худонинг ўзи кечиргай,— деди у.— Балки мен ўзим ҳам сендан баттароқдирман.

Ногоҳ қўнгли енгил тортиди. Энди уйини ҳам соғин-мас, турмадан бошқа ёққа боришни ҳам истамас, фақат охиратини ўйлар эди, холос.

Макар Семёнов Аксёновнинг йўриғига кўнмай, маҳкамага бориб, айбини бўйнига олди.

Аксёновга озод бўлиши ҳақида рухсатнома келганда у аллақачон бандаликни бажо келтирган эди.

## АДОЛАТЛИ ҚОЗИ

Жазоир подшоси Бауакас қўл остидаги шаҳарлардан биридаги қозининг адолатпарварлиги ва ундан биронта муттаҳам жазосиз қолмаслиги ҳақида айтилаётган гап-сўзларнинг ростлигини шахсан ўзи синаб кўрмоқчи бўлади. Бауакас савдогар қиёфасида от миниб, ўша қози яшайдиган шаҳарга жўнайди. Шаҳарга кираверишда Бауакаснинг олдига бир чўлоқ келиб, садақа сўрайди. Бауакас унга хайр қилиб, яна йўлида давом этмоқчи бўлганда ҳалиги чўлоқ қийимидан тортиб қолади. «Сенга яна нима керак?— деб сўрайди Бауакас.— Садақа сўрагандинг — бердим».

«Садақа бердинг,— дейди чўлоқ,— аммо яна битта яхшилик қил, майдонгача отингга мингашиб бориб олай, йўқса от, туяларнинг тагида қолиб кетаман».

Бауакас чўлоқни орқасига мингаштириб, майдонга элтади. Майдонда Бауакас отини тўхтатади. Аммо гадо тушмайди. Бауакас: «Нега ўтирибсан, пастга туш, етиб келдик», дейди. Шунда гадо: «Нега энди тушарканман,

от ўзимники бўлса. Яхшиликча хотимни қайтармасанг қозига борамиз»,— дейдӣ.

Халойиқ тўпланади, уларнинг тортишувини эшитгандар пайдар-пай шовқин солиб қичқиришади: «Қозига боринглар, ўша сизларни ажрим қиласди».

Бауакас чўлоқ билан қозига боришидади. Қозихонада одамлар кутиб туришар, қози навбати билан уларни чақирадар эди. Бауакаснинг гали келгунча қози аллома билан дехқонни ҳузурига чорлайди. Улар хотин важдидан тортишишарди. Дехқон бу менинг хотиним дер, аллома бўлса йўқ, менинг хотиним дерди. Қози индамай уларнинг даъвосини эшитгач: «Хотинни қолдириб, ўзинглар эртага келинглар», дейди.

Улар кетгач, қассоб билан ёғбуруш киради. Қассобнинг ҳаммаёғи қон, ёғбуруш эса ёққа беланган эди. Қассоб қўлидаги пулни, ёғбуруш эса қассобнинг қўлини чанглаб олганди. Қассоб арз қиласди: «Мен бу одамдан ёғ сотиб олиб, пулинни тўлаш учун ҳамёнимни чиқариш имон у қўлимдан тутиб, пулимни тортиб олмоқчи бўлди. Шу ахволда ҳузурингизга келдик — қўлимда ҳамёним, у бўлса қўлимдан тутиб турибди. Аммо пул ўзимники, у эса ўғри».

Ёғбуруш бўлса шундай дерди: «Бу фирт ёлғон. Қассоб олдимга ёғ олмоқчи бўлиб келувди. Қўзасига тўлдириб ёғ қуайиб берганимдан кейин тилламни майдалаб бергин деб қолди. Мен пулни олиб, пештахтага қўйишим билан у пулларни ўмариб кетмоқчи бўлди. Мен қўлидан тутиб қолдим ва буёққа олиб келдим».

Қози сукут сақлаб, буюради: «Пулларни қолдириб, ўзинглар эртага келинглар».

Бауакас билан чўлоқнинг гали келганда Бауакас боргани оқизмай-томизмай айтиб беради. Қози унинг гапларини эшитгач, гадони сўроқлайди. «Бунинг айтганлари ҳаммаси ёлғон,— дейди гадо,— мен шаҳардан отлиқ келаётгандим, у эса ерда ўтирувди, отга мингаштириб, айтган жойига олиб бордим, аммо у эгардан тушгиси келмади, от менини деб туриб олди. Туҳмат қиляпти».

Қози ўйга чўмади ва: «Отни қолдириб, эртага келинглар», дейди.

Эртаси куни қозининг ҳукму ажримини эшитгани тумонат одам йиғилади.

Биринчи бўлиб аллома билан дехқон рўбарў бўлишади.

— Хотинингни етаклаб кетавер,— дейди қози алломага, — дехқонга эса эллик таёқ уринглар.

Аллома хотинини қайтариб олади, деҳқон эса шу  
ернинг ўзида жазоланади.

Шундан кейин қози қассобни чорлайди.

— Пулинг ўзингга буюрсин,— дейди у қассобга, сўнг-  
ра ёғфурушга ишора қилиб амр қилади.— Бунга эллик  
таёк уринглар.

Кейин Бауакас билан чўлоқ чақирилади.

«Йигирмата отнинг орасидан ўзингникини таний ола-  
санми?» деб сўрайди қози Бауакасдан.

— Танийман.

— Сен-чи?

— Мен ҳам танийман,— дейди чўлоқ.

— Қани, орқамдан юр-чи,— дейди қози Бауакасга.  
Улар отхонага киришади. Бауакас ўша заҳотиёқ  
йигирмата отнинг орасидан ўзиникини кўрсатади. Кейин  
қози чўлоқни отхонага чақириб, ундан ҳам отингни кўр-  
сат дейди. Чўлоқ ҳам отни таниб, кўрсатади. Шундан  
кейин қози ўз жойига ўтириб, Бауакасга қаратади дейди:

— От сеники, олақол. Чўлоққа эллик таёқ урилсин.

Ажрим тугагач, қози уйнга йўл олади, Бауакас эса  
унга эргашади.

— Сенга нима бўлди ёки менинг ҳукмидан норози-  
мисан?— деб сўрайди қози.

— Йўқ, ҳукмидан розиман,— дейди Бауакас.—  
Фақат хотин деҳқонники эмас, алломаники, пул ёғфу-  
рушники эмас, қассобники, от гадоники эмас, менини  
экандигини қандай қилиб фарқлай олганинг билмоқ-  
чиман, холос.

— Хотинни кимга тегишли эканини билиш учун уни  
эрталаб ўйимга чақириб, сиёҳдонимга сиёҳ қўйиб бериши-  
ни сўрадим. У сиёҳдонни олди-ю, чақонлик билан, бир  
зумда сиёҳ қўйиб берди. Агар у деҳқоннинг хотини  
бўлганда бу иш қўлидан келмасди. Бундан чиқадики,  
аллома ҳақ.

Пул жанжалини эса шундай аниқладим: пулни ко-  
садаги сувга ташлаб қўйдим ва юзага ёғ қалқиб чиқма-  
димикин дея бугун эрталаб қарадим. Агар пул ёғфуруш-  
ники бўлса, унга қўлларининг ёғи юққан бўларди. Аммо  
сувда ёғ қўринмади, демак қассоб ҳақ экан.

— Отни аниқлаш қийинроқ бўлди. Чўлоқ ҳам худди  
сенга ўхшаб йигирмата отнинг орасидан янгишмай кўр-  
сатди. Аммо мен сизларни отингларни танирмикинсизлар  
деб эмас, балки иккингиздан қай бирингизни от танир  
екан дея отхонага олиб кирувдим. Унга яқинлашганинг-

да жонивор бошини ўгириб, сенга интилди: чўлоқ унга  
тегинувди, қулоқларини чимириб, депсинди. Шунга кўра  
отнинг ҳақиқий эгаси сен эканингни билиб олдим.

Ана шундан кейин Бауакас ўзини танитади:

— Мен асли савдогар эмас, подшо Бауакасман. Бу  
ерга сенинг доврунг ҳақида тарқалган гапларнинг  
рост-ёлғонлигини билиш учун келувдим. Мана энди доно,  
адолатли қози эканингни кўриб турибман. Тила тила-  
гингни, истаганингни бажо келтираман.

«Менга ҳеч нарса керак эмас,— дейди қози.— Ками-  
нага шаҳаншоҳимнинг мақтовидан ортиқ баҳт йўқдур».

## И Л Е С

Уфа губерниясида Илёс исмли бир бошқирд истиқо-  
мат қиласди. Отасидан айтарли бойлик қолмаганди.  
Илёс уйланган йили отаси қазо қиласди. Илёснинг  
мулкида еттика бия, иккита сигир ва йигирматача қўй  
бор эди. Аммо у тадбиркорлик билан хўжалигини анча  
тиклаб олди; эру хотин эртаю кеч тиним билишмади,  
эрта туриб кеч ётди ва йил сайнин бойиб бораверди.  
Шундай қилиб умрининг ўттиз беш йилини Илёс меҳ-  
нат билан ўтказди ва каттагина давлат орттириди.

Энди Илёснинг икки юз бош йилкиси, юз эллик бош  
қорамоли ва бир минг икки юз қўйи бор эди. Йилкичи  
ва чўпонлар Илёснинг уюри, отарини боқишар, хизмат-  
чилар бия ва сигирларни соғишар, қимиз, сарёғ ва пиш-  
лоқ тайёрлашар эди. Илёснинг ҳеч нимадан камчилиги  
йўқ эди, ҳамма унинг туриш-турмушига ҳавас қиласди.  
Одамлар: «Илёс қандай баҳтли одам, қаёққа қўлини  
узатса етади, энди дунё тургунча яшаса ҳам бўлавера-  
ди», дейишарди. Таниқли-обрўли кишилар энди Илёс  
билан борди-келди қила бошлайди. Уйига олис-олислар-  
дан меҳмонлар келадиган бўлади. Илёс уларнинг изза-  
тини жойига қўйиб, кутиб олар, яхшилаб сийлар эди.  
Ким келмасин, ҳаммасига қимиз, чой, гўшт ва шўрва  
тортиларди. Меҳмон қадам ранжида қилганда бир-икки-  
та қўйи сўйилар, кўпроқ келишса от ҳам сўйиларди.

Илёснинг икки ўғил ва икки қизи бор эди. Үғиллари-  
ни ўйлаб, қизларини турмушга чиқарди. Илёс ночорроқ  
яшаган ўйларда ўғиллари отаси билан баб-баробар тер  
тўкиб меҳнат қилишар, уюр ва отарларга қарашарди,  
сал жир бита бошлаганда эса ўғиллари тўқликка шўх-  
лик қилиб, қилиқ чиқара бошлашди, биттаси эса ички-

ликка берилди. Каттаси ур-тўполонга қўшилиб ўлиб котди, кичигининг хотини такаббурроқ чиқиб, отанинг йўриғига юрмай қўйганди, уйини бўлиб қўйди.

Бўлиб қўйгач, унга уй-жой, мол-ҳол берди, Илёснинг давлатига анча птурпур етди. Орадан кўп ўтмай Илёснинг қўйларига ўлат тегиб, анчаси қирилиб кетди. Кейинги йил қурғоқчилик бўлиб, пичан битмади, қишига бориб яна моллар қирилди. Шундан кейин энг яхши уюрини қирғизлар тортиб олди, Илёснинг мулкидан барака қочди. Тобора Илёснинг ҳоли танг бўла бошлади. Қуч-қуввати ҳам олдингидек эмас эди. Хуллас, Илёс етмишга чиққанда пўстини, гилами, эгар-жабдуғи, ҳужрасию охирги молини сотиш даражасигача етди ва ахийри бир ўзи қуп-қуруқ қолди. Энди Илёснинг эгнидаги қўйлаги, пўстини, қалпоғи билан бошмоғиу кампир бўлиб қолган хотинидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Хонадони бўлиб қўйилган ўғли олис юртларга кетиб қолган, қизи эса ўлиб кетганди. Қарияларга суюнчиқ бўладиган ҳеч кимса ўйқ эди.

Қўшниси Муҳаммадшоҳнинг қарияларга раҳми келди. Муҳаммадшоҳ бой ҳам, камбағал ҳам эмас, ўртамиёна яшар, ўзи яхши одам эди. Илёснинг нон-тузи эсига тушиб унга раҳми келди ва шундай деди: «Кампиринг билан бизнигiga келиб яшайвер. Ёзда баҳоли қудрат полизда ишларсан, қишида эса мол-ҳолга қарашасан, кампиринг бўлса бияларни соғиб, қимиз қилас. Сизларни едириб, кийинтираман, яна нима керак бўлса айтарсизлар».

Илёс қўшнисини дуо қилиб, хотини билан Муҳаммадшоҳнида хизматкорлик қила бошлади. Олдинига қийинроқ туюлди, кейинчалик кўниги кетишиди ва чолу кампир баҳоли қудрат ишлаб, яшай бошлашди.

Бунақа одамларнинг хизматда бўлиши хўжайн учун кони фойда эди, чунки қарияларнинг ўзи ҳам хўжайн бўлишгани учун ишнинг кўзини билишар, эринишмас, қўлларидан келганча кўмаклашар эдилар: фақат Муҳаммадшоҳга шундай бообру бўлган одамларнинг бу аҳволга тушганини кўриш оғир эди.

Бир куни Муҳаммадшоҳнига совчилар, меҳмонлар келишиди, мулла ҳам ҳозир бўлди. Муҳаммадшоҳ қўй сўйишни буюрди. Илёс қўйни сўйиб, ичак-чавоқлардан тозалагач, гўштини пишириб, меҳмонларга тортди. Меҳмонлар гўштини тушириб, чойхўрлик қилишгач, қимизга ўтишиди. Меҳмонлар мезбон билан пар ёстиқларга ёнбошлиганича косада қимиз ичиб, гурунглашиб ўтиришганда

Илёс иш билан куймаланиб эшик олдидан ўтиб қолади. Муҳаммадшоҳ унга қўзи тушиб, меҳмонга гап қотади:

— Эшикнинг олдидан ўтган ана у чолни қўрдингми?

— Қўрдим,— дейди меҳмон,— хўш, нима бўпти?

— Унинг олдига тушадиган бой йўқ эди, исми Илёс, балки эшигандирсан?

— Эшиганданда қандоқ — деди меҳмон, — кўришга кўрмаганману аммо довруғи ҳар ёққа тарқалган.

— Мана энди ана шу одамнинг ҳеч вақоси қолмаган, менинида хизмат қиляпти, кампири ҳам ўзи билан бирга бияларни соғиб юрибди.

Меҳмон ҳайрат билан тилини чиқиллатиб, бошини чайқади ва деди:

— Омад дегани ҳам чархпалакка ўхшаркан-да, кимнидир юқорига кўтарса, кимнидир пастга туширади. Хўш, боёқинч чол сиқилиб, эзилса керак?

— Ким билади, тинчгина яшаб юрибди, яхши ишлайди.

— У билан бир гаплашиб кўрсак бўлармикин? Кўрган-кечиргандарини сўрардик,— деди меҳмон.

— Жудаям бўлади-да!— деб жавоб берди мезбон ва ҳужрага қараб қичқириди.— Бобой, буёққа келиб қимиз ичгин, кампирингни ҳам чақир.

Илёс хотини билан ичкарига кирди. Меҳмону мезбонлар билан салом-алик қилиб, юэига фотиҳа тортди ва эшикнинг олдидаги тиззалаб ўтириди; хотини эса дарпарда ортига ўтиб, беканинг ёнига жойлашди.

Илёсга косада қимиз тутишиди. У қуллуқ қилиб, озина ҳўплаган бўлди-ю, косани жойига қўйди.

— Хўш, бобой,— деда гап қотди меҳмон,— олдинги давру давронингни эслаб дикқат бўлмайсанми дейман, омаднинг гашти қандоғ эди-ю, эндиғи ғуссали турмушингда қандоғ тирикчилик қиляпсан?

Илёс истеҳзо билан кулимсираб, шундай деди:

— Омаду омадсизлик ҳақида гапирадиган бўлсан барибиришонмайсан, яххиси хотинимдан сўраб кўргин; у хотин киши — дилидаги тилида бўлади: у сенга гапнинг пўскалласини айтади.

Шунда меҳмон дарпарда ортига қараб гапириди:

— Хўш, кампиршо, қани ўзинг айт-чи, олдинги омад билан ҳозирги ноҳуш кунларингизни қандай баҳолайсан?

Кампир дарпарда ортидан шундай жавоб қилди:

— Мен шундай дейман: чолим билан дориломон кунлар илинжида эллик йил рўзғор қилиб, рўшнонлик кўр-

мадик, мана энди икки йилдирки, ҳеч вақомиз қолмагач, хизматкорликка ёлланиб, ўша дориломон кунларга етишдик ва бизга бундан бошқаси керак эмас.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ҳайрон қолиши, кампирни бир кўриб қўйиш учун мезбон ҳатто ўрнидан қўзголиб, дарпардани сурди. Кампиршо бўлса қўлларини қовуштирганча кулимсираб чолига қараб турар, чолнинг ҳам димоги чоғ эди. Кампир яна қўшиб қўйди:

— Улай агар, тўғрисини айтяпман: бадавлатлиги-мизда эллик йил рўшнолик қидириб тополмагандик, ҳеч вақомиз қолмагач, одамларга қўшилиб яшай бошлидигу рўшнолик топдик, бизга энди бундан ортиқ ҳеч нарса керак эмас.

— Энди рўшнолик топдик деганингиз нимаси?

— Бу гапнинг маъноси шуки, бой-бадавлатлигимизда чолу кампир иккимизнинг турмушимиз ҳаловатсиз эди: на мундоқ ўтириб гаплашишга, на охиратни ўйлаб, яратганинг ҳақига дуо қилмоққа фурсатимиз йўқ эди. Бошимиздаги сон-саноқсиз ташвишларни айтмайсизми? Меҳмон келганда эса нима билан сийлаб, қандай совға қилсак кўнглини оларкинмиз дея жонимиз ҳалак бўларди. Меҳмонлар жўнаб кетиши билан хизматкорлардан кўз-кулоқ бўлиб туришга тўғри келади, уларга қолса камроқ жонини койитиб каттароқ еса бўлди, биз эсак мол-мулкнинг дардидаги яна ўз ёғимизга қовриламиз. Бўри қулун ёки бузоқни бўғизлаб кетмасин, ўғрилар уюри ҳайдаб кетмасин дея еганимиз ичимишга татимайди. Бошинг ёстиққа текканда ҳам қўйлар қўзичоқларни тепаламадимикин дея мижжа қоқмайсан. Ярим кечак бўлса ҳам бориб қараб келмасанг кўнглинг тинчмайди, энди хотиржам бўлдимов деганингда қишига ём-харакат ташвишини ўйлайсан. Э нимасини айтай, чолим тушмагур билан муросамиз ҳам тузук эмасди. У ундоқ деса — мен бундоқ дердим, оқибат ғиди-биди қилишиб, гуноҳга ботардик. Шундай қилиб бoshimiz tашвишдан, ўзимиз гуноҳдан қутулолмас, рўшнолик нималигини кўрмас эдик.

— Энди-чи?

— Энди чолу кампир юрсак, турсак биргамиз, бирга меҳру муҳаббатдан, тотувликдан гаплашамиз, ортиқча ташвишимиш йўқ, яхшилаб хўжайнинг хизмат қилсак бўлди. Баҳоли қудрат, кўнгилдан чиқариб ишлаймиз, ишқилиб хўжайн фойда кўрса кўрсинки зиён кўрмасин деймиз. Ейиш-ичишдан камчилигимиз йўқ. Совқотсак ёпинчигимиз бор. Мана энди кўнгилдан дардлашиб, охи-

ратни ўйлашга ҳам, худованди каримга сифинишга ҳам фурсатимиз бор. Эллик йил рўшнолик қидира-қидира энди топдик.

Меҳмонлар кулиб қўйиши.

Илёс бўлса шундай гап қотди:

— Кулмайглар, оғайнилар, одамзоднинг умри ҳазил гап эмас. Мол-дувёдай ажралганимизда кампирим билан аҳмоқлик қилиб йиғлагандик, мана энди олло-таоло кўзимизни очди, биғ эсак кўнгилни бушатиш учун эмас, сизларга яхшилик тилаб дардимизни очдик.

Мулла ҳам шундай қўшимча қилди:

— Буларнинг айтганлари кўп ибратомуздур, Илёснинг гаплари айни ҳақиқат, бу ҳақда табаррук китобатларда ҳам ёзилгандур.

Меҳмонлар энди кулишдан тўхтаб, ўйлаб қолдилар.

## АЭРОНАВТ ҲИҚОЯСИ

Одамлар менинг парвозимни томоша қилиш учун тўпланиши. Шар тайёр эди. У тўрт томондан арқонга боғлоқлиқ ҳолида ўйноқлаб кўкка интилар, гоҳ бужмаяр, гоҳ яна шишиб кетар эди. Мен яқинларим билан хайрхўшлашиб, шар қайиқласига ўтиредим, нарсаларим жойидамикин дея бир қараб қўйгач, «қўйвор!» деб хитоб қилдим. Арқонларни кесиб ташлашди ва шар тепага ўрлади, олдинига арқонини узиб, атрофига аланглаган той мисол оҳиста кўтарила бошлади, ногоҳ шундай шиддат билан юксакка тортилди, қайиқча титраб-тебраниб кетди. Пастдагилар чапак чалишар, бақириб-чақириб, рўмол, шляпаларни силкитишиб эди. Мен уларга шляпами силкидим ва уни қайта кийиб улгурмасимдан шу қадар баланд кўтарилиб кетдимки, одамларни аранг фарқлар эдим. Олдинига мени ваҳима босди, аъзойи баданим музлаб кетди: аммо кейин кўнглим қувончга тўлиб кетди, қўрқув ҳам ёдимдан кўтарилди. Шаҳар шовқини элас-элас қулоғимга чалинарди. Пастдаги одамлар аслари мисол ғувиллашарди. Шаҳар кўчалари, уйлар, дарёлар, боғ-роғлар худди суратга чизилгандек кўринарди. Юксакда шу қадар руҳим енгил эдики, ўзимни бутун шаҳар ва одамлар устидан подшоҳдай ҳис этардим. Шиддат билан тепага кўтарилардим: қайиқчанинг арқонлари силкинар, бир гал шамолга йўлишиб, қайиқчада икки бор юмаланиб кетдим; кейин яна учуб боряпманни ёки бир жойда турибманни — англаб бўлмай қол-

ди. Юксакка парвоз қилиб кетаётганимни пастида шашар манзараларининг тобора кичрайиб бораётганидан пайқардим. Пастилкаги ер борган сайин ўсиб, кенгайгандан кенгайиб кетаверди, ногоҳ унинг косачага айланниб қолганини сездим. Қосачанинг қирғоғи қабариқ, тубида шашар жойлашганди. Қувончим қўксимга сиғмасди. Севинчим тошиб, енгил нафас олар, қўшиқ айтгим келар эди. Куйлаб юбордим, аммо овозим шу қадар заиф эдики, ҳайрон қолиб, ўз товушимдан ўзим қўрқиб кетдим.

Қуёш ҳамон юксакда эди, аммо уфқда булутлар тўдалаша бошлади ва у ногоҳ қуёшни тўсиб қўйди. Мени яна ваҳима босди ва нима биландир ўзимни чалғитмоқчи бўлиб, барометрни олдим, унга қараб, аллақачон тўрт чақирик кўтарилиганимни билдим. Барометрни жойига қўяётганимда ёнимда нимадир потирлаб кетди ва мен кабутарни кўриб қолдим. Кабутарни мактуб билан пастига юбориш учун бирга олганимни эсладим. Мен соғ-омон эканимни, тўрт чақирик тепаликда учиб бораётганимни қофозга битиб, кабутарнинг бўйнига қистириб қўйдим. Кабутар қайиқча қирғоғида ўтирганча қизғиши кўзларини менга тикиб туради. Чамаси, у мендан ажралшини истамасди. Ҳаво айнингдан бўён пастилкда ҳеч нима қўринмасди. Аммо кабутарни пастига юборишдан бошқа илож ӣўқ эди. Жониворни қўлимга олганимда титраб-қалтираб кетди. Мен уни пастига ташладим. Кабутар қанотларини: тез-тез силкитганча ёнбошлаб, тошдек пастига учиб кетди. Мен барометрга қарадим. Энди ердан беш чақирик тепада эдим ва ҳаво етишмаганидан тез-тез нафас ола бошладим. Мен газни чиқариб, пастилаш учун арқонни тордим, аммо дармоним қуриганигами ёки бирон-бир ишқал чиқдими — клапан очилмади. Қўрқанимдан гангигиб қолдим. Кўтарилаётганим сезилмас, ҳеч нима қилт этмас, нафас олишим эса тобора оғирлашиб борар эди. «Агар шарни тўхтатиб қолмасам, у ёрилиб кетади ва мен ҳам тамом бўламан», — деб ўйлардим. Кўтарилиб бораётганимни ёки бир жойда турганимни билиш учун қайиқдан ташқарига қоғоз ташладим. Қоғозлар худди тошдек пастига учиб кетди. Демак, мен худди ўқдек юксакка учиб кетаётган эканман. Жон-жаҳдим билан арқонга ёпишиб, тордим. Худога шукрки, клапан очилиб, нимадир хуштак чалғандек бўлди. Мен яна қоғоз ташладим, — қоғозлар атроғимда ўйноқлаб, тепага кўтарилиди. Демак, пастилаётган эканман. Пастида ҳалим ҳеч нарса қўринмас, фақат денгиз устини қоплагандай туманлик ясланиб ётарди. Туманлик устига туша

бошладим: бу булутлар эди. Кейин шамол эсиб, мени қаёққадир сурисиб кетди, кўп ўтмай қуёш қўринди ва мен яна пастида косача шаклидаги ерни кўрдим. Аммо ҳали шаҳримиз қўринмас, қандайдир ўрмонлар ва иккита ҳаворанг чизиқ — дарё қўзга ташланарди. Яна қўнглим қувончга тўлди ва энди пастига тушгим келмай қолди; ногоҳ ёнимда қандайдир бир шарпа — шовқин қулоғимга чалинди ва мен бургутни кўриб қолдим.

Бургут менга ҳайрат билан қараганча қанотларида муаллақ туриб қолди. Мен эсам тошдек пастига учиб борардим. Бир оз секинлаш учун посанги юкларни ташлай бошладим.

Кўп ўтмай далалар, ўрмон ва қишлоқлар, маконига қайтаётган подалар кўринди. Одамларнинг шовқин-суронини ва подаларнинг овозини эшигдим. Мен қичқириб, уларга арқон ташладим. Одамлар югуриб келишди. Бир болакайнинг ҳаммадан олдин арқонни ушлаб олганини кўрдим. Бошқалар ҳам арқонни ушлаб, дараҳтга боғлашди ва мен пастига тушдим. Мен бор-йўғи уч соат учдим, холос. Бу қишлоқ шаҳримдан 250 чақирим олисда эди.

## СИГИР ВА ЭЧКИ

Бир кампирнинг сигири билан эчкиси бор экан. Сигир билан эчки бирга подага боришаркан. Сигир соғилаётгандан тинимсиз типирчилайвераркан. Кампир нон-туз олиб чиқиб, сигирга тутаркан: «Ҳўш, хўш, олақол, жонивор, яна олиб келаман, фақат жим турсанг бўлди», дер экан.

Эртаси куни эчки сигирдан олдин уйга қайтибди ва кампирнинг олдида оёқларини кериб, тураверибди. Кампир сочиқ билан ҳайдаса ҳам эчки қимирламас эмиш. У, кампир сигирга жим турсанг нон бераман деганини эслаб қолганди. Кампир эчкининг ўжарлигини кўриб, таёқни олибди-да, яхшилаб калтаклабди.

Эчки нари кетгач, кампир яна сигирни нон билан сийлаб, эркалай бошлабди.

«Одамларда инсоф деган нарса йўқ! — деб ўйлабди эчки. — Мен сигирдан ҳам ювошроқ туриб бердиму қолмишига яна калтак ҳам едим.»

Эчки четга чиқиб, узоқроқдан югуриб келибди ва сутли идишни сузиб, сутни тўкиб юборибди, кампирнинг ўзини эса майиб қилибди.

## ШАЙТОННИНГ ДЕҲҚОННИ ЙУЛДАН ОЗДИРГАНИ

Бир камбағал деҳқон нонушта қилмай, бир бўлашонни қўлтиқлаб ер ҳайдагани жўнади. Омочни тўғрилади, молани ажратиб, панага қўйди, нонни ҳам чак монига ўраб, ўша ерга беркитди. Отнинг силласи қуриди, деҳқоннинг қорни очди. Деҳқон омочни ерга санчиб, отни ўтлоқда бўшатди ва ўзи тамадди қилиш учун чак мон тўрган жойга борди. Чакмонни кўтариб қарайдики нон йўқ; чакмонни ағдариб, силкитиб роса қидиради нон топилмайди. Деҳқон ҳайрон бўлади. «Ё алҳазар,— деб ўйлайди деҳқон,— ҳеч ким йўқ эди, аммо кимдир нонни кўтариб кетибди».

Деҳқон ер ҳайдоётганда шайтонча нонни кўтариб кетган ва панада ўтириб, деҳқоннинг сўкинишини, шайтонни қандай сўзлар билан «сийлаш» или эшиитмоқчи эди.

Деҳқон ўзича ҳасрат қилади.

— Ҳай майли,—деди у,—очдан ўлиб қолмасман! Керак бўлгандирки, олиб кетишган. Ош бўлсин!

Деҳқон қудуққа бориб, сув ичди, дам олди, отни тутиб, жабдуғини бўйнига илди ва яна ер ҳайдашга тушди.

Шайтонча деҳқонни йўлдан оздиролмаганини кўриб афсусланди ва воқеани айтиш учун катта шайтоннинг хузурига борди. У катта шайтонга қандай қилиб деҳқоннинг нонини олиб қўйгани, деҳқон эса боллаб сўкиниш ўрнига: «Ош бўлсин!» деганини айтди. Катта шайтоннинг жаҳли чиқди.

— Бу ишда деҳқонки сендан ғолиб чиққан экан, ўзинг айборсан; эплолмагансан. Агар деҳқонлар, уларнинг ортидан хотин-халажлар бунақа қилигини ташламас экан, яшишимизнинг ҳожати қолмайди. Бу ишни бундай қолдириб бўлмайди! Бор, деҳқоннинг олдига жўна, ўша олган нонингни оқла! Агар уч йиллик муҳлатда деҳқондан ғолиб келмасанг, сени муқаддас сувда чўмилтирганим бўлсин!

Шайтонча қўрқиб кетди, айбимни қандоқ қилиб ювсам экан, деб бош қотира бошлади. Ўйлай-ўйлай ахидири ўйлини топди. Шайтонча яхши бир одам қиёфасига кириб, деҳқоннинг хизматига кирди. У деҳқонга қурғоқчилик йилининг ёзида ботқоқликка буғдой экишини ўргатди. Деҳқон хизматкорнинг гапига кириб, ботқоқликка буғдой экди. Бошқа деҳқонларнинг экини жазира мада қовжираб кетди, камбағал деҳқоннинг еридан эса

қалин, бўлиқ ва сербошоқ буғдой туркираб чиқди. Фалласи янги ҳосилгача етиб, яна анчаси ортиб ҳам қолди. Ёзда хизматкор деҳқонни тоққа буғдой экишини ўргатди. Ёз серёғин келди. Бошқа одамларнинг экини ийқилиб, пайхон бўлди, ёлчиб ҳосил ҳам бермади, деҳқоннинг ғалласи эса шифил-шифил ҳосил берди. Деҳқоннинг ортиқча ғалласи яна кўпайди. Бу бойликни нима қиласини билмай боши қотди.

Энди хизматкор деҳқонга ғалладан ичимлик тайёрлашни ўргатди. Деҳқон ичимлик тайёрлаб, ича бошлиди ва бошқаларни ҳам сийлашга тушди. Шайтонча катта шайтоннинг олдига борди ва нонни оқлаганини айтиб, мақтанди. Катта шайтон воқеани ўз кўзи билан кўриш учун келди.

Келиб қарайдики, деҳқон бой-бадавлатларни тўплаб, ичимлик билан меҳмон қиляпти. Уй бекаси хизматда. У энди даврани айланиб ўтаётган эди, кийими столга илиниб, стаканин тўкиб юборди. Деҳқон жаҳли чиқиб, хотинини сўқди.

— Эҳ аҳмоқ шайтон! Бу сенга ювинди эмас, маймоқ, шундай табаррук нарсани увол қилиб ўтирибсан-а!

Шайтонча катта шайтонни тирсаги билан туртиб қўйди: «Парча нонни қизғонмаслигини энди кўриб қўй!»

Хотинини сўқа-сўқа энди хўжайнинг ўзи хизмат қила бошлади. Чақирилмаган бир камбағал деҳқон ишдан келди, саломлашиб, ўтири, қарайдики ҳамма ичяпти, у ҳам ичкилик билан ҳордигини ёзмоқчи бўлди. Сўлагини юта-юта ўтираверди, аммо хўжайн уни сийламади, ўзича: «Ҳамманга мусалласни қаёқдан етказаман!» деб минирлаб қўйди.

Бу ҳам катта шайтонга ёқиб тушди. Шайтонча эса: «Шошма, ҳали бундан ҳам зўрини кўрасан», деб мақтаниб қўйди.

Бой деҳқонлар ичкиликка берилдилар, хўжайн ҳам қатордан қолмади. Улар ўзаро оғиз-бурун ўпишиб, бир-бирларини оғизларидан бол томиб мақтай бошладилар.

Катта шайтон бу гапларни жон қулоги билан тинглаб, мамнун бўлди. «Агар улар мана шу ичкиликданки шунақа тулкилик қилиб, бир-бирини алдай бошлашдими, ҳали ҳаммасини қўлимизда қўғирчоқ қилиб ўйнатамиз». «Шошмай тур ҳали,— деди шайтонча,— яна биттадан стакан ичганда кўрасан томошани. Энди улар худди тулкидай бир-бирининг олдига думини ликилла-

тишади, дайла-найрангга ўтишиб, ёвуз бўрига айланашди».

Деҳқонлар яна бир стакандан отишгач, шанғиллаб гапира бошладилар. Бояги хушомад гаплар ўрнига энди сўқинишга тушдилар, бир-бирига зуғум қилиб, ёқалашмоққа тутиндилар. Тўполонга хўжайин ҳам аралашувди, боплаб таъзирини беришиди.

Буни кўриб турган катта шайтон янада мамнун бўлди.

— Айни муддао!— деди у.

Шайтонча бўлса шундай гап қотди: «Ҳали шошмай тур, бундан баттар бўлади! Учинчисини ичганда кўрасан! Ҳозир улар бўридай ғажиҳяпти, учинчисини отганда нақ чўчқанинг ўзи бўлади-қолади».

Деҳқонлар учинчи стакани бўшатдилар. Биратўла бўларича бўлдилар. Бир-бирига қулоқ солмай, гал бермай оғизга келганини қайтармай бақириб-чақира кетдилар. Дуч келган томонга тарқай бошладилар — кимдир якка-ёлғиз, яна бошқаси иккита, учтадан бўлиб кўчада юмалаб қолишиди. Меҳмонларни кузатгани чиқсан хўжайин нақ тумшуғи билан балчиққа қулаб, ҳамма ёғини расво қилди ва худди чўчқадек пишқириб ётаверди.

Катта шайтоннинг янада димоги чоғ бўлди.

— Запичимликни ўйлаб толибсан-да,— деди у.— Қани менга айт-чи, бу ичимликни қандай тайёрладинг? Ҳойнахой сен унга энг аввал тулкининг қонидан қўшгандирсан; деҳқоннинг тулкидай айёр бўлиб қолгани бежиз эмас. Кейин бўрининг қонидан қўшгансан: бўридай жангари бўлгани шундан. Энг охирида сен ҳойнаҳой чўчқанинг қонидан ҳам аралаштиргансан; ўзиям чўчқага айланаб қолди-ку!

— Йўқ,— дея жавоб қилди шайтонча,— мен бундай қилмадим. Мен бор-йўғи унга ортиқча ғалла ҳадя қилдим, холос. Бунақа ҳайвоний жазава ҳамиша унинг қонида бор, фақат меҳнат билан, қорнига яраша нон топганида унга йўл йўқ. Ӯшанда у сўнгги парча нонини ҳам аямаганди, ортиқча нони тўплана бошлиши билан ўзига эрмак топиш пайига тушиб қолди. Мен уни ана шундай эрмакка — шаробга ўргатдим. Худованди каримнинг инъомини бир эрмак йўлида совуриши ҳамон ундини ўша тулки, бўри ва чўчқа қони фимирлаб, қўзғолди. Энди оғзи ичкиликка тегиши ҳамон ҳайвонга айланаверади.

## ИККИ ОТ

Шайтон шайтончани мақтаб қўйди, бир парча нон туфайли қилган гуноҳини кечирди ва қўл остида бошлиқ қилиб қолдирди.

Икки от кетма-кет икки юкни тортиб борарди. Олдинги от юкини дадил тортар, орқасидаги тайсаллаб, тўхтаб-тўхтаб қоларди. Орқадаги отнинг юкидан олдиндаги отнинг юкига қўшиб юклашди, ҳамма юкни ортиб бўлишгач, орқадаги от илдам йўрғалаб кетди ва шеригига гап қотди:

«Энди терга ботиб кучанавер. Қанча кўп жон куйдирсанг, шунча кўп қийнашади».

Қарвонсаройга етиб келишгач, хўжайин шундай деди:

«Иккита от боқсаму биттасида юк ташиб нима зарил менга, яхшиси биттасини яхшилаб боқаман-да, наригисини сўйвораман, ҳеч бўлмаса териси бирон коримга яраб қолар».

Хўжайин худди шундай қилди.

## ФАРОЙИБ ДОН

Болалар жарлик ёнидаги йўлдан катталиги тухумдек келадиган ғалати бир нарсани топиб олиши. Қўчадан ўтиб кетаётган йўловчи буни кўриб, бир мирига сотиб олди ва шаҳарга элтиб, подшога ноёб нарса сифатида пуллади.

Подшо доноларни йиғиб, бу нарса тухумми ёки ғаллами — аниқлашга фармон берди. Донолар уввало бош қотиришса ҳам жавоб топишолмади. Ҳалиги нарса дебразада ётган эди, товуқ кириб қолди ва уни чўқилаб, тешиб қўйди: ҳамма у нарсанинг ғалла эканлигини кўрди. Донолар подшо ҳузурига бориб: «Бу жавдар дони экан», дейишиди.

Подшо ҳайратланди. Доноларга бу доннинг қачон, қаерда дунёга келганини билинглар деб амр қилди. Донолар роса бош қотиришиди, китобларни титкилаб кўришиди — жўяли жавоб топишолмади. Подшо ҳузурига келиб, шундай дейишиди:

— Жавоб тополмадик. Китобларимизда бу ҳақда ҳеч нима битилмаган экан: деҳқонлардан сўраб кўриш керак, қариялардан биронтаси бунақа ғаллани қачон, қаерда экишганини эшишишмаганмикин?

Подшо одам юбориб, ҳузуримга қари дәхқонни олиб келинглар деб буюрди. Қарияни топиб, подшонинг қароргоҳига олиб келдилар. Қарип-қартайган, тишлари тўкилиб адо бўлган чол аранг икки таёққа суяниб кириб келди.

Подшо унга донни кўрсатувди, қария илғай олмади; аранг ярмини кўрган бўлди, ярмини пайпаслаб билди.

Подшо сўроқлай бошлади:

— Бобой, мабодо сен бунақа ғалла қаерда унганини билмайсанми? Ўзинг томорқангда шунақа дон сепмаганмидинг? Ёки ўзинг бирон жойда шунақа ғалла сотиб олмаганмидинг?

Чолнинг қулоғи оғир эди, аранг эшишиб, аранг тушунди. Жавоб бермоққа тутиндиди.

— Йўқ,— деди у,— умримда бунақа ғалла экмаганман, мазасини ҳам тотмаганман, сотиб ҳам олмаганман. Ғалла сотиб олганимизда дони худди ҳозиргидақа майдада бўларди. Дарвоҷе, буни отамдан сўраб кўриш керак; эҳтимол у бунақа ғалла қаерда яралганини билар.

Подшо чолнинг отасини топиб, ҳузурига келтиришни буюради. Уни топиб, шодшо ҳузурига келтиришди. Битта таёққа суянган қари чол кириб келди. Подшо унга ғаллани кўрсатди. Чол ҳали кўздан қолмаган, донни яхши кўрар эди. Подшо уни сўроқлай бошлади:

— Мабодо сен мана бу ғалла қаерда яралганини билмайсанми, бобой? Ўзинг томорқангда экмаганмисан? Ёки сотиб олмаганмисан?

Чол бу гапларни ўғлидан ҳам яхшироқ эшишиб.

— Йўқ,— деди у,— умримда бунақа ғаллани экмаганман, таъмини ҳам тотмаганман. Сотиб ҳам олмаганман, чунки бизнинг замонамизда пул деган нарса ҳали урф бўлмаганди. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортар, кимга етишмай қолса топганини баҳам кўришарди. Бунақа ғалла қаерда бино бўлганини билмайман. Бизнинг ғалламиз ҳозирги донлардан йирикроқ ва бўлиқроқ эди, аммо бунақасини кўрмаганман. Отамнинг айтишича, унинг замонида ғалла ҳозиригига қараганда бўлиқроқ, янчими ҳам мўлроқ бўларкан. Отамнинг ўзидан сўраш керак.

Подшо чолнинг отасига чопар юборди. Бобойни топиб, қароргоҳга келтиришди. Қария таёқсиз юриб келди, қадам олиши енгил, кўзлари ёрқин, қулоғи яхши эшитар, сўзлари ҳам бурро эди. Подшо чолга донни кўрсатди. Қария донни айлантириб томоша қилди.

— Анчадан буён қадими ғаллани кўрмаган эдим,— деди чол.

У донни тишлаб, таъмини тутган бўлди.

— Худди ўзи,— деди у.

— Қани менга айт-чи, отахон, бунақа ғалла қаерда бино бўлган? Томорқангда шунақа донни экмаганмидинг? Ёки одамлардан сотиб олмаганмисан?

Қария шундай жавоб қилди:

— Бизнинг замонамизда бунақа ғалла ҳамма ерда униб-ӯсади. Шунақа ғалла билан бир умр тириклик қилиб, одамларни боққанман.

Подшо яна сўради:

— Мана энди айт-чи, бобой, бунақа ғаллани сотиб олганимидинг ёки ўзинг томорқангда етиштирганмидинг?

Чол кулимсираб қўйди.

— Бизнинг замонамизда биронта мўмин бандада нон олди-соттисини хаёлига келтирмасди. Пулнинг нималигини билишмасди: ҳамманинг нони бутун, қорни тўқ эди. Ўзим ҳам худди шунақа ғалла экиб, янчганман, ҳосилини олганман.

Подшо сўроқлади:

— Қани айт-чи, отахон, бунақа ғаллани қаерда экувдинг, томорқанг қайси томонда эди?

— Худонинг буюрган ери менинг томорқам эди. Шудгор қилган еримда экин-тикин қилаверардим. Сеники— менини деган гап йўқ эди. Ўзимники деганда фақат ўз меҳнатимизни тушунардик.

— Унда менга мана бу икки жумбоқни тушунтириб берсанг,— деди подшо.— Нега илгари шунақа ғалла бино бўлгану энди уруғи қуриб кетди. Иккинчи жумбоқ— нега неваранг иккита таёқда, ўғлинг битта таёқда, ўзинг эса шундоққина енгил — чаққон кириб келдинг; кўзларинг ёрқин, тишларинг ҳалиям мустаҳкам, тилларинг бурро ва хушмуомала? Мана шу иккала жумбоқни менга тушунтириб берсанг, отахон?

Қария шундай жавоб берди:

— Бу икки жумбоқнинг асосий сабаби шундаки, одамлар ҳалол меҳнат билан тириклик қилишдан бўйин товлай бошладилар, бировнинг мулкига кўз олайтиришга тутиндишарди. Илгари тириклик бўлакча эди: илгари охиратни ўйлашарди; борига қаноат қилиб, бировникига кўз олайтиришмасди.

## ТАНГРИНИНГ АМРИ ВОЖИБ

Қадим ўтган замонда олийҳиммат бир хўжайин яшаган экан. Қўл остидаги хизматкорларининг ҳад-ҳисоби йўқ экан. Хизматкорлар хўжайниндан мамнун экан. Улар хўжайнинларини алқаб, шундай дейишаркан: «Бу ёруғ дунёда бизнинг хўжайниндан яхшироғи топилмайди. У бизни яхши едириб, кийинтиради, ёмон гапириб кўнглимизни оғритмайди, ҳеч кимга зуфум қилмайди; айрим хўжайнинларга ўхшаб хизматкорларини ҳайвондан баттар қийнамайди, ҳуда-бехудага койимайди, ширин сўзини дариф тутмайди. Хўжайнинимиз ҳамиша бизга яхшилик тилайди, яхшилик қилиб, яхши гапиради. Бундан бўлакча тирикчиликнинг бизга кераги ҳам йўқ.»

Хизматкорлар ўз хўжайнинларини ана шундай мақташарди. Уларнинг шундай яхши яшашаётганини кўрган шайтоннинг ҳасади келди. У хўжайниннинг Алеб деган хизматкорини ўзига ағдариб олди. Кейин уни бошқа хизматкорларни йўлдан уришга буюрди. Хизматкорлар ҳордиқ маҳали хўжайнинларини мақташаётганда Алеб овозини кўтариб, шундай гап қотар эди:

— Хўжайнин беҳуда мақтаяпсизлар, оғайнилар. Агар кўнглини топсанг шайтон ҳам инсофга келиб қолади. Биз хўжайнинизга сидқидилдан хизмат қиляпмиз, ҳамиша кўнглини топяпмиз. Биз унинг хаёлидан ўтган нарсани ҳам олдидан пайқаб, ҳозиру нозир қилиб қўянимиз. Шундай экан, бизга мурувват қилмай иложи ҳам йўқ-да! Унинг кўнглига қарамай дилини оғритиб қўйинг-чи, шунда у ҳам худди бошқалар каби, ҳатто улардан ҳам ўтказиб ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаради.

Шу тариқа хизматкорлар Алеб билан тортиша кетдилар. Тортиша-тортиша ахийри гаров боғладилар. Алеб олийҳиммат хўжайниннинг жаҳлини чиқаришга аҳд қилди. Гаров шартига кўра, хўжайниннинг жаҳлини чиқаролмаса, байрам сарполаридан воз кечадиган бўлди, мабодо жаҳлини чиқарса, ҳар бир хизматкор байрам сарполарини унга бериши, бундан ташқари, хўжайн уни кишанласа ёки зинданга ташласа, озод қилишлари лозим эди. Гаров боғлаб, қўл ташлашди, Алеб эртасига хўжайниннинг жаҳлини чиқаришга сўз берди.

Алеб хўжайниннинг қўйхонасида хизмат қилас, зотдор қўйлардан кўз-қулоқ бўлиб юрар эди. Тонг саҳарда олийҳиммат хўжайнин меҳмонлари билан қўйхонага ташриф буюриб, ўзи ёқтирадиган қимматли қўйларни уларга

кўрсата бошлагандага шайтонга сотилган хизматкор оғайниларига кўз қисиб шипшиди:

— Мана ҳозир кўрасизлар, хўжайниннинг қандай жаҳли чиққанини.

Жамики хизматкорлар тўпланиб, девор ва қўрадан томоша қила бошладилар, шайтон эса дараҳтга чиқволовиб, оғдириб олган хизматкори қандай каромат кўрсатишини кузатишига чоғланди. Хўжайнин ҳовлини айланаб, меҳмонларга қўй ва қўзичоқларини кўрсатаркан, энг зўр қўйини кўз-кўзлагиси келди.

— Бошқа қўйларим ҳам чакки эмас,— деди у.— Аммо ана бу шоҳдор қўйининг баҳоси йўқ, уни кўз қорачигимдай асрайман.

Одамлардан ҳуркиб турган қўй-қўзичоқлар ҳовлида ӯзларини у ёқ-бу ёққа урап, меҳмонлар ҳалиги бебаҳо қўйки илғай олишмасди. Қўй тўхташи ҳамон шайтон малайи бўлган хизматкор усталик билан уни чўчитиб юборар, шунда яна ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетар эди. Меҳмонлар эса бебаҳо қўйни ажратолмай қолишарди. Бундан хўжайниннинг энсаси қотди.

— Алеб, барака топгур, энг зўр қўйни тутиб, ушлаб тургин,— деди хўжайнин.

Хўжайнин шу гапни айтиши билан Алеб ҳайвонлар тўдасига арслондек ташланди ва шоҳдор қўйни жунидан тутиб қолди. Тутди-ю, шу заҳоти иккинчи қўли билан чап оёғидан ушлаб, хўжайниннинг қўз олдида юқорига қайирган эди, оёғи худди қўл саватдек қарсиллаб синиб кетди. Алеб бебаҳо қўй оёғининг тиззадан пастини синдирганди. Жонивор жон аччиғида маъраб, тиззалаб қолди. Шунда Алеб ўнг оёғидан ушлаб тортувди, чап оёғи қайрилиб, худди новдадек осилиб тушди. Меҳмонлар ва жамики хизматкорлар оҳ деб юборишиди, малайнинг уддабуронлигини кўрган шайтон эса суюниб қўйди. Хўжайниннинг эса афт-ангри ўзгариб, қовоғи осилди, боши ҳам бўлди, аммо ҳеч нима демади. Меҳмонлар ва хизматкорлар ҳам жим эди... Ҳамма нима бўлишини кутиб турарди. Хўжайнин ҳам жимиб қолди, сўнг худди устидан бир нимани улоқтироқчи бўлгандек бир силкиниб, бош кўтарди ва осмонга тикилиб тураверди. Қўптиклимади, юзидаги ажинлар тарқаб, кулимсиради. Алебга қараб, шундай деди.

— Эҳ Алеб, Алеб! Хўжайниннинг сенга жаҳлимни чиқаришни буюриби. Аммо менинг хўжайнин сенинидан қудратлироқ-да; сен жаҳлимни чиқаролмадинг, энди мана мен хўжайниннинг жаҳлини чиқараман. Сени

жазолашимдан қўрқувдинг ва яна озод бўлишни истаган эдинг. Билиб қўй, Алеб, сени жазолаб ўтирумайман, озод бўлмоқни истагандинг, мана, меҳмонларниаг кўз олдида сени озодликка чиқараман. Тўрт томонинг қибла, байрам сармоларингни олиб, кетишинг мумкин.

Шундай дея олийҳиммат хўжайин меҳмонлари билан уйига қайтади. Шайтон эса тишларини ғижирлатганча дарахтдан қулаг тушади ва ер қаърига кириб, гумдон бўлади.

## ҚИЗАЛОҚЛАР ЧОЛЛАРДАН АҚЛЛИРОҚ

Илк пасха байрами кунлари эди. Эндиғина чанги учишни бас қилишганди. Ҳовлиларда ҳали қор кетмаган, қишлоқларда жилғалар ўйноқлади. Икки ҳовли ўртасидаги тор кўчада гўнг остидан каттагина ҳалқоб оқарди. Ана шу ҳалқоб ёнида турли ҳовлидан келган, биттаси кичикроқ, иккинчиси каттароқ икки қизалоқ учрашди. Иккаласининг ҳам ойиси янгигина сарафан кийдириб, ясантириб қўйганди. Кичигиники ҳаворанг, каттасиники жигарранг бўлиб, гуллари хашамдор эди. Иккови ҳам қизил рўмол ўраб олганди. Қизалоқлар ибодатдан сўнг ҳалқоб бўйига келишид ва бир-бирига киймларини кўрсатиб, ўйинга берилдилар. Уларнинг сув сачратиб, ўйноқлагиси келиб қолди. Кичкинаси бошмоғи билан сувга тушувди, каттаси шундай деб гап уқтириди:

— Туша кўрма, Малаша, ойимиз уришади. Мен ечиниб олай, сен ҳам ечина қолгин.

Қизалоқлар ечиниб, сувга тушдилар ва бир-бирини қаршилаб юра бошладилар. Сув тўпигига чиққанда Малаша шундай деди:

— Чуқур экан, Акульюшка, қўрқяпман.

— Қўрқма, бу ёфи чуқур эмас. Тўғри менга қараб келавер.

Сувга туша бошладилар. Акулька шундай деди:

— Сен, Малаша, сачратмай, эҳтиёт бўлиб юргин.

Шундай дейиши ҳамон Малашка оёғи билан шалоплатиб, Акульканинг сарафанига сув сачратиб юборди. Бурни ва кўзларига ҳам тегди. Акулька сарафанидаги доғни кўриб, Малашкадан аччиғланди, койиниб, унинг таъзирини бермоқ учун қува кетди. Малашка нима иш қилганини кўриб, қўрқиб кетди. Сувдан чиқа солиб уйига қараб чопди. Акульканинг онаси шу ердан ўтиб

кетаётган эди, қизининг кийимиға сачраган доғни кўриб қолди.

— Сен ярамас қаерда булғандинг?

— Малашка жўрттага сув сачратиб юборди.

Акульканинг онаси Малашкани тутиб олиб, орқасига тушириб қолади. Малашка бутун кўчани бошига кўтариб ҳўнграшга тушади. Малашканинг онаси югуриб чиқади.

— Нега қизимни урасан?— дея қўшнисини қарғаб кетади. Гапдан гап чиқиб, хотинлар қирпичноқ бўлишади. Эркаклар ҳам қараб туришмайди, кўча оломонга тўлиб кетади. Ҳамма бараварига бақириб-чақиришга тушади, њеч ким бир-бирига қулоқ солмайди. Сўкиша-сўкиша битгаси бошқасини туртиб юборувди, муштлашиб кетаёзишиди, орага Акульканинг энаси тушади. Эркакларнинг ўртасига туриб, муросага ундейди:

— Сизларга нима бўлди, бўталарим? Шундай улувайём кунларда-я? Қувониш ўрнига гуноҳга ботиб ўтириб-сизлар.

Оломон кампирга қулоқ солишимайди, қайтангга ўзини ҳам қулатиб юборишаёзади. Мабодо Акулька билан Малашка бўлмаганда кампир уларни муросага келтиролмасди. Хотинлар бир-бири билан қарғашиб, уришаётганда Акулька сарафанини артиб-тозлаб, яна тор кўчадаги ҳалқобга чиқади. Тошчани кўтариб, кўчага сувни буриб юбориш учун ҳалқоб ёнидаги ерни қаза бошлади. У қазиётганда Малашка ёнига келади ва тараша билан каналча қилиб, ёрдам бера бошлади. Эркаклар энди ёқалашаётганда қизалоқларнинг ариқчасидан кўчага ва ундан жилғага сув оқа бошлади. Қизалоқлар сувга чўп ташлашади. Чўп тўппа-тўғри кўчага, боягина кампир эркакларни муросага ундан жойга қараб оқиб кетади. Қизалоқларнинг бири жилғанинг у ёғидан, иккинчиси бу ёғидан чопиб кетишинади.

— Ушла, Малаша, ушла!— деб қичқирарди Акулька. Малаша ҳам нимадир демоқчи бўлар, аммо кулгидан гапи қовушмасди.

Қизалоқлар жилғада шўнгиб, ўйноқлаб бораётган чўпга андармон бўлганча чопқилаб боришарди. Улар тўппа-тўғри бояги эркаклар тўдасига бориб қолишлиди. Кампир уларни кўриб, эркакларга шундай гап қотди:

— Худодан қўрқсанглар бўларди! Сиз, эркаклар, мана шу қизалоқларни деб ёқалашяпсизлар, улар эса аллақачон ҳамма нарсани унубиб, аҳил-иноқ ўйнашяпти. Сизлардан кўра ақллироқ экан!

Эркаклар қизалоқларга қараб, уялиб қолишиди. Кейин ўзлари ўзларидан кулиб, уй-үйларига тарқаб кетишиди.

«Боладай беғубор бўлмасангиз, тангри даргоҳига қабул қилмайди».

## ХИЗМАТКОР ЕМЕЛЬЯН ВА ФОВАК ДУМБИРА

Емельян хўжайнинг уйида хизматини қилиб, яшаб юради. Бир куни ўтлоқдан хизматга кетаётган эди, олдидан бақа сакраб чиқиб қолади; босиб олишига сал қолади. Емельян бақанинг устидан ҳатлаб ўтади. Ногоҳ орқадан кимдир чақираётганини эшитади. Емельян ўгирлиб қараса бир чиройли қиз турганмиш ва шундай дермиш:

— Нега сен уйланмайсан, Емельян?

— Ахир қандоқ уйланай, гўзал қиз? Бутун туриштурмушим мана шундоқ бўлса, ҳеч вақом йўқ, менга ким ҳам тегарди?

Шунда қизалоқ айтибди:

— Менга уйлана қолгин!

Қизалоқ Емельянга ёқиб қолибди.

— Жон деб уйланардимку-я, аммо қаерда яшаймиз?

— Бунинг иложи бор!— дебди қиз.— Кўпроқ ишлаб, камроқ ухласак бас— оч-юпун қолмасмиз.

— Ундай бўлса майли,— дебди.— Турмуш қурамиз. Кейин қаёққа борамиз?

— Шаҳарга борамиз.

Емельян қиз билан шаҳарга боради. Қиз уни шаҳар четидаги мўъжазгина бир уйга бошлаб боради. Улар турмуш қуриб, бирга яшай бошлишади.

Кунлардан бир кун подшо шаҳар четига кетаётган эди. Емельяннинг ҳовлиси ёнидан ўтаётганда ичкаридан Емельяннинг хотини подшони кўргани чиқиб қолади. Подшо ҳам уни кўриб, ҳайратланади: «Бунақа гўзал қайси иқлимдан пайдо бўлдийкин?» Подшо аравасини тўхтатади, Емельяннинг хотинини чақириб, сўрайди:

— Айт-чи, сен ким бўласан?

— Хизматкор Емельяннинг хотиниман.

— Нега шундай гўзал бўлатуриб хизматкорга тегдинг?— дебди.— Сен малика бўлишга лойиқсан.

— Ҳимматингиз учун қуллуқ,— деб жавоб берибди.— Менга шу хизматкорим ҳам бўлаверади.

Подшо гапини тугатиб, жўнаб, кетади. Саройга қайтиб келади. Хаёлидан Емельяннинг хотини кетмасмиш. Туни билан мижжа қоқмайди, қандай қилиб Емельяннинг хотинини тортиб олсан экан дея бош қотириб чиқади. Ўйлай-ўйлай бирон чора-тадбир ўйлаб топишни буюради. Подшо хизматкорлари ахийри шундай маслаҳат беришади:

— Емельянни саройга хизматкорликка олмоқ лозим. Биз уни иш билан кўмиб ташлаймиз, хотини бева бўлиб қолади, ана шунда уни олиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, подшо Емельянга чопар юбориб, саройда хизмат қилишни, хотини билан саройда яшашни буюриби.

Чопарлар подшонинг амрини Емельянга етказишибди. Хотини эрига дебди:

— Ҳай майли, борақол. Қундузи ишлаб, кечаси ҳузуримга қайтиб келарсан.

Емельян бориби. Саройга қадам босибди. Подшонинг ишбошиси ундан сўрабди:

— Нега энди хотинингни қолдириб, ёлғиз ўзининг келдинг?

— Уни етаклаб нима ҳам қилардим, ўзининг уйи бўлса.

Подшо саройда Емельянга икки кишининг ишини юклшибди. Емельян сенг шимариб ишга киришаркан, уни тугатишига кўзи етмаганди. Бир маҳал оқшом чўқканда ҳаммадан бурун ишини тугатади. Ишбоши буни кўргач, эртасига тўрт кишининг ишини юклаб қўяди.

Емельян уйга қайтади. Уйида эса ҳаммаёқ саранжом-саришта, печка иситилган, егуликлар пиширилган эди. Хотини дастгоҳ ёнида иш тўқиганча эрини кутиб ўтиради. Хотини эрини кутиб олади, овқатини олдига қўйиб, едириб-ичиради, сўнgra хизматини суриштиради.

— Нимаям дейман— ишлар чатоқ; бошимгача ишга кўмиб ташлашди, адои тамом бўлаёздим.

— Сен ишни ўйлама, оз қолдими ёки кўпми дея орқа ўнгингга аланглайверма,— дебди хотини.— Фақат ишингни бил. Ҳаммаси ўз вақти соати билан бўлаверади.

Емельян ухлаш учун ётади. Эрталаб яна хизматга боради. Ишга уннаганча сира орқасига қарамайди. Мундоқ қараса оқшомда ҳамма ишни битириб қўйибди, уйга ҳам барвақт қайтади.

Емельянга яна турли-туман топшириқлар беришади, Емельян ҳаммасини ўз вақтида уддалаб, уйига тунаш

учун қайтаверади. Подшо малайлари қарайдики, қора иш билан бу хизматкорни енгин қийин, ҳйла билан мақсадга эришмоқчи бўлишади. Аммо буям иш бермайди. Дурадорликми, гишт теришу иморат солиши — қандай иш топширишмасин, Емельян ҳаммасини муддатида уddaлаб, тунаш учун хотинининг ҳузурига қайтарди. Орадан бир ҳафта ўтади. Подшо хизматкорларини чақириб, шундай дейди:

— Сизларни беҳуда боқаётганга ўхшайман. Орадан иккя ҳафта ўтаяти, аммо нима каромат кўрсатдинглар? Емельянни иш билан тинчитмоқчи эдинглар, аммо мен деразадан кўриб турибман, у ҳар куни қўшиғини ванг қўйиб уйига қайтапти. Ёки устимдан кулмоқчимисизлар?

Подшо малайлари ўзларини оқлай бошлишибди.

— Биз олдинига уни қора иш билан қийнамоқчи бўлувдик, аммо унга ҳеч нарса писанд эмас экан. Ҳар қандай ишни ер супургандай супуриб ташлайди, чарчашиб нималигини билмас экан. Ҳйла билан бир ёқли қилмоқчи эдик, фаросати етмасов деб ўйлагандик; бу режамиш ҳам ўтмади. Ўзиям бало экан. Ўзида ёки хотинида бир сеҳру жоду бўлса керак. Ундан роса безор бўлдик. Энди унга мутлақо бажариб бўлмайдиган бир ишни топширмоқчи бўлиб турибмиз. Бир кунда ибодатхона қуриб битказиш лозимлигини ўйлаб топдик. Емельянни ҳузурингизга чорлаб, сарой қаршисида ибодатхона барпо этишини амр этмоғингиз даркордир. Бинони қуролмаса, фармонни бажармагани учун калласини танидан жудо қилиш мумкин.

Подшо Емельянни ҳузурига чорлабди.

— Хўш,— дебди подшо,— фармони олийни эшит: сарой қаршисидаги майдонга янги ибодатхона қурасан, эртага оқшомга тайёр бўлиши керак. Қуриб битказолсанг — сийлайман, қуролмасанг — жазолайман.

Фармони олийни эшитгач, Емельян уйнга қайтади. «Тамом, энди куним битди». Уйга келиб, хотинига деди:

— Хўш, кўч-кўронингни тайёрла, хотин, бош оқсан ёққа қочиш керак, бўлмаса ажалимиз етмай ўлиб кетамиз.

— Хўш, шунчалик юрагингни олдириб қўйдингми, қочиш пайига гушибсан?

— Қанақасига юрак олдирмай бўлади? Подшо эртага бир кун ичидаги ибодатхона қуришимни буюрди. Қуролмасам калламни олади. Вақт ғаниматлигига қочмоқдан бошқа чора ўйқ.

Хотини эрининг гапларига кўнмади.

— Подшонинг солдатлари кўп, ҳамма ердаи тутиб елишлари мумкин. Ундан қочиб қутулолмайсан. Куч-қувватинг борлигига қулоқ осган маъқул.

— Уддалай олмасам қанақасига қулоқ осаман?

— Ё товба! Кўпам сиқилаверма, овқатингни егин-да, ётиб дамингни ол: эрталаб барвақтроқ тургин, ҳаммасига улгурасан.

Емельян ухлаш учун ётди. Эрталаб хотини уйғотди.

— Тезроқ бориб ибодатхонанинг чаласини битказгин, мана сенга болға билан мих, у ерда сенга бир кунлик иш қолган.

Емельян шаҳарга бориб мундоқ қараса ростдан ҳам майдон ўртасида яп-янги ибодатхона турганмиш. Озгина чаласи бор экан. Емельян кам-кўстини тўғрилаб, оқшомга битказиб қўйибди.

Подшо уйғониб саройдан қараса, ибодатхона турганмиш. Емельян майдонда куймаланиб, у ер, бу ерга мих ураётганмиш. Ибодатхонани кўрган подшо қувониш ўрнига аччиғланибди, Емельянни жазолаб, хотинини тортиб ололмаслиги алам қилибди.

Подшо яна малайларини ҳузурига чорлабди.

— Емельян бу топшириқни ҳам уддалади, жазолаш учун баҳона ўйқ. Бу юмуш ҳам унга чўт эмас экан. Тузукроқ бир ҳйла ўйлаб топмоқ даркор. Ўйлаб топинглар, акс ҳолда олдин ўзингларни жазолайман.

Хизматкорлар Емельянга сарой атрофидан оқиб, ичидага кемалар сузиб юрадиган дарё бунёд қилишни буюрмоқ лозимлигини маслаҳат беришибди. Подшо Емельянни чақиририб, янги топшириқни буюрибди.

— Модомики сен бир кечада ибодатхона қуролган экансан, балки бу ишнинг ҳам уддасидан чиқарсан. Эртага ҳамма иш худди мен амр қилгандек таппа-тахт бўлинин. Бўлмаса каллангни оламан.

Емельян шўрликнинг баттар дили хуфтон бўлиб, хотинининг олдига маъюс ҳолда қайтибди.

— Нега шаштинг паст?— деб сўрабди хотини.— Ни ма, подшо яна янги иш буюрдими?

Емельян бор гапни айтиб беради.

Хотини шундай дейди:

— Солдатлардан қочиб кетолмайсан, ҳамма жойдан тутиб олади. Хўп дейиш керак.

— Ахир қанақасига хўп дейиш мумкин?

— Ҳай, кўп сиқилаверма. Овқатингни еб, дамингни ол. Эрталаб барвақтроқ тургин, ҳаммаси таппа-тахт бўлади.

Емельян ётиб ухлайди. Эрталаб уни хотини уйғотади.

— Саройга боргин,—дейди хотини.—Хаммаси тайёр. Фақат сарой қаршисидаги кемалар манзилгоҳида озгина дүнглик қолган, ўтирик белкүракни олиб, шуни түргирилаб қўйсанг бўлди.

Емельян жўнайди; шаҳарга келиб қараса, сарой атвофи дарё бўлиб, унда кемалар сузиб юрган эмиш. Емельян сарой рўпарасидаги манзилгоҳга келади ва нотекис ерни кўриб, текислашга тўшади.

Подшо уйғониб йўқ жойдан пайдо бўлган дарёни кўради, дарёда кемалар сузиб юрар, Емельян эса белкурак билан дўнгликни текислар эди. Подшо жигифиброн бўлибди, дарё ҳам, кемалар ҳам кўнглини ёритмабди, Емельянни жазолаб бўлмаслигидан афсусланибди. Ўзича: «Унинг қўлидан келмайдиган юмуш йўқ. Энди нима қилиш керак?» дея боши қотибди.

Подшо хизматкорларини чақириб, яна маслаҳат қиласди.

— Шундай бир ишни ўйлаб топингларки, уни Емельян бажаролмасин. Бу ерда биз ниманини ўйлаб томайлик, барини уddaляяпти, шунинг учун хотинини тортиб олишнинг иложи бўлмаяпти.

Аъёнлар ўйлай-ўйлай ахийри бир тўхтамга келишибди. Подшо ҳузурига келиб, шундай дейишади:

— Емельянни чақириб, шундай дейиш керак: ўзинг билмаган жойга бориб, билмаган нарсангни олиб кел. Мана шунда у қутулиб бўпти. У қаёқقا бормасин, унга керакли жойга бормадинг дейилади, нимани олиб келмасин, айтилган нарсани олиб келмадинг дейилади. Ана шунда уни жазоласа ҳам, хотинини тортиб олса ҳам бўлади.

Подшо суюниб кетади.

— Мана буни яхши ўйлабсизлар,—дейди у.

Подшо Емельянга чопар юборади ва унга буюради:

— Ўзинг билмаган жойга бориб, билмаган нарсангни олиб кел. Агар олиб келмасанг каллангни оламан.

Емельян хотинининг ёнига қайтиб, подшонинг фармонини айтади. Хотини ўйланиб қолади.

— Подшонинг бошини айлантиришибди,—дейди у.—

Энди бу ёғини тадбиркорлик билан қилиш керак.

Ўйлай, ўйлай, хотини эрига шундай дейди:

— Узоқ йўл босишинг, кекса энамиз, солдат ва деҳқон онаси ҳузурига бориб, фотиҳасини олмоғинг лозим бўлади. Ундан бир нарсани оласану тўппа-тўғри саройга қайтасан, мен ҳам ўша ерда бўламан. Бу гал уларнинг

қўлига тушмай иложим йўқ. Улар мени зўрлик билан қўлга туширишади, аммо кўпга эмас. Ҳамма нарсани худди кампир айтганидек қилсанг, мени тез орада озод қила оласан.

Хотин эрини сафарга кузатиб, қўлига халта билан урчуқ берибди.

— Мана буни кампирга берасан. Шуни кўрсатсанг сени танийди.

Хотин эрига йўл кўрсатади. Емельян йўлга чиқади, шаҳардан ташқарига чиқиб қараса — солдатлар машқ қилишаётган экан. Емельян тўхтаб томоша қиласди. Солдатлар машқ қилиб бўлишгач, ўтириб дам олишади. Емельян уларнинг олдига бориб, сўрайди:

— Оғайнilar, сизлар айтиб беролмайсизми, қандай қилиб ўзинг билмаган жойга бориб, билмаган нарсанги олиб келиш мумкин?

• Солдатлар бу гапни эшишиб, ҳайрон бўлишди.

— Сени ким юборди?

— Подшо.

— Биз ўзимиз ҳам солдатликка кирганимиздан бўён ўзимиз билмаган томонга юриш қилиб, билмаган нарсамизни қидирамиз, аммо тополмаймиз. Сенга ёрдам беролмаймиз,— деб жавоб беришади солдатлар.

Емельян солдатлар билан гурунглашгач, яна йўлга чиқади. Кетаверибди, кетаверибди, олдидан бир ўрмончиқибди. Ўрмонда бир ҳужра бор эди. Ҳужрада бир қари кампир, солдат ва деҳқон онаси зигирпоя толасини йигирганча юм-юм йиғлар эди. Кампир Емельянни кўра солиб қичқиради:

— Нега келдинг?

Емельян унга урчуқни узатиб, хотини юборганини айтади. Кампир сал юшаб, суриштира бошлайди. Емельян унга бошидан ўтган воқеаларни, қандай ўша қизга ўйлангани, шаҳарга кўчиб ўтгани, қандай қилиб уни саройга хизматга олишгани, у ердаги хизмати, ибодатхона ва кемалар сузиб юрадиган дарё барпо қилгани ва мана энди подшо ўзинг билмаган жойга бориб, билмаган нарсани келтиришни буюргани ҳамма-ҳаммасини бирма-бир айтиб берди.

Кампир ҳаммасини эшишиб, йиғлашдан ҳам тўхтаб қолди.

— Чамаси, вақти-соати етганга ўхшайди. Майли, ўтириб тамадди қил, болам,—дейди кампир.

Емельян овқатини еди, кампир эса унга шундай дейди:

— Мана сенга копток. Уни олдингда юмалатиб, қаёқ-қа кетса, ортидан бораверасан. Қўп юрасан, то дengiz соҳилигача борасан. Денгизга етгач, каттакон бир шаҳарни кўрасан. Шаҳарга киргач, чеккадаги ҳовлидан тунаш учун бошпана сўрайсан. Ана шу ерда ўзингга керакли нарсани қидирансан.

— Буни қандай билиб оламан, энажон?

— Отаси билан онаси пайқамай қолган нарсани кўрасан — ўша нарса қидирганинг бўлади. Қўлга олиб, подшога элтасан. Подшога олиб келганингда у айтилган нарсани олиб келмабсан дейди. Шунда сен, «Ундаи бўлса, буни синдириш керак», дейсан-да, ҳалиги нарсани бир уриб, дарёга олиб борасан, парчалаб, дарёга улоқтирасан. Ана ўшанда хотинингни ҳам қутқарасан, менинг кўз ёшларим ҳам арийди.

Емельян кампир билан хайрлашиб, коптокни юмалатганча йўлга чиқади. Копток юмалаб-юмалаб уни деғизга бошлаб келади. Денгиз соҳилида муҳташам шаҳар кўринади. Шаҳар четида серҳашам уй бўлади. Емельян бошпана сўрайди. Рози бўлишади. Тунаш учун ётади. Тонг саҳарда уйғонади, отанинг ўрнидан туриб, ўғлини ўтишга юбораётганини эшишиб қолади. Ўғли кўнмайди.

— Ҳали эрта,— дейди,— улгураман.

Она печка устидан тап қотади:

— Борақол, ўғлим, отангнинг дармони йўқ. Уни овора қилиш яхшими? Турақол.

Ўғил тамшаниб, яна ухлаб қолади. Ухлаши ҳамон ногоҳ кўчада нимадир гумбурлаб, қасирлаб кетди. Ўғил сакраб туриб кетади, кийиниб, кўчага отиласди. Емельян ҳам иргиб туради, унинг орқасидан чиқади ва ўғил ота, онасидан кўра яхшироқ эшишган нарсани кўрмоқчи бўлди.

Емельян чиқиб қарайдики кўчада бир киши қорнига юмалоқ бир нарсани қўйганча таёқчалар билан дўппослар эди. Ана ўша нарса гумбурлаётган эди, ўғил ана шуни эшишган эди. Емельян яқинроқ келиб, ҳалиги нарсани томоша қила бошлайди. Қараса, қовоққа ўҳшаган юмалоқнина нарсанинг икки четига тери тортилган экан. Бу нима дея сўраб кўради.

— Дўмбира,— деб жавоб беришади.

— Нима, ичи ғовакми?

— Ғовак.

Емельян ҳайрон қолади ва ўша нарсани ўзига сўрайди. Беришмайди. Емельян эланишини бас қилиб, дўмбира-

чишини ортидан эргашиб юраверди. Уззукун эргашиб юрални ва дўмбирачи ухлаб қолганда дўмбирани олиб қочали. Қоча-қоча ўз шаҳрига бориб, уйига келади. Хотинини кўрмоқчи эди, қараса йўқ экан. Кетган кунининг оргасига ёқ хотинини подшо ҳузурига олиб кетишганди.

Емельян саройга бориб, ташрифини олий ҳазратга етказишларини сўрайдиз ўзи билмаган томонга бориб, билмаган нарсани олиб келган киши шу ерда дейди: Подшога бу гапни етказдилар. Подшо Емельянга эртага келишни буюради. Емельян яна илтимосини такрорлади.

— Мен шу бугун етиб келдим, айтган нарсасини олиб келдим, подшо ҳузуримга чиқсин, бўлмаса ўзим бораман.

Подшо ҳузурига чиқади.

— Қаёқларда бўлдинг, нималар олиб келдийн?

Емельян олиб келган нарсасини кўрсатмоқчи эди, подшо қарамайди.

— Бунаقا нарса эмас эди.

— Бунаقا нарса бўлмаса,— дейди Емельян,— чилпарчин қилиб ташлаш керак савилни.

Емельян саройдан чиқиб, дўмбирани ерга бир уради. Уриши ҳамон подшонинг бутун қўшини Емельяннинг ҳузурида ҳозиру нозир бўлади. Емельянга қуллуқ қилиб, фармонига интизор бўлиб туришади. Подшо эса деразадан қўшинларига қараб, Емельянга эргашмасликни буюриб қичқиради. Қўшинлар подшога қулоқ солишмай, Емельянга эргашиб кетаверишади. Буни кўрган подшо Емельянга хотинингни олиб кетиб, дўмбирани эса менга бергин дейди.

— Бундай қилолмайман,— дейди Емельян.— Менга дўмбирани ёриб, парчаларини дарёга ташлаш буюрилган.

Емельян дўмбирани олиб, дарёга яқинлашади, солдатлар жам бўлиб унга эргашадилар. Емельян дарё бўйида дўмбирани уриб синдиради, парча-парча қилиб, дарёга ташлайди — ҳамма солдатлар гойиб бўлишади.

Емельян эса хотинини олиб, уйига равона бўлади.

Ана шундан бўён подшо уни безовта қилмайди. Емельян эса тинч-хотиржам яшаб, муроду мақсадига етади.



## ҚАВҚАЗ АСИРИ

### 1

Кавказда бир бойвачча офицер хизмат қиларди. Иси Жилин әди.

Күнларнинг бирида уйидан хат келди. Қекса онаси шундай мактуб йўллаганди: «Қариб-қартайиб қолдим, кўзим тириклигига дилбандимни кўриб қолсам дейман. Қелиб онаизоринг билан видолашиб, устимга ўзинг тупроқ тортгин, у ёғига худо пошшо, яна хизматингга кетаверасан. Айтгандек, мен сенга яхши бир қайлиқ ҳам топиб қўйдим: бирам ақлли, бирам кўркам, сени ҳам тайёр. Кўнглингга ўтиришса, балки уйланиб, бутунлай қолиб ҳам кетарсан».

Жилин ўйланаби қолди: «Дарҳақиқат, кампир анча ўсал тортган кўринади; балки дийдор кўришиш насиб этмас. Бориш керак, қайлиқ яхши бўлса уйлансам ҳам бўлади».

У полковника учрашиб, таътилга рухсат олди, ўртоқлари билан хайрлашди, кўл остидаги солдатларни сафар олдидан тўрт челак ароқ билан сийлади ва йўлга ҳозирланди.

Ўша вақтда Кавказда уруш кетаётганди. Йўллардан кечую кундуз ўтиб бўлмасди. Қалъадан озгина узоқ-яқинга чиқсан русларни татарлар ўлдирад әки тоққа олиб кетишар әди. Ҳафтада икки марта у қалъадан бу қалъага кўриқловчи солдатлар қатнарди. Олдинда ва

орқада кетаётган солдатлар ўртадаги одамларни муҳофаза қилиб боришарди.

Бу воқеа ёзда бўлганди. Тонг саҳарда қалъа ёнида карvon тўплана бошлади ва қўриқловчи солдатлар чиққа, йўлга тушдилар. Жилин отлиқ бўлиб, юклари солинган арава эса карvon билан келарди.

Иигирма беш чакирим йўл босищ керак әди. Карvon имиллаб силжирди, гоҳо солдатлар тўхтаб қолар, гоҳо араванинг филдираги чиқиб кетар әки от гожлик қилас, тўхтаб, бир-бирини кутишар әди.

Кўёш тиккадан оғиб кетса-да, карvon эндиғина йўлнинг ярмини босиб ўтди. Чанг-тўзон, жазирама қуёш шу қадар забтига олганки, биронта жон сақлайдиган пана жой йўқ. Атроф яп-яйдоқ, чўлу биёбон, йўлда на бир дараҳт, на бир майса — гиёҳ кўринади.

Жилин олдинда борар, тўхтаб, карвоннинг етиб келишини кутар әди. Орқада бурғу чалинганини эшитди — яна тўхташди. Шунда Жилин ўйлаб қолди: «Солдатларга қараб ўтирай, бир ўзим кета қолсам-чи? Остимдаги от учқур, татарлар йўлиниңа қочиб қутуларман. Әки кетмаганин маъқулмикин?»

Жилин турган жойида бош қотиради. Шу маҳал ёнига Костилин деган отлиқ офицер милтифи билан келиб қолди ва шундай деди:

— Тоққа чиқиб, бир қараб қўйиш керак, бўлмаса лоп этиб панадан чиқиб қолса фафлатда қоламиз.

— Э нимасини қарайсан? Кетдик,— деди Костилин. Жилин қулоқ солмади.

— Йўқ,— деди у,— сен настда кутиб тургин, мени ўзим бирров қараб келаман.

У отини чапга — тоққа солди. Жилиннинг оти овбоц (уюрдан қулунилигига юз сўмга сотиб олиб, ўзи минишга ўргатувди) әди; тепага худди лочиндек шўнгриб кетди. Юқорига чиқди-ю, шундоққина рўпарасида, бир ботмонча ерда турган ўттиз чоғли отлиқ татарларни кўриб қолди. Кўрган заҳоти орқасига қайрилди. Татарлар ҳам уни кўришди-ю, йўл-йўлакай милтиқларини рилофидан чиқарип, устига от солишид. Жилин жон-жаҳди билан отини чоптиаркан, Костилинга қараб қичқирди:

— Милтиғингни чиқар! — айни чоғда отини алқади: «Тулпорим, нажот ўзингдан, фақат оёғингга ҳушшёр бўл, қоқилсанг тамом — иш пачава. Милтиққа етиб олсан бўлгани, қўлга тушиб бўпман».

Костилин бўлса кутиб туриш ўрнига татарларни кўри-ди-ю, апил-тапил қалъага жўнаб қолди. Отини аямай

қамчилади. Чанг-тўзон ичида отнинг елвагай думи кўриниб қолди, холос.

Жилин қарайдик, иш чатоқ. Милтиқ ҳам қулоғини ушлаб кетди, биргина қилич билан нима каромат кўрсатарди? У отини орқага—солдатлар томонга буриб, қутулмоқчи бўлди. Қарайдик, олти отлиқ йўлини тўсиб чиқялти. Жилиннинг оти чакки эмас, аммо ана буларни унивидан ҳам зўроқ бўлиб, яна йўлини тикка кесиб чиқишаётган эди. У йўлни калта қилиб, орқага қайрилмоқчи эди, оти тўппа-тўғри татарларга қараб сурниб кетди. Қарайдик бўз от минганд, қизил соқолли татар анча яқинлашиб қолди. Милтиғи тайёр, тишлари фижирлади.

«Бу иблисларни биламан,— деб ўйлади Жилин.— Тириклий қўлга тушганни зинданга солиб, қамчи билан савалашади. Тирик қўлга тушиб бўпман».

Жилин жуссаси кичик бўлса ҳам анча абжир эди. Қиличини яланғочлаб, тўппа-тўғри қизил татарга қаратса от қўяркан, ўзича тусмоллади: «Ё отим билан уриб ағдараман, ёки қилич билан чопиб ташлайман».

Жилин ғанимига етай деганда орқадан ўқ узиб, отини отиб ташлаши. От боёқиши бор соҳт-сумбати билан ерга қулади ва Жилиннинг оёғини босиб қолди.

У ўрнидан қўзғолмоқчи бўлувди, елкасига миниб олган иккита сассиқ татар қўлларини орқага қайира бошлиди. Жилин бир силкинди-ю, устидаги татарларни улоқтириб юборди, аммо яна учтаси отдан тушди ва милтиқ қўндоғи билан бошига сола кетишиди. Қўз олди қоронфиласиб, гандираклади. Татарлар уни тутдилар, эгардан айилни олишди, қўлларини орқасига қайириб, татарласига боғладилар ва эгарга ўтқаздилар. Бошидан шапкаси учуб кетган, этигини суғуриб олишган, ҳаммаёғини тинтиб, пули-ю, соатигача қўйишмаган, кийимлари дабдала бўлган эди. Жилин отига қаради. Жонивор шўрлик ўша ёнбошлаганича ётар, фақат оёқларни қимирлатиб қўяр, аммо ерга тегизолмас эди; калласи тешилган, тешикдан оқаётган қон бир газча жойни кўллатган.

Бир татар отнинг ёнига келиб, эгарини еча бошлиди. Жонивор ҳамон типирчилаетган эди, татар ханжарини чиқариб, отнинг томоғига тиғиортди. От жон талашиб, типирчилади, томоғи хириллаб, ҳовур чиқди.

Татарлар эгар-жабдуқларни йиғишишириб олишди. Қизил соқолли татар отига минди, шериклари Жилинни унга мингаштириб қўйинди; йиқилиб тушмаслиги

учун белидан камар ўтказиб, татарга боғлашди ва төқ-қа олиб кетишиди.

Жилин татарга мингашганча тебраниб, юз-кўзлари татарнинг сассиқ гавдасига ишқаланиб борар эди. Олдинда фақат татарнинг сўлақмондек жуссаси, чайир бўйни, қалпоғи остидаги қирилган, кўкиш гарданидан бўлак нарсани кўрмас эди. Боши ёрилган, кўз олдида қон қотиб қолганди. Шу кетишида на гавдасини ўнглай олар, на қонларини арта олар эди. Қўллари аёвсиз қайрилганидан ўмрови зирқиради.

Тоғлар оша узоқ юришди, сой кечувидан ўтиб, йўлга чиқишиди ва жарликлардан ўтиб боришиди.

Жилин йўлни эслаб, қаёққа олиб кетишаётганини билмоқчи бўлди, аммо кўзлари қонга бўялган, ўзи қимирлай олмас эди.

Оқшом қуюқлаша бошлиди. Яна бир сойдан кечиб, тоглиқка кўтарила бошлидилар, тутун ҳиди димоққа урилди, итлар ақиллай кетди.

Оувлга етиб келишиди. Татарлар отлардан тушдилар, татар болакайлар тўпланиб, Жилинни ўраб олишди, суюнишиб, қий-чув кўтаришиди, тош отиб, пўписа қилишиди.

Татар болаларни ҳайдаб, Жилинни отдан туширди ва хизматкорини чақирди. Яноқ суяклари туртиб чиқкан, ялангтўш нўғай келди. Татар унга нимадир буюрди. Хизматкор ёғоч кишан-тахтакач келтирди; темир ҳалқаларга иккита эман ёғла маҳкамланган ва ҳалқалардан бирига қулф ўрнатилганди.

Жилиннинг қўлларини ечиб, тахтакачга солдилар, саройга олиб бориб, ичкарига итардилар ва эшикни ёпдилар. Жилин гўнг устига йиқилди. Шу кўйи ётиб қолди, қоронфиликда пайпасланиб, юмшоқроқ ерни топгач, чўзилди.

## 2

Жилин туни билан ухлай олмади. Тунлар қисқа эди. Мундоқ қараса, тирқишдан ёруғлик тушяпти. Жилин ўрнидан турди, тирқишини кенгайтириб, кузата бошлиди.

Тирқишдан тоқقا элтувчи ўйлар, чапда татарча уйлар, унинг ёнида иккита қишлоқ кўринди. Бўсағада қора ит ётар, думини ликиллатганча улоқчалар билан айланиб юрар эди. Бир маҳал тоғ ортидан келаётган, ёқалари очиқ рангли кўйлак, лозим ва этик кийган, бошига чакмонча ташлаб, каттакон тунука кўзача кўтарган, ёшгини татар қизалоқни кўриб қолди. Унинг қомати эгилиб,

қалтираб борар, бошлари тап-тақыр қирилган күйлак-чан болакайни қўлидан етаклаб олган эди. Қизалоқ сувни уйга олиб кирди, ичкаридан кечаги қизил соқол татар ипак камзулда, белида кумуш ханжар, бошмоғини оёқяланг кийнб чиқди. Бошидаги қўй терисидан тикилган, қора, чўққи теллаги орқага қайрилган. Чиқди-ю, керишиб, қизил соқолини силаб қўйди. Яна бироз тургач, хизматкорга нимадир буюриб, қаёққадир жўнаб кетди.

Кейин иккита бола отларни сўғоришга олиб боришиди. Отларнинг тумшуғи ҳўл эди. Яна бошлари яп-яланг, иштонсиэ, кўйлакчан болакайлар югуриб чиқишиди, тўпланиб, саройга келишиди, чўпни олиб, тирқишига суқишиди. Жилин «хап» дея бир қўрқитувди, болакайлар қий-чув солиб, тумтарақай қочиб кетишиди, фақат яланғоч тиззалири кўриниб қолди.

Жилин томоқлари қуруқшаб, чанқаб кетди, бирров хабар олишсайди деб ўйлади. Саройнинг очилаётгани қулоғига чалинди. Қизил соқол ёнида бўйи пастроқ, қорачароқ шериги билан келди. У чақноқ кўзлари қопқора, юзлари қирмизи, кичкина соқоли ихчам қиришланган, чехраси мулоим киши бўлиб, тинимсиз кулар эди. Ўзи анча пўрим кийинган: ҳаворанг ипак камзули уқали эди. Белида каттакон кумуш ханжар, саҳтиён теридан тикилган бошмоғига ҳам кумуш уқа тикилганди. Бошида оппоқ чўққи теллак.

Қизил соқол кирди-ю, худди бирор билан сўкишаётгандек ўзича бир нималарни гапириб ташлади ва эшикнинг кесакисига сунниб қолди, Жилинга бўридек хўмрайганча ханжарини ушлаб-ушлаб қўйди. Вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган қорачаси эса Жилиннинг олдига келиб, чўнқайиб ўтириди, елкасига қоқиб, ўзича нималарнидир чугурлади, кўзларини қисиб, тилини тақиллатди ва нуқул, «ўрис якши! ўрис якши», дер эди.

Жилин ҳеч нарса тушунмади ва: «Чанқадим, сув беринглар!» деди.

Қора киши кулаверди. Ўзича яна «ўрис якши» деб қўйди.

Жилин лаблари ва қўллари билан имо-ишора қилиб, сув беришларини сўради.

Қора киши тушуниб етди, кулиб, эшикдан мўралади ва: «Дина!» дея кимнидир чақириди.

Ўн уч ёшлардаги, ингичка, нозик, чехраси қора кишига ўхшаброқ кетадиган қизалоқ югуриб келди. Бу унинг қизи эди. Бунинг ҳам қоп-қора кўзлари чақнаб

турар, юзлари чироғли эди. Енгисиз, белбоғсиз, узун ҳаворанг кўйлак кийиб олганди. Этаклари, кўкрак ва енгларига қизил жияк тикилган. Лозими бошмоғига тушиб турар, уни товони баланд бошқа бошмоққа кийиб олган; бўйнида эллик тийинлик рус тангаларидан маржон тикилган. Боши очиқ, тим қора, соchlарига лента тақиллаган, лентага эса тўқа ва кумуш пул осилган.

Отаси унга нимадир тайинлади. Қизалоқ югуриб чиқиб кетди ва тунука кўзани кўтариб келди. Сувни узатгач, ўзи чўнқайиб ўтириди, жуссаси эгилиб, елкаси тиззадан ҳам пастта тушиб кетди. Жилинга, унинг қандай сув ичишига қаараркан, худди ёввойи бир маҳлуқни томоша қилаётгандек анграйиб қолди.

Жилин кўзани қайтариб берди. Қизалоқ худди ёввойи эчкидек сакраб, четланди. Отаси кулиб қўйди. Қизини яна қаёққадир юборди. У кўзани олиб, чопиб кетди, доирасимон идишда чучук нон келтирди ва яна эгилиб ўтиаркан, кўз узмай қараб турди.

Татарлар эшикни ёпиб, чиқиб кетишиди.

Бир оздан сўнг Жилиннинг олдига нўғай келиб, шундай деди:

— Айда, хўжайнин, айда!

У ҳам русча билмасди. Жилин қаёққадир бориши лозимлигини тушунди, холос.

Жилин тахтакач билан юаркан, қадам босолмай оқсоқланар ва оёқларини кериб қадам ташлар эди. Жилин нўғайнинг орқасидан ташқарига чиқди. Минорали черков ва ўн чоғли хонадондан иборат татар қишлоғини кўрди. Бир уйнинг олдида болалар эгарлоғлиқ учта отни жиловидан ушлаб туришарди. Ичкаридан ўша қора татар илдам юриб чиқди ва Жилинни бу ёққа кел дея имлади. Кулиб, ўзича нималарнидир гапира-гапира яна ичкарига бурилди. Жилин уйга кирди. Деворлари сип-силлиқ лойсувоқ қилинган меҳмонхона кўркамгина эди. Тўрга рангдор пар болишлар ташланган, икки томонга эса қимматбаҳо гиламлар осилган; гиламлардаги милтиқ, тўппонча ва қиличлар—ҳамма-ҳаммаси кумушдан. Деворнинг бир томонида ер баробар кичкина печка. Ер хирмондай тоза-покиза бўлиб, бўсаға томонга кигиз тўшалган, кигизга гилам солинган, гиламга эса пар ёстиқлар ташланган эди. Гиламларда юпқа маҳси кийгандар татарлар: қорачадан келгани, қизил соқол ва яна учта меҳмон ўтиришибди. Ҳаммасининг орқасига пар болишлар қўйилган, олдиларида тариқли чўзма ва пислаларда сигир ёғи, кўзачага татарча пиво бўлмаси

бўза қўйилган. Овқатни қўлда ейишар, қўллари буткул ёққа ботган эди.

Қора татар иргиб ўрнидан турди, Жилинни бир четга, гиламга эмас, қуруқ ернинг ўзига ўтқазиши буюорди яна гиламга чиқиб, меҳмонларни чўзма ва бўза билан сийлай бошлади. Хизматкор Жилинни жойига ўтқазди ва ўзи устки бошмоғини ечиб, девор ёнидаги бошмоқлар қаторига қўйгач, хўжайнларга яқинроқ бўлган кигизга ўтириди; сўлагини оқизганча уларнинг овқат ейишига термулди.

Татарлар чўzmани ҳам еб бўлишди. Бояги қизалоққа ўхшаб қўйлак, лозим кийиб, бошига рўмол ташлаган татар қизи келди. Ёғ ва чўzmани олиб кетгач, бежирим жомашов билан офтоба келтирди. Татарлар қўлларини ювидилар, кейин тиззалаb, қўлларини туширилар ва нағоз ўқидилар. Ўзларича бир нималарни чукурлаши. Кейин меҳмон татарлардан бири Жилинга ўгирилиб, русча гапира бошлади.

— Сени Қози Мұҳаммад қўлга туширган,— деди қизил татарни кўрсатиб,— ва сени Абдул Муродга берган,— қора татарга ишора қилди,— энди Абдул Мурод сенинг хўжайнинг.— Жилин индамади.

Абдул Мурод Жилинни кўrсатганча гапириб, куларкан, «солдат урус, корош урус», деб қўярди.

Таржимон тушунтириди: «Уйингга ўзинг учун тўлов сўраб хат ёзгин деяпти. Пулни юборишлари билан у сени озод қиласди».

Жилин ўйланиб, сўради: «Тўлови қанча бўлади энди?»

Татарлар гаплашиб олишгач, таржимон деди:

— Уч минг танга.

— Йўқ,— дейди Жилин,— мен бунча пулни тўлай олмайман.

Абдул ўрнидан иргиб турди, ҳамон Жилинни тушувади деб ўйлади чоғи, қўлларини пахса қилганча жаврай кетди. Таржимон: «Қанча бера оласан ўзи?» деб сўради.

Жилин бир зум ўйланиб олгач, «беш юз сўм», деди.

Шунда татарлар бирварақайига, бир-бирига гал бермай, тез-тез гапира кетишиди. Абдул оғзидан тупуклар сақратиб, қизил татарга ўдағайлай бошлади. Қизил татар эса фақат кўзларини очиб-юмганча тилини чикиллаштарди.

Улар жимиб қолишиди; таржимон тушунтириди.

— Тўлов учун беш юз сўм хўжайнинг камлик қиласди. У сен учун икки юз сўм тўлабан. Қози Мұҳаммад

ундан қарз эди. У сени ўша қарз эвазига олган. Уч мингдан камига бўлмайди. Хат ёзмасанг зиндонга солиб, қамчи билан савалашади.

«Эҳ,— деб ўйлади Жилин,— улардан қанча қўрқсанг, шунча баттар бўлади». Сакраб туриб кетди ва шундай деди:

— Сен у итга айтгинки, агар мени қўрқитмоқчи бўлса, бир тийин ҳам бермайман, уйга хат ҳам ёзмайман. Сизлардан қўрқмаганман ва қўрқмайман ҳам!

Таржимон тушунтиргач, яна ҳаммаси чукурлаша кетишиди.

Узоқ тортишиди, қора татар ўрнидан туриб, Жилиннинг олдига келди.

— Ўрис,— деди,— йигит, ўриснинг йигити.

Йигит уларнинг тилида азамат, паҳлавон дегани. Ўзи бўлса ҳамон куларди; таржимонга нимадир деди, у тушунтириди:

— Бўлмаса минг сўм бергин.

Жилин сўзида туриб олди: «Беш юз сўмдан ортиқ беролмайман. Ўлдирсанглар бир тийин ҳам ололмайсиз».

Татарлар ўзаро гаплашиб, хизматкорни қаёққадир юборишиди, ўзлари эса гоҳ Жилинга, гоҳ эшикка қараб-қараб қўйишиарди. Хизматкор қайтиб келди, унинг орқасидан қандайдир бир йўғон, оёқяланг ва кийимлари дабдала бўлган бир одам эргашиб келар, оёғига тахтакач солинган эди.

Жилин Костилинни таниди-ю, оҳ деб юборди. Уни ҳам қўлга туширишганди. Уларни ёнма-ён ўтқазишиди; иккови бир-бирига бошидан ўтганини сўзлай кетишиди, татарлар эса индамай қараб туришиарди. Жилин нима воқеа бўлганини айтиб берди; Костилин оти тўхтаб, милитиги отилмай қолганини ва мана шу Абдул қувиб етиб, қўлга туширганини гапириб берди.

Абдул ўрнидан туриб, Костилинга ишора қиласди ва нимадир деди.

Таржимон энди ҳар иккисининг хўжайнини бир киши экани, кимки олдин тўловни келтирса, ўша олдин қўйворишишини тушунтириди.

— Мана сенинг жаҳлиниг чиқяпти,— деди у,— ўртоғинг эса ювош экан, уйига ҳам хат ёзди, унга беш минг танга юборишиади. Мана энди унга яхши овқатлар беришади, хафа ҳам қилишмайди.

Жилин шундай жавоб берди:

— Ўртогимнинг ихтиёри ўзида, эҳтимол у бадавлатди, мен бой эмасман. Ўша гапим гап. Истасангиз ўдариб юборинг — фойдаси бўлмайди, беш юз сўмдан ортиқ сўрай олмайман.

Ҳамма жимиб қолди. Ногоҳ Абдул иргиб ўрнидан турди, сандиқдан қофоз, қалам ва сиёҳ олиб, Жилинга тұқазди, елкасига қоқиб, «ёзгин» дәя ишора қилди. Беш юз сўмга рози бўлди.

— Шошмай тур, — деди Жилин тилмочга, — сен унга айтгинки, бизни яхшироқ боқсин, тузукроқ кийинтирисин, зерикмаслигимиз учун бир жойда сақласин, кейин тахтакачини олиб қўйисин.— Ўзи хўжайинига қараб кулиб қўйди. Хўжайнин ҳам кулди. Гапни эштиб, деди:

— Кийимларнинг энг сарасин бераман, черкаскани ҳам, этикни ҳам аямайман, куёвболадек ясантириб қўяман. Князларни сийлагандек боқаман. Бирга яшашмоқчи экан — майли, саройда бирга тураверишсин. Аммо тахтакачни олиш мумкин эмас — қочиб кетишади. Фақат кечаси олиб қўяман.

Хўжайнин Жилинга яқинлашиб, яна елкасига қоқиб қўйди:— Сеники якши, меники якши!

Жилин хатни ёзишга ёэди-ю, аммо манзилга етиб бормайдиган қилиб ёэди. Ўзича: «Барibir қочиб кетаман», деб ўлади.

Жилин билан Костилинни саройга олиб кетишди, у ерга маккажўхори похоли, кўзада сув, нон, иккита эски черкаска ва солдатларнинг кийилган этигини келтиришиди. Чамаси, булар ўлдирилган солдатлардан ўлжа қилинганди. Уларни саройга қамаб, кечаси тахтакачни олиб қўйишиди.

### 3

Жилин ўртоғи билан бир ой шундай яшаб юришди. Хўжайнин ҳамиша кулгани кулган эди.— Сеники, Иван, якши, меники, Абдул, якши. — Аммо овқатининг мазаси йўқ эди; берадигани нуқул тариқ ундан ёпилган нон гоҳо хом-хатала хамирнинг ўзи эди.

Костилин яна уйига хат ёэди, ҳамон пул юборишлирини кутиб, сиқилар эди. Уззукун саройида ўтирганча хатга кўз тикиб, кун санар ёки ухлар эди. Жилин эса хати етиб бормаслигини биларди, бошқа ёзиб ўғирмада.

«Онам мен учун бунча пулни қаёқдан ҳам тоқсин,— деб ўйларди,— ўзи-ку мен юборган пул билан зўрга кун

кўраётган бўлса. Беш юз сўм топаман деб хонавайрон бўлиб кетади-ку! Худо хоҳласа ўзим бир амаллаб қутублиб оларман».

У юрса-турса қочиши мўлжаллаб, теварак-атрофни кузатар, нималарнидир чамалар эди. Овулда ўзича хуштак чалиб юраркан, гоҳо ўтириб бирон ишга уннаб кетар, лойдан қўғирчоқ ясар ёки новдадан четан тўқир эди. Жилиннинг қўлида яхшигина ҳунари бор эди.

Бир куни у қўғирчоқ ясаб, бурни, қўл ва оёқларини ҳам ўхшатиб, татарча кўйлак кийдирди ва уни томга қўйиб қўйди.

Қиз-жуонлар сувга боришаётган эди. Хўжайнининг қизи Дина қўғирчоқни кўриб, дугоналарини чақирди. Қўзаларини бир четга қўйиб, кула-кула томоша қилишиди. Жилин қўғирчоқни олиб, уларга узатди. Улар кулишаётган бўлса-да, олишга ботинишолмасди. Жилин қўғирчоқни қолдириб, ўзи саройга кирди ва қани бўёғи энди нима бўларкин дәя кузата бошлади.

Дина югуриб келди, атрофга аланглаб қаради-ю, қўғирчоқни олиб, чопиб кетди.

Жилин эрталаб Динанинг бўсағага қўғирчоқ кўтариб чиққанини кўрди. У қўғирчогини қизил қийқимлар билан худди чақалоқдек йўргаклаб, безаган ва ўзича алла айтар эди. Ичкаридан бир кампир чиқди. Динани қарғади ва қўғирчогини тортиб олиб, уриб синдириди ва ўзини қаёқладир ишга юборди.

Жилин яна бошқа, олдингисидан ҳам яхшироқ қўғирчоқ ясаб, Динага берди. Бир куни Дина кўза кўтариб келди, уни қўйиб, ўтириди ва Жилинга кўзасини кўрсатиб кулди.

«Нега у суюнптийкин?» деб ўлади Жилин. Қўзани олиб, ича бошлади. Сув деб ўйлагани сут бўлиб чиқди. Сутни ичиб, «якши» деб қўйди. Дина бехад севиниб кетди!

— Якши, Иван, якши!— деди-ю, иргиб турди, кафтiga урди ва кўзасини олиб, чопиб кетди.

Ушандан бўён у ҳар куни Жилинга яширинча сут келтирадиган бўлди. Гоҳо татарлар эчки сутидан пишловқ нон қилиб, томда қуритишар, Дина ана шу нондан ҳам ўғринча насиба олиб келар эди. Яна бир гал хўжайнин қўй сўйгандан қизалоқ енгига бир бўлак гўштни яшириб, ташлаб кетди.

Бир куни кучли момақалдироқ бўлди ва худди чеълакдан қуйгандек бир соатча ёмғир ёғди. Сойлар лойқаланди, кечикни уч газ сув босиб, тошларни юмалатиб

кетди. Ҳар жойда жилғалар оқар, тоғлар гүмбурлар эди. Момақалдириқдан кейин қишлоқнинг дүч келган ерида сойлар пойга қила бошлади. Жилин ҳўжайиндан пичоқ сўраб олди, ғўлани йўниб, унга ғилдирак ясади ва ғилдиракнинг икки томонига қўғирчоқни ўрнатиб қўйди.

Қизалоқлар ҳар хил қийқимлардан келтириши. Жилин қўғирчоқнинг бирини хотинча, иккинчисини эркакча кийинтириб маҳкамлади ва ғилдиракни сойга қўйди. Ғилдирак айланганда қўғирчоқлар ҳам ирғишлий бошлади.

Бутун қишлоқ — болакайлар, қизалоқлар, хотинлар ийғилишди, татарлар ҳам келиб, тилини чиқиллатди:  
— Вой ўрис-эй! Вой Ивани тушмагур-эй!

Абдулнинг рус соати бузилган эди. У Жилинни чақири, матоҳини кўрсатиб, тилини чиқиллатди.

— Бўпти, тузатаман,— деди Жилин.

Соатни пичоқ билан очиб, олдига ёйди, сўнг яна йиғиб, эгасига қайтарди. Соат юриб кетди.

Ҳўжайнин суюнди, ўзининг эски, жандаси чиқиб кетган камзулини инъом қилди. Олишга тўғри келди — ҳарқалай кечаси ёпинишга ярайди.

Ўшандан буён Жилин ҳунарманд уста сифатида доворуғ таратди. Олдига олис қишлоқлардан кимдир милитиқ ёки тўппонча затворини, бошқа бирор соатини тузишига олиб келарди. Ҳўжайнин унга асбоб-анжом: омбир, парма ва арра бериб қўйди.

Бир татар касал бўлиб қолганда Жилиннинг олдига келишиб, «ўзинг бориб даволагин», дейиши. Жилин даволашни билмасди. Саройга кириб, сувга қум солиб аралаштириди. Татарларнинг олдида сувга бир нималар дея шипшиди ва беморга ичирди. Татар соғайиб кетди. Жилин уларнинг тилига анча-мунча тушунадиган бўлиб қолди. Унга ўрганиб қолган татарлар керак бўлганда «Иван, Иван!» деб чақиришар, айримлари эса ҳамон худди ҳайвонга қарагандай ўқрайишар эди.

Қизил соқолли татар Жилинни ёмон кўради. Уни кўриши ҳамон ҳўмрайиб, тескари ўгирилар ёки сўкинар эди. Бу ерда яна бир чол ҳам бор эди. У овулда яшамас, тоғ этагидан келарди. Жилин уни фақат мачитга намоз ўқиш учун келганда кўради. У паст бўйли, қалпогига оппоқ салла ўраган, момиқдек оппоқ соқол ва мўйлови калта қирқилган; гиштдек қип-қизил башарасини ажин босганди. Бурни қарчигайники каби қайрилма, ёвуз кўзлари кўм-кўк бўлиб, иккита сўйлоқ тишдан бошқа тиши йўқ эди. Бошига салласини қўндирганча

ҳассасига суяниб, атрофга бўридай аланглаб юради. Жилинни кўриши ҳамон пишқириб, юзини ўгиради.

Бир куни Жилин чолнинг туриш турмушини кўриб қўйиш учун тоғ этагига борди. Йўлдан четга чиққанда тош қўрғон билан ўралган боғни кўрди: қўрғон ичида гилос, шафтоли ва текис томли уй кўзга чалинарди. У яқинроқ келди: поҳолдан тўқилган асалари уясини, гувиллаб учуб юрган ариларни кўрди. Чолнинг ўзи эса ари уяси олдидаги тиззалиб ўтирганча бир нимага уннаётган эди. Жилин яхшироқ кўрмоқчи бўлиб гавдасини кўтарувди, тахтакачи жаранглаб кетди. Чоли тушмагур ўгирилди-ю, чинқириб юборди, апил-тапил ёнидан тўпненчасини олиб, Жилинга ўқ узди. Жилин зўрга ўзини тош панасига уриб, жон сақлаб қолди.

Чол ҳўжайниннинг олдига шикоят қилиб келди. Ҳўжайнин Жилинни чақири ва кулиб сўради:

— Чолнинг олдига бориб нима қиласдинг?

— Мен унга ёмонлик қилганим йўқ,— деди у.— Қанақа яшаётганини бир кўриб қўймоқчидим, холос.

Ҳўжайнин чолга тушунтириди. У эса жигибиёрони чиқиб пишиллади, сўйлоқ тишларини кўрсатганча тўнғиллади ва Жилинга қараб мушт ўқталди.

Жилин ҳеч нима тушунмади, аммо чолнинг русларни овулда сақлаб ўтирамай, ўлдириш лозим деганини англаб етди. Чол кетди.

Жилин ҳўжайниндан бу қандай чол ўзи деб сўради.  
Ҳўжайнин шундай жавоб қилид:

— Бу катта одам ўзи! Йигитларнинг сараси эди, жуда кўп русларнинг додини берган, бойлиги ҳам беҳисоб бўлган. Учта хотини, саккиста ўғли бор эди. Ҳаммаси битта қишлоқда яшашган. Руслар келиб, қишлоқни хонавайрон қилишибди ва еттига ўғлини ўлдиришибди. Тирик қолган битта ўғли русларга сотилди. Чолнинг ўзи ҳам бориб русларга қўшилди. Уч ой ўшалар билан яшаб, ўғлини топади ва уни ўлдириб, ўзи қочиб кетади. Шундан кейин у жангни бас қилиб, олло таолога сифиниш учун Маккага жўнайди. Калласидаги салласи ана шундан. Кимки Маккага борса ҳожи бўлади ва бошига салла ўрайди. Чол сизларни ёмон кўради. У, сениям ўлдириш керак деяпти, мени ўлдирилмайман — сен учун пул тўлаганман; гапнинг очиги — сени ёқтириб қолдим, сени ўлдириш у ёқда турсин, агар сўз бермаганимда қўйвормасдим.

Ҳўжайнин ўзича кулиб, русча гапириб қўйди: «Сеники, Иван, якши, меники, Абдул, якши!»

Жилин яна бир ой шундай яшаб юрди. Қундузи овулда айланиб юрар ёки ҳунармандчилек қилас, тун чўкиб, овул жимжит бўлганда эса ўз саройига қайтиб, тупроқ қазирди. Тошли ерни қазиш қийин бўлди, у тошларни арра билан йўниб чиқди ва девор ортидан одам сиғадиган бир тешик очди. «Йиқилиб атрофни ўрганиб, борар йўлимни билиб олсам, бўлди, татарлар йўл кўрсатиб бўпти», деб ўйларди.

У қулай фурсат кутиб юрди ва хўжайин бир ёққа кетган куни тушликдан сўнг атрофни кўзатиш учун овулнинг нарёғидаги тоққа борди. Хўжайин кичик ўғлига Жилиндан кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлаб кетган эди. Болакай Жилиннинг орқасидан эргашиб, қичқирди:

— У ёққа борма! Отам тайинлаган. Ҳозир одамларни чақираман!

Жилин болани кўндира бошлади.

— Мен узоққа бормайман,— деди у,— ана бу тоққа чиқаман, холос, одамлариңни даволаш учун ўт қидиришим керак. Юр, бирга борамиз, мен тахтакач билан қочиб кетолмайман. Эртага сенга ўқ, ёй ясад бераман.

Болани кўндиригач, бирга кетишиди. Тоққа мундоқ қаралганда узоқ туюлмайди, аммо тахтакач билан чиқиш қийин эди, қийналиб-энтикиб, зўрға кўтарилид. Жилин ўтириб, атрофни кузата бошлади. Тоғ ортидаги дарада уюр юрибди, пастроқда бошқа бир овул кўзга ташланади. Овулнинг нарёғида янада тикроқ тоғлар, бу тоғларнинг ортида ундан ҳам юксак чўққилар бор. Тоғлар оралиғида ям-яшил ўрмон, у ердаги тоғлар ҳам бири биридан улуғвор—юксак. Энг баланд, шакардек оппоқ чўққи эса қорларга бурканиб ётарди. Юксак чўққилар бошқа чўққилар устига қўнқайтириб қўйилган оппоқ телпакка ўшарди. Қун чиқару кун ботарда ана шундай чўққилар ясланиб ётар, даранинг у ер, бу еридаги овулларда тутун ўрлар эди. «Ҳай, булар ҳаммаси уларга тегишли ерлар», дея хаёлидан ўтказди Жилин. Энди руслар томонга қарай бошлади: шундоққина рўпарада сой, ўзларининг овули, атроф боғ-роғларга бурканган. Сойда қўғирчоқлардек кичкина кўринаётган хотин-халаж ўтирволиб кир чайишмоқда. Овулнинг нарёғидаги пастликда тоғ, ундан нарида яна ўрмон билан қопланган тоғлик; икки тоғ оралиғида ям-яшил текислик бўлиб, у ерда элас-элас тутун кўзга чалинади. Жилин қалъада яшаган кунларини, кунчиқлар ва кунботар то-

монларни эслади. Ўзларининг қалъаси худди мана шу водийда эканини пайқаб қолди. Мана шу тоғ оралиғи томон қочиши лозим.

Кўёш уфқа ёнбошлай бошлади. Оппоқ қорли тоғлар қонталаш бўлди; қорайиб кўринган тоғларга қоронғилик чўқди: дарадан ҳовур кўтарилид ва рус қалъаси жойлашмиш водий шафақ шуъласидан ловиллаб кетди. Жилин астойдил тикила бошлади — водийда худди қувурдан чиқаётган тутунга ўхшаш бир нима кўринарди. Бу айни рус қалъаси эканини яна бир карра ўзича хаёлидан ўтказди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Сўфининг аzon айтгани эшитилди. Подани ҳайдашди — сигирлар мўрай бошлади. Болакай «Кетайлик» дея хархаша қилас. Жилиннинг эса кетгиси келмас эди.

Улар уйга қайтишиди. «Ҳай, мана ўўлниям билиб олдим, энди қочиши керак», — деб ўйлади Жилин. У ўша тундаёқ қочмоқчи бўлувди. Кечаси зимистон — ой ўроқ бўлган эди. Бахтга қарши оқшомда татарлар қайтиб келишиди. Улар гоҳо мол ҳайдаб, шоду хуррам қайтгувчи эди. Аммо бу гал ҳеч нима ҳайдашмади, балки малла татарнинг укасининг ўлигини эгарга ўнгариб келишиди. Ҳаммасининг важоҳати хунук эди, одамлар азага тўпланишди. Жилин ҳам томоша қилиш учун чиқди. Марҳумни тобутсиз, матога ўрашди, қишлоқ четидаги чинор остига олиб бориб, майса устига қўйишиди. Мулла келди, чоллар йигилишиди, тақяларини сочиқ билан тангишиди ва пояфзалларини ечиб, марҳумнинг ёнига тиззалашди.

Мулла олдинда, ёнма-ён ўтириб, бошларига салла ўраган учта чол орқада, улардан кейин яна бошқа татарлар ўтиришиди. Бошларини қуий солганча индашмасди. Шу кўйи узоқ ўтиришиди. Мулла бошини кўтариб: «Ё оллоҳ!» деди. Шу сўзни айтди-ю, яна ҳаммаси бошини қуий солди ва узоқ сукут сақлашди; қимирламай ўтираверишиди. Мулла яна бошини кўтарди:

— О оллоҳ! — бошқалар ҳам «Оллоҳ» дейишиди-ю, яна сукут сақлашди. Ӯлик эса майсада ётар, булар ҳам худди ўликдек миқ этмай ўтиришарди. Ҳеч бир кимса қилт этмасди. Фақат чинор япроғигина шабодада шитирларди. Кейин мулла қуръон туширди, ҳамма ўринидан туриб, ўликни қўлларида кўтаришиди. Уни гўрга олиб кешишиди. Гўр дегани шунчаки оддий ўра әмас, ер остидан лаҳад қазилган эди. Марҳумни қўлтиғидан, болдиридан олишиди, эгиб, гўрга туширишиди, чўнқай-

ганча лаҳадга киритиб, қўлларини қорнига тўғрилаб қўйишиди.

Нўйой кўк қамиш келтириди, уни гўрга ёлиб, устидан тупроқ тортишди, текислашди, марҳумнинг бош томонига тошни тикка қилиб қўйишиди. Тупроқни тепкилаб шиббалашди, қабр ёнида яна ёнма-ён ўтиришиди. Узоқ сукут сақлашди.

— Ё оллоҳ! Оллоҳ! Оллоҳ! — хўрсиниб, ўрнидан туришиди.

Малла татар чолларга пул улашиб чиқди, сўнг қамчий олиб, пешонасига уч марта туширди ва уйига кетди.

Жилин эрталаб унинг қизил байтални қишлоқ четига етаклаб кетаётганини, ортидан яна учта татар эргашиб бораётганини кўрди. Улар қишлоқ четига чиқишиди, малла татар камзулини ечди, енгини шимарди — қўллари бақувват эди; ханжарини яланғочлаб, қайроқ тошга чархлади. Татарлар байталнинг калласини юқори кўтардилар, малла татар келиб жониворнинг томоғидан сўйиб, ийқитди ва терисини шила бошлиди. Хотин-халаж келиб, ичак-чавоқларни юва бошлиди. Кейин байтални ниматалаб, уйга олиб кетишиди. Бутун қишлоқ марҳумнинг маъракаси учун малла татарнига тўпланишиди.

Уч кун байтал гўштини еб, бўза ичиб, марҳумни хотирлашди. Ҳамма татарлар уйда эди. Тўртинчи куни Жилин уларнинг қаёққадир отланишаётганини кўрди. Отларни келтиришиди, ясанишиб, ўн чоғли одам жўнаб кетишиди, қизил соқолли татар ҳам уларга қўшилди: уйда фақат Абдул қолди. Ой янги бўлган, тунлар ҳали қоронғи эди.

«Хай, шу бўгун қочиб қолиш керак», деб ўйлади Жилин ва режасини Костилинга айтди. Костилиннинг эса юраги дөв бермади.

— Ахир қандоқ қочамиз? Йўлниям билмаймиз.

— Мен йўлни биламан.

— Бир кечада етиб боролмаймиз.

— Етиб боролмасак ўрмонда тунаймиз. Мана мен нонларниям ғамлаб қўйдим. Сўппайиб ўтираверганингдан нима фойда? Пулни юборишса-ку яхши-я, аммо уни топишолмасликлари ҳам мумкин-ку! Руслар одамини ўчдиришгани учун ҳозир татарларнинг кўзига қон тўлган. Бизни ўлдирмоқчи бўлиб юришибди.

Костилин ўйлай-ўйлай ахийри, «хўп, кетдик», деди.

Жилин ўзи очган туйнукка кириб, уни Костилин ҳам сиғадиган қилиб кенгайтирди ва ўтиришиб, овулнинг тиниб-тинчишини кута бошладилар.

Овулда одам шарпаси тингач, Жилин девор остида-ги туйнук орқали очиққа чиқиб олди. Костилинга «Ў» деб шипшиди. Костилин ўтаётib тошга қоқилди-ю, шақир-шуқур шовқин кўтарилиди. Хўжайниннинг Уляшин деган қопағон, ола-була қўриқчи ити бор эди. Жилин уни олдиндан сийлаб, ўзига ўргатиб олганди. Шарпан ёшитган Уляшин вовуллаганча ташланиб қолди, унга бошқа итлар ҳам эргашди. Жилин секин хуштак чалиб, нон бўллагини ташлаган эди, Уляшин уни таниб, думини ликиллатди ва вовуллашни бас қилди.

Хўжайнин шовқинни ёшитиб, ичкаридан чақирди: «Қайт! Қайт! Уляшин!»

Жилин эса шу тобда Уляшиннинг қулоги орқасини қашлаб турарди. Ит бўлса унинг оёқларига суйкалиб, думини ликиллатар эди.

Улар муюлишда кутиб ўтиришиди. Атроф жимиб қолди; фақат оғилхонада қўйларнинг ўхчиб йўталгани ва пастликда сойнинг тошларга урилиб шарқираши қулоқ-қа чалинарди. Қоп-қора зимистон, юлдузлар юксакда милтирайди; чўққиларда янги ой қизариб қўринади. Дараларга сутдек оппоқ туман чўккан.

Жилин ўрнидан туриб, ўртоғига деди: «Қани энди, оғаний, кетдик!»

Йўлга чиқишиди; озгина юришган ҳам эди, томдан сўғининг: «Ё оллоҳ! Бисмилаҳир роҳманир роҳим!» деб азон айтгани ёштилди. Демак — одамлар мачитга боришиди. Девор ортида қунишиб, яна кутишиди. Одамлар ўтиб кетгунча узоқ кутиб ўтиришиди. Атроф яна жимиб қолди.

— Ҳай, худо ёр бўлсин! — чўқинишиб, йўлга тушдилар. Ҳовлилардан, сой ёқасидаги жарликлардан ва сойдан ўтиб, дара бўйлаб кетдилар. Пастликка қуюқ туман чўккан, тепада юлдузлар милтирайди. Жилин юлдузларга қараб йўлни чамалаб бораверди. Туманда ҳаво мусаффо, қадам олиш енгил, фақат ейилиб кетган этикларда юриш ноқулай эди. Жилин этигини ечиб ташлаб, яёв кета бошлиди. Тошдан тошга сакраб, юлдузларга қараб-қараб қўярди. Костилин унга етолмай қолди.

— Секинроқ юргин,— деб зорланди у,— лаънати этигим оёғимни ғажиб ташлади.

— Ечиб ташласанг-чи, ўзингга осон бўлади.

Костилин ҳам оёқяланг бўлиб олуви, баттар бўлди: оёқларини тош тилиб ташлади ва яна орқада қола бошлади. Жилин унга шундай деди:

— Оёғинг шилинса тузалиб кетади, аммо бизни тутиб олишса ўлдиришади.

Костилин индамай, инқиллаб-синқиллаб кетаверди. Пастлика улар узоқ юрдилар. Ногоҳ ўнг томондан итларнинг хуриши эшитилди. Жилин тўхтаб қолди, атрофга аланглади, қояга чиқиб, қўллари билан пайпасланди.

— Э аттанг,— деди у,— адашиб, ўнг томонга кетиб қолибмиз. Бу begona овул, мен уни тоғдан кўрувдим; орқага қайтиб, чапга—тоққа қараб юришимиз керак. У ерда ўрмон бўлиши керак.

Костилин бўлса яна зорланди:

— Озгина тўхтасанг-чи, мундоқ нафасимни ростлаб олай, оёқларим қонга ботиб кетди-ку.

— Э, оғайнини, тузалиб кетади: сен енгил-енгил сакраб юргин-да. Мана бундок!

Жилин орқага қайтди, тоғдаги ўрмонни кўзлаганча йўлни чапга солиб, йўртиб кетди. Костилин ҳамон орқада судралганча оҳ-воҳ уриб келарди. Жилин унга шовқин солма дея тинимсиз жавраганча ўзи олдинда борарди.

Тоққа чиқишиди. Жилин айтганидек у ер ўрмон эди. Ўрмонга киришди. Тиканаклар уст-бошларини дабдала қилди. Сўқмоққа дуч келдилар. Яна йўлда давом этдилар.

— Тўхта!— Йўлда туёқ товуши эшитилди. Тўхтаб, қулоқ солишиди. Шарпа худди отга ўхшаб туёғини шиқиллатди-ю, тўхтаб қолди. Улар қўзғолганда туёқлар яна шиқиллади. Улар тўхтаса туёқлар ҳам тўхтарди. Жилин эмаклаб, йўлда милтираб турган бир нимага қаради. От бўлиб отмас, одам бўлиб одамга ўхшамас эди. Пишқириб ҳам қўйди. «Буниси нима бало бўлди энди?» Жилин секингина хуштак чалувди, ҳалиги нарса сўқмоқдан ўзини ўрмонга урди ва бўрон қўзғолгандек ўрмон қасир-қусур бўлди, шох-шаббалар синиб кетди.

Костилин азбаройи ўтакаси ёрилганидан ўзини ташлаб юборди. Жилин бўлса кулиб деди:

— Бу буғу. Эштияпсанми, шохлари билан қасир-қу-

сур қилиб кетяпти? Биз ундан қўрқиб ўтирибмиз, у эса биздан қўрқаётган экан.

Яна олға кетдилар. Ҳаво ҳам илий бошлади, ҳадемай тонг отади. Тўғри кетишияптими ёки йўқми — ўзлари ҳам билишмасди. Жилиннинг назарида ўзини худди шу йўлдан олиб келишгандек ва ўзлариникига яна ўн чақиримча қолгандек туюларди. Аниқроқ бир белги — аломат ҳам кўринмас, тунда ҳеч нарсани фарқлаб бўлмас эди.

Ўрмондаги ялангликка чиқишиди. Костилин ўтировлиб, шундай деди:

— Билганингни қил, мен боролмайман энди, оёғимни кўтаролмайман.

Жилин уни муросага ундаи бошлади.

— Йўқ,— деди у,— боролмайман, юролмайман.

Жилиннинг жаҳли чиқиб кетди, ерга туфлаб, ўртоғини сўкди.

— Унда мана бир ўзим кетаверман. Хайр!

Костилин иргиб турди-ю, юриб кетди. Тўрт чақиримча йўл босишиди. Ўрмондаги туман анча қуюқ бўлиб, олдинда ҳеч нима кўринмас, юлдузлар элас-элас кўзга чалинарди.

Ногоҳ олдинда отнинг дупурини эшитиб қолишиди. Тақаларнинг тошга урилиши қулоққа чалинди. Жилин қорни билан ётиб, ерга қулоқ сола бошлади.

— Айтганим тўғри чиқди — бу ёққа отлиқ келяпти.

Улар йўлдан четга ўтиб, панада кутиб ўтиридилар. Жилин йўлга эмаклаб борди ва ўзича минғирлаб молини ҳайдаб кетаётган отлиқ татарни кўрди. Татар ўтиб кетди. Жилин Костилиннинг олдига қайтди.

— Ҳай, худонинг ўзи қўллади, тур, кетдик.

Костилин ўрнидан турди-ю, йиқилиб тушди.

— Юролмайман, худо ҳаққи юролмайман, мадорим қолмади.

Жилиннинг вазмин, семиз ҳамроҳи терлаб-пишиб кетганди; салқин, туманли ўрмонда ўзини олдиргани, оёқлари дабдала бўлгани учун боёқишининг анча мазаси қочди. Жилин уни куч билан кўтармоқчи бўлди. Костилин қиққириб юборди:

— Вой жоним-ей!

Жилин турган жойида қотиб қолди.

— Нега бақирасан? Ахир татар яқинимизда — эшиб қолади-ку!

Ўзича шундай ўйлади: «Унинг ростдан ҳам мазаси

қочди, энди нима қилсам экан? Ўртоқни ташлаб кетиш ярамайди».

— Ҳай, турақол,— деди у,— юролмас экансан, елкамга ўтири, опичлаб кетаман.

Костилинни елкасига ўтқазиб, сонидан ушлаб олди ва йўлга чиқиб, гандираклаб олға юрди.

— Фақат томоримдан бўғмагин, худо хайрингни берсин,— деди Жилин.— Елкамдан ушлагин.

Жилин қийналиб кетди: унинг ҳам оёқлари қонаб, тинка-мадори қуриди. Энгашиб, Костилинни елкасига қулайроқ ўтқазиш учун силкиниб оларди-да, яна олдинга интиларди.

Чамаси, Костилиннинг бояги қичқиригини татар эшиб қолганди. Орқада аллакимнинг ўз тилида чукурлаб келаётгани эштилди. Жилин ўзини панага урди. Татар милтигини олиб ўқ узди — тегизолмади, ўзича мингирилаб қўйди ва йўлдан от чоптириб ўтди.

— Мана энди иш хуржун бўлди, оғайн!— деди Жилин.— Бу ит ҳозир татарларини йиғиб, орқамиздан қувади. Уч чақирим нарига бориб олмасак тамом бўлдик деявер.— Ўзи эса Костилинга қараб туриб ўйларди: «Қаёқдан ҳам бу тўнкани елкамга юқ қилиб олдим. Бир ўзим аллақачон қутулиб кетардим».

Костилин шундай деди:

— Бир ўзинг кетавер, мени деб балога йўлиқиб юрасанми.

— Йўқ, бундай қилолмайман, ўртоқни ташлаб кетиш номардлик бўлади.

Жилин яна ўртоғини елкасига олиб, йўлга тушди. Шу алпозда бир чақиримча юрди. Ўрмоннинг адори қўринмасди. Туман тарқай бошлади, булутлар ҳам ғойиб бўлгандек туюлди, юлдузлар эса кўринмай қолди. Бечора Жилин бўларича бўлди.

Йўл бўйида атрофга тош қопланган булоқقا етиб келди. Тўхтаб, Костилинни ерга тушириди.

— Нафасимни ростлаб, сув-пув ичволай,— деди у.— Тамадди қилсан ҳам бўлар. Ўзиям етай деб қолдик чори.

Энди сув ичиш учун энгашувди ҳамки орқадан туёқларнинг дупурлаши эшитйлди. Яна апил-тапил ўзларини панага, чандаги жарликка олиб, ётдилар.

Татарча гангир-гунгур қулоққа чалинди, татарлар йўлнинг булар бурилган жойида тўхташли. Ўзаре гаплашга, йўлни кесиб, итни олкишиладилар. Буталар шитирлаб кетди ва бегона ит тўппа-тўғри қочоқлар тур-

ган жойга хезланиб келди. Тўхтаб, вовуллай бошлади.

Бегона татарлар ҳам етиб келишди; уларни тутиб, боғладилар ва отларга ўтқазиб, олиб кетишиди.

Уч чақирим йўл босишга, уларни хўжайин — Абдул иккита татар билан кутиб олди. Татарлар билан ниманидир гаплашга, буларни ўзларининг отига мингаштириб, орқага — овулга қайтишиди.

Абдул энди кулмас ва чурқ этиб оғиз ҳам очмас эди.

Овулга эрталаб етиб келишди, уларни кўчага тушибиб қўйишиди. Болакайлар тўпланди. Қий-чув билан қо-чоқларни тошбўрон қилишар, калтак билан савалашар эди.

Татарлар қўр тўкишиди, тоғ этагидан чол ҳам келди. Гурунг бошланди. Жилин энди буларни нима қилсан экан дея ўзларини муҳокама қилишаётганини пайқаб турарди. Айримлар буларни олис тоғ ортига юборвориши керак деса, чол: «Ўлдириш лозим», дерди. Абул эса тортишиб, шундай дерди: «Буларга пулим куйган, энди тўловини олмасам бўлмайди». Чол бўлса яна ўзиникини матькулларди: «Улардан ҳеч вақо ундиrolмайсан, қайтангга бошингга бало бўлади. Ўрисни боқиши гуноҳ ҳам. Ўлдириш керак тамом — вассалом».

Тарқалишиди. Хўжайин Жилиннинг олдига келиб, шундай деди:

— Агар менга тўловни юборишмаса, сизларни иккита ҳафтадан кейин чавақлаб ташлайман. Мабодо яна қочмоқчи бўлсанг сени итдек ўлдираман. Хат ёз, яхшилаб ёзгин!

Қоғоз келтиришга, улар уйга хат ёздилар. Кейин оёқларига тахтакач уриб, мачитнинг ортига олиб кетдилар. У ерда чуқурлиги нақ беш газ келадиган бир зиндан бор эди, уларни ўша зинданга ташладилар.

## 6

Улар учун машаққатли кунлар бошланди. Тахтакачни ечишмас ва очиққа ҳам чиқаришмас эди. Зинданга худди итга бергандек хом-хатала нон ташлаб, қўзада сув туширишарди. Димиқкан ҳавода рутубат, қўланса ҳид анқирди. Костилиннинг касали зўриқиб, шишиб кетди, бутун азойи бадани зирқиради; ўззукун инграб чиқар ёки ухлар эди. Аҳвол чатоглигини кўрган Жилиннинг ҳам руҳи тушиб кетди. Нажот йўлини тополмай гаранг бўлди.

Ерни ковлаб кўрди-ю, тупроқни чиқариб ташлайди-

ган жойнинг йўқлиги пайд берди, хўжайин буни кўриб қолиб, ўлдираман деб дўқ урди.

Жилин бир куни чўккалаб ўтирганча эмин-эркин кеч-ган кунларини эслаб, хит бўлиб турувди. Тўсатдан тиззасига кетма-кет иккита нон келиб тушди, гилослар тўйилди. Юқорига қараб, Динани кўрди. Қизалоқ унга қараб, кулди ва кетиб қолди. Жилин: «Дина ёрдам бермасмикин?» дея умид қилди.

У зиндоннинг бир четини тозалаб, лой қорди ва қўғирчоқ ясашга тушди. «Дина келиши билан олдига ташлайман», дея одамлар, отлар ва итларни ясаб қўйди.

Аммо эртаси куни Дина келмади. Жилин аллакимлар отларни дупурлатиб ўтгани, мачит олдига тўпланган татарлар бақириб-чақириб тортишаётгани, русларни гапиришаётганини эшилди. Ҳалиги чолнинг овози ҳам қулоғига чалинди. Фарчи тузукроқ тушунмаган бўлса-да, русларнинг бу ёққа яқинлашиб қолгани, татарлар уларнинг овлуга киришидан ҳадиксираётгани, энди асиirlарни нима қилсан экан дея бош қотиришаётганини пайқаб қолди.

Тортиша-тортиша тарқалишди. Ногоҳ юқоридан шарпа эшитилди. Чўнқайиб ўтирганча тиззаси бошидан юқорида тебраниб, маржон-тақинчоқлари зиндан узра оси-либ турган Дина кўринди. Кўзлари худди митти юлдуз-чадек чақнаб турарди; енгидан иккита пишлоқли нон чиқарib, пастга ташлади. Жилин нонларни одиб, деди:

— Нега кўринмай қолдинг? Мен сенга атаб ўйинчоқлар ясаб қўювдим. Мана, ол!— Динага ўйинчоқларни битта-биттадан ирғитди. Аммо қизалоқ бунга қарамай, бошини тебратди.

— Керак эмас,— деди у. Бир оз-инدامай ўтиргач, яна гап қотди:— Иван! Сени ўлдиришмоқчи!— Дина қўлини бўйнига тегизиб кўрсатди.

— Қим ўлдирмоқчи?

— Отам, унга чоллар буюришяпти. Мен эсам сенга раҳмим келади.

— Раҳминг келса менга узунроқ бир хода келтир.

Қизалоқ бош чайқаб, «иложи йўқ», деди. Жилин қўлларини қовуштириб, илтижо қилди:

— Дина, илтимос! Динажон, келтирақолгин!

— Иложи йўқ,— деди қизча,— кўриб қолишади, ҳамма уйда,— Дина кетиб қолди.

«Энди буёғи нима бўларкин?» дея кечқурун Жилиннинг боши қотди. Тепага қараб-қараб қўйди. Юлдузлар чарақлар, аммо ҳали ой кўтарилимаган эди. Сўфи

азон айтгач, ҳаммаёқ жимиб қолди. Жилин мудрай бошлади, «қизалоқ қўрқяпти-ёв», деб ўйлади.

Ногоҳ бошига тупроқ тўкилди; тепага қаради — узунгина хода зинданнинг нариги бурчагига тақалаетганди. Тақалгач, пастлай бошлади ва ерга сирғалиб тушди. Жилин суюниб кетди, бақувватгина ходани ушлаб, тушириб олди. У бу ходани олдин хўжайнинг томида кўрганди.

Тепага қараб, юксак осмонда чарақлаб турган юлдузларни кўрди, зиндан қирғоғида турган Динанинг кўзлари қоронғиликда худди мушукникидек йилтилларди. Пастга энгашганча: «Иван, Иван!» дея шипшиди ва қўллари билан «ҳаммаёқ жимжит» дегандек бўлди.

— Нима гап?— деб сўради Жилин.

— Ҳамма жўнаб кетган, уйда фақат икки киши бор.

Жилин шундай деди:

— Ҳўш, Костилин, кетдик, охирги марта уриниб кўрамиз, сени ўзим кўтариб оламан.

Костилин бу гапни эшигиси ҳам келмади.

— Йўқ,— деди у,— бу ердан чиқолмайдиганга ўхшайман. Қаёққа ҳам борардим, қимирлашга мажолим йўқку!

— Ундай бўлса хайр, мендан ўпкараб юрмагин.— Жилин Костилин билан қучоқлашиб хайрлаши.

Жилин Динага ходани ушлаб тургин деди ва ўзи тирмашиб кўтарила бошлади. Кишан ҳалақит бериб, икки марта йиқилиб тушди. Костилин йўлаб-кўллади, бир амаллаб тепага чиқиб олди. Дина кула-кула уни бор кучи билан қўйлагидан тортиди.

Жилин ходани олиб, шундай деди:

— Буни жойига обориб қўйгин, Дина, сезиб қолишса сени калтаклаши.

Қизалоқ ходани судраб кетди, Жилин эса тоғ ортига йўл олди. Ҷарликка тушиб, учли тош олди-да, кишининг қулфини синдиришга тутинди. Қулф савил зарбани писанд қилмас, уриш ҳам ноқулай эди. Тепаликдан кимдир енгил сакраб келётганини пайқади. «Хойнаҳой, яна Дина бўлса керак», деб ўйлади. Дина келиб, тошни қўлига олди.

— Менга бер-чи,— деди.

Тиззалаб ўтирганча қулфни буза бошлади. Қўллари новдадек ингичка, нимжон эди. Тошни ташлаб, йиғлаб юборди. Жилин яна ўзи уриниб кўрди, Дина эса ёнида чўнқайиб ўтирганча елкасидан ушлаб турди. Жилин ўгирилиб қаради-ю, чап томондаги тоғ ортида қизил

шувъла ичра ой кўтарилиб келаётганини кўриб қолди. «Ой чиққунча дарадан ўтиб, ўрмонга етволиш керак», деб ўлади. Тошин ташлаб, ўринидан турди. Оёғи кишандар бўлса ҳам йўлга чиқиш даркор эди.

— Хайр, Динажоним,— деди Жилин.— Ула-ўлгунимча унутмайман.

Дина унга ёпишиди, нонни бирон ерга жойлаш учун қўллари билан пайпасланди. Жилин нонни олди.

— Раҳмат, ақллигим,— деди у.— Энди ким сенга қўғирчоқ ясад беради?— Жилин қизалоқнинг бошини силаб қўйди.

Дина қўллари билан юзини беркитганча йиғлаб юборди ва эчкидек иргишилаб тоққа чопиб кетди. Қорон-ғиликда орқасидаги тақинчоқларининг жиринглаши эши-тилиб қолди, холос.

Жилин чўқиниб олди-да, жарангламаслиги учун ки-шаннинг қулфини қўллари билан ушлаб, йўлга чиқди; оёғи йўлда, кўзлари эса ой кўтарилиб келаётган шафақда эди. Йўлини топиб олди. Тўғрига юрилса саккиз чақиримлик йўл эди. Ой кўтарилигунча ўрмонга етиб олса бўлгани. Дарадан ўтганда тоғ орти оқаришиб қолди. Дарадан бораётсиб ой чиқмадимикин дея қараб-қараб кўярди. Шафақ ҳам тиниқлашиб, даранинг бир томо-ни тобора ойдинлаша борди. Тоғ ортига чекинаётган зулмат ҳам унга яқинлашиб келарди.

Жилин ўзини қўланкага олиб бораверди. У шошган сайин ой ҳам шитоб кўтарилаверди; ўнг томондаги чўқ-қилар ҳам оқаришиб қолди. Ўрмонга яқинлашганда тоғ ортидан кўтарилиган ой ҳаммаёни худди кундузгидек оппоқ-ойдин қилди. Дарактлардаги ҳар бир япроққача яққол кўриниб турарди. Ойдин тоғларга ўлик сукунат чўқди. Фақат пастлиқда сой жилдирайди.

Ўрмонга ҳам етиб олди — ҳеч кимга йўлиқмади. Жилин ўрмонда қоронгироқ бир жойни топиб, дам олишга ўтиrdi.

Нафасини ростлаб, нон еди. Тош топиб, яна кишани бузишга тутиндиги. Қўлларини уриб-чақиб олди-ю, аммо савил кишанини бузолмади. Ўринидан туриб, йўлга тушди. Бир чақирим юргач, дармони қуриб, оёқлари зир-қиради. Ӯн қадамча юриб, яна тўхтаб қоларди. «Бош-қа иложим йўқ,— деб ўларди,— дармоним борича қи-мирлайвераман. Ўтиргудай бўлсан қайта туролмайман. Ҳойнаҳой қалъага етолмайман, тонг отиши биланоқ ўр-моннинг олдинроғига яшириниб оламан-да, тунда яна йўлга чиқамац».

Туни билан йўл босди. Фақат иккита отлиқ татарга дуч келди, Жилин узоқдан уларнинг шарпасини эши-тиши ҳамон ўзини дараҳт панасиға олди.

Ой ҳам бўзариб қолди, шудринг тушиб, тонг яқин-лашса ҳамки Жилин ўрмон чеккасига етолмасди. «Ҳай, яна ўттиз қадамча юрсам, ўрмонга кириб ўтираман», деб ўларди. Ўттиз қадамча юриб қарайдики ўрмон ту-гајапти. Чеккага чиқди—тонг отган, рўпарасида саҳро ва қалъа худди кафтдагидек яққол кўриниб турар, чап томонда, тоғ ортига яқин жойда чироқлар ёнар, қўлан-са бир ҳид анқир, тутун ёйилар, гулхан атрофида одам-лар ўтираси эди.

Тикилиброқ қараган эди, ялтираб турган милтиқ-ларни, казаклар ва солдатларни кўрди.

Жилин суюниб кетди, сўнгги кучини тўплаб, йўлга тушди. Ўзича ўларди: «Бунақа яйдоқ жойда отлиқ та-тарга йўлиқишидан худо сақласин-да ишқилиб, яқин бўл-саям қутулиш қийин».

Шундоқ ўлади-ю чап томонда, икки ботмон нари-даги тепаликда турган учта отлиқ татарга кўзи тушди. Татарлар ҳам уни кўриши-ю, устига от қўйишиди. Жилиннинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Қўлларини силь-китиб, овозининг борича ўзиникиларга қичқириди:

— Оғайнилар! Ёрдам беринглар! Оғайнилар!

Буни эшитган казаклар сакраб отларга миндилар. Татарларнинг йўлини тўсиб, Жилинга қаратат от қўй-дилар.

Казакларга узоқ, татарларга эса яқин эди. Жилин ҳам қўллари билан кишани маҳкам ушлаганча бор ку-чини жамлаб, казакларга қараб чопди, ақлу ҳушидан бегона бир алпозда чўқинганча қичқиради:

— Оғайнилар! Оғайнилар! Оғайнилар!

Казаклар ўн беш чоғли эди.

Татарлар қўрқиб кетишиди, етиб боролмай тўхтаб қо-лишиди. Жилин казаклар ёнига чопиб борди.

Казаклар уни ўраб олиб, кимлиги, наслу насиби, қаёқ-дан келғанлигини сўроқлай кетишиди. Жилин эса ҳамон ўзига келолмас, йиғлаганча иуқул: «Оғайнилар! Оғайнилар!» дер эди.


Солдатлар югуриб чиқиб, Жилинни қуршаб олишди; кимдир унга нон, кимдир бўйтқа, ароқ тутди, кимдир ел-касига шинел ташлади, яна кимдир кишани буза кет-ди.

Офицерлар уни таниб, қалъага олиб боришиди. Сол-датлар суюнишиди, Жилиннинг дўстлари тўпланишиди.

Жилин бошидан ўтганларни гапириб бераркан, шундай деди:

— Мана, уйга ҳам бориб келдим, уйландым! Иўқ, пешонамга ёзилмаган экан.

Жилин Кавказда хизмат қилиб қолди. Костилинни эса фақат бир ойдан кейингина беш минг тўлов эвазига қутқариб олишди. Ўзиниям шарти кетиб парти қолган экан.



## САКРАШ

Бир кема ер юзини айланиб, юртига қайтди. Сокин кун эди. Бандаргоҳга тумонат одам йифилди. Басавлат маймун одамлар ортидан қолмай, ҳаммани кулдирар эди. У афтини бужмайтирас, бетиним сакрар, мазах қиласар, халойиқнинг чапак чалганини кўриб, баттар авжига минарди.

Бир вақт маймун кема дарғасининг ўн икки яшар ўғли бошидаги шляпани юлиб олиб, бошига кийдию маҷтага пилдираб чиқиб кетди. Халойиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бола на кулишини, на йиглашини билолмай лолу ҳайрон ўтиради.

Маймун маҷтанинг биринчи тўсинига етгач, беихтиёр ўткир тишлари, панжалари билан шляпани йирта бошлиди. Бола унга муштласини ўқталди, ўдағайлаб қўйди, аммо бу маймунга кор қиласиди?

Бола қизарив-бўзарив турди, сўнг жаҳл устидаги камзулини ечиб ташлади-да, маймуннинг орқасидан қувди. У тўсинда турган шляпага етган ҳам эдикни, абжир маймун юқорига тирмашди.

— Қутулиб бўпсан! — бақирди бола ҳам бўш келмай.

Маймун болани имлаб қосига чақирав, ўзи баландроққа тирмашар эди. Шу тахлитда маймун билан бола маҷтанинг юқори поғонасига чиқиб олдилар. Шунда маймун ҳийла ишлатиб кўрди: узунасига харида юриб, учига шляпани қўндирида-да, арқон бўйлаб маҷтага яна

қайтиб, илжайиб тураверди. Хари учигача икки қулочча келиб, арқон ё маңта ёрдамисиз унга етиб бўлмасди.

Боланинг ғазаби тошган эди. Шунинг учун у ҳамма нарсан унугиб, хари устига оёқ қўйди. Ҳалойиқ маймун билан бола кимӯзарини завқланиб томоша қилишарди. Кутилмагандан дарга ўғлининг арқондан узилиб, хари устида қулоч ёзиб кетаётганини кўрган ҳалойиқ бир қалқиб тушди. Ахир, у бандаргоҳга қуласа, бўлак-бўлак бўлиб кетиши мумкин эди. Шляпани олганда ҳам қайрилиб, маҷтага етиб келиши даргумон эди.

Ҳалойиқнинг икки кўзи тепада эди. Кимдир бехосдан аксирди, бола эса чўчиб пастга қаради ва чайқалиб кетди.

Шу сонияда боланинг отаси, яъни кема дарғаси каютадан чиқди. У оқчарлоқларни отиш учун милтиқ кўтариб олган эди. Маҷта тепасида ўғлини кўрди-ю, донг қотди ва унга милтиқни тўғрилаб бақирди:

— Сувга! Сувга сакра дейман. Отаман.

Лекин бола отасининг гап-сўзларини эшитмас, ҳануз чайқалиб турарди.

— Сакра дейман, йўқса отаман! Бир, икки...

Отаси «уч» деганда бола бошини пастга эгиб, сувга сакради.

Замбарак ўқига ўхшаб у пақиллаб денгизга тушди. Тўлқинлар забтига олмасдан бурун йигирмата денгизчи ҳам сувга сакрашди. Тахминан қирқ сониялар ўтгач — бу бизга жуда узоқ туюлди — сув юзида боланинг миқти гавдаси кўринди. Денгизчилар дарҳол унга етиб, кемага олдилар.

Боланинг оғзи ва бурнидан сув отилди. Бир оздан сўнг у енгил нафас ола бошлади.

Кема дарғаси юраги қинидан чиқаёзиб бўкирди ва ўғлашдан ўзини базур тийиб, каютаси томон югурди.

## БЎЛКА (ЗОБИТ ҲИҚОЯСИ)

Дўндиққина, тумшуғи катта бир кучукчам бор эди. Биз Бўлка дердик. Унинг олд оёқчаларининг панжасидан бўлак ҳамма жойи қора эди.

Тумшуғи катта итларнинг пастки жаги кенгроқ бўлганидан юқори тишлиари унинг ичига киради. Бўлканнинг паст жаги шунаقا катта эдики, ҳатто юқори ва пастки тишлиари орасига панжангиз бемалол сигарди. Кучугим япалоқ, йирик қора кўзлари йилтиллаган, сўйлоқ тиши-



ларидан ҳамиша сўлак оқарди. Уни кўриб, ҳабашниң ўзи дейсиз. Бўлка беозор, ювош бўлса-да, ўзи кучли ва бақувват кучук эди, чангалига тушган нарса омон топмасди. Эсимда, бир куни Бўлкани айиққа тезлашган эди у сакраб қулоғига миниб олди. Барзанги айиқ вазмин оёқлари-ла кучукни тепди, сиқди, нари-берига олиб отди, бошидан улоқтириб уни эзи — йўқ, совуқ сув қўймагунча у ерга тушмади.

Мен болалигимдан бу кучукни асраб боққандим. Қавказга хизматга жўнаётib Бўлкани олмадим, уйга қамаб қўйдим-да, чиқиб кетдим. Биринчи бекатда пастга тушгач, бошқа аравага ўтаётсам узоқдан ялтироқ, қолқора нарса кўзимга чалинди. Бу мис бўйинбоғли кучум гим эди. Мен Бўлкани бағримга босдим. У қўлларимни бирпас ялаб турди-да, арава тагига ўтди. Қарасам, тили бир қарич осилибди, биқини бетиним кўтарилиб тушарди, кейин ёнбошига ағанаб думи билан ерни супуриб қўйди. Анчадан кейин ҳаммасини билиб олдим: мен жўнагач, у ромни синдириб деразадан пастга сакрабди ва жазирамада йигирма чақирим йўл босиб олдимга келибди.

## БЎЛКА ВА ТЎНФИЗ

Қавказда бир куни ошналарим билан тўнфиз овига отландик, Бўлка ҳам эргашди. Қушлар галаси осмонга кўтарилигини кўрган Бўлка улар орқасидан ўрмонга кириб кетди. Ноябрь ойи эмасми, қобон ва тўнфизлар жуда семирган бўлади.

Қавказ ўрмонларида ёввойи узум, кедр ёнғоғи, олма, нок, маймунжон, тўнфиз, ёнғоқ, тоголчалар ўсиб ётади. Бу хуштаъм меваларни совуқ урганда ҳузурини қобонлар кўриб, семиради.

Кузда қобонлар шунақаям семирадики, итлар галаси икки соатча қувгандан кейин қобон чангалзорга кириб тўхтайди. Шунда овчилар у ерга етиб келиб, отиб оладилар.

Ўрмонда итларнинг овозига қараб қобон ўлгани ёки қочганини аниқласа бўлади. Қочганда итлардан калтак егандек қаттиқ вовуллайди, тўхтаганла чўзиқ уҳ торади.

Бу галги овда анчагача ўрмонда бирорта тўнфиз учрамади. Чўзиқ ўлиш, този итларнинг акиллаши эътиборимни тортди. Тўнфиз шу яқин атрофда эди. Тўс-тў-

полондан билдимки, тўнфиз итлар галаси билан олишмоқда. Итларнинг акиллашича, улар ҳужумга ўтмасдан тўнфизни ўраб туришарди. Орқада нимадир шитирлагандек бўлди ва Бўлкага кўзим тушди. Афтидан, този жўраларини йўқотиб, ўрмонда адашгану энди уларни излаётган эди. Бўлка бўй чўзган майсалар устида югуриб бораркан, фақат қора боши-ю, оқ тишлари, узун тилларини кўрардим. Чақирсан ҳам у индамай кетаверди. Ортидан мен ҳам чангалзорга кирдим. Чангалзорнинг игнабарглари юзимни тимдалади, телпагимни учирди, тоголча тиканлари кўйлагимга дам-бадам ёпишди. Шовқин ғуж жойга яқин қолган бўлса-да, ҳеч нарсани кўра олмасдим. Кутимаганда итлар галаси ёмон акиллашди. Нимадир қарсиллаб синди, кейин тўнфизнинг пишиллани, зўрға нафас олгани эшитилди. Бўлканинг ўлжасига ташланганини билиб, ҳаллослаганча чопдим. Ичкарида бир ит типирчилар, акиллар, уч қадамча нарида бир қора нарса ётарди. Яқинроқ бориб қарасам — тўнфиз экан. Бўлка вовуллай кетди. Тўнфиз ҳуриллаб унга сурилган эди Бўлка думини ликиллатиб ура қочди. Шунда тўнфизнинг биқини ва боши аниқ кўринди. Мен биқинини мўлжаллаб отдим, ўқ нишонга тегди. Тўнфиз қаттиқ ҳуриллаганча қочиб қуюқ чангалзорга ўзини урди, ортидан този итлар уни қувдилар. Бир пайт оёғим тагида бир нарса ўралашиб қолганини сездим. Бу Бўлка эди. Бечора ёнбошига ағдарилиб ётганча бетиним вангиллар эди. Таги қонга тўлибди. Итимдан ажралдим, деб хафа бўлдим. Аксига олиб, у ҳақда ўйлаш мавриди эмас, тўнфизни тезроқ қўлга олиш керак эди. Кўп ўтмай, тўнфизни ҳам қувиб етдим. Итлар уни тутиб, думидан тортқилашар, тўнфиз эса ўзини у ёқ-бу ёққа ташларди. Унинг менга кўзи тушгач, бирдан ташланиб қолди. Аммо бу гал пайсалга солмай бехато отгандим, ҳатто жунлари куйиб кетди. Тўнфиз даҳшатли ҳуриллади, бирпас жойида чайқалиб турди, кейин ерга гурс этиб кулади.

Мен олдига етиб келганда тўнфизнинг жони узилган, фақат қорни қимирлаб қўярди. Итлар чала ўлик тўнфизни қорни ва оёғидан тортишар, ярасидан оқаётган қонни ялашар эди.

Лоп этиб Бўлка эсимга тушди ва уни излаб кетдим. Шунда судралганча ўзи олдимдан чиқиб қолди. Олдига бориб қарасам, қорни тилиб ташланган, ичак-чавоғи сўлигиган майсалар узра ётарди. Биродарларим етиб келгандан сўнг Бўлканинг ичагини ўрнига қўйиб қорнини

яхшилаб тикдик. Терисига иғнани санчиди тиккунга қалдар у қўлимни ялаб ўтириди.

Тўнғизни от думига боғлаб, ўрмондан чиқариб олдик. Бўлкани эгар устига ётқизиб уйгача келдик. Бўлна олти ҳафта касал ётгандан кейин тузалиб кетди.

## МИЛТОН ВА БЎЛКА

Мен қирғовул овига бориш учун ақлли Милтонни ташладим. Милтон озғин, қоматдор, лунжи, қулоқлари осилган, кучли ва бақувват кучук эди. Бўлка билан Милтон қалин дўст эдилар. Бўлка зўравон ит бўлганидан ундан қўрқишишарди: тишини бир гижирлатса, тамом, думини қисганча қочишар эди.

Алқисса, бир куни Милтонни олиб қирғовул овига жўнадим. Ўрмонга етайдегандир қайдандир Бўлка пайдо бўлди. Уни ҳайдашга уриниб кўрдим, аммо унамади. Уйга ташлаб келай десам, йўл узоқ. Ноилож, йўлда давом этишга қарор қилдим. У қирғовул ҳидини олган Милтондан олдинга ўтиб, атрофга аланглай бошлади. Биздан олдинроқ у қирғовулни кўрмоқча иштиёқманд эди-да. Майсалар орасида нимадир шитирласа, учгудек сакрарди, аммо қобилияти чатоқлигидан ёлғиз ўзи изни топаолмас, фақат Милтонга таяниб иш кўрарди. Шунинг учун Бўлкани ёнимга чақириб уришдим, лекин бундан фойда чиқмади. Боягидай, Милтон излашга тушиса, олдинга ўтиб, ишни бузарди. Мен уйга қайтишни лозим кўрдим: барибир, энди овимиз юришмайди. Буни сезган Милтон Бўлкани алдашнинг йўлини топди. Бўлка олдинга ўтдими, изни ташлаб бошқа ёққа бурилиб, гўё ўзини излаётганга солди, Бўлка эса эски издан кетаверди. Шунда Милтон менга қараб думини силкиттида, ҳақиқий янги издан юрди. Бўлка яна олдинроқقا ўтса, Милтон ёлғондакам ўн қадамга юриб шум шеригини алдар, мени тўғрига бошларди. Ов давомида шу йўсинда у Бўлкани алдади ва ишни барбод қилишга имкон бермади.

## ТОШБАҚА

Кунларнинг бирида Милтон билан овга чиқдим. Ўрмонга яқин қолганда у думини ликиллатди, қулоқлари ҳам диккайди. Мен милтиғимни қўлга олдим. Қирғовул

тустовуқ ё қуёндан бирини кўргандир, деб ўйладим. Бироқ у ўрмонга кирмай, далага қараб юрди. Ортидан қадам ташлар эканман, у излаган нарсани кўриб қолдим. Ерда қалпоқдай кичкина бир тошбақа қочиб бораради. Тўқ кулранғ бошчасини кўрдим, чўзиқ бўйни кели дастага ўшаб кетарди. Тошбақа панжаларини ёйиб олган, батамом иўстлоқ ила қопланган, танаси тошдек қаттиқ эди. Итни кўрган заҳоти оёғи ва бошини ичкарига олиб, майса устига шундай ҳолатда қапишдики, фақат усткосаси қолди.

Милтони тушмагур уни тутиб емоқчи бўлди, аммо қўлидан келмади, чунки қорни ҳам елкасига ўшаб қаттиқ эди. У олд, орқа ва биқин тарафидаги тешикларига боши, оёғи ва думини киргизар эди.

Мен Милтондан тошбақани тортиб олиб, нақшнигор косасини баҳузур томоша қилдим. Косаси остида эса қандайдир жонли, қора нарсани кўрдим. Мен тошбақани майсазорга қўйиб юбориб, йўлимда давом этдим. Аммо кучугим қолдиришни сира истамади. У оғзида тутиб келаётуб, бехосдан ақиллаб, ўлжасини ташлаб юборди. Чунки тошбақа бояги яширган панжаларини чиқариб, кучукнинг танглайнин тирнаган эди. Милтон бир оз ақиллаб тургач, яна ўлжасига ёпишди. Мен ташлагин, десам-да, гапимни олмади. Бундан жаҳлим чиқиб, тошбақани тортиб олдим-да, ерга ирғитдим. Барibir кучук тошбақани шундай ташлаб кетмади: у панжаларида шоша-пиша ўра қазиди, итариб унга ўлжасини туширди-ю, устига тупроқ тортиди.

Сувилон, қурбақалар сингари тошбақа ҳам қуруқликда ва сувда яшайди. Тошбақа тухумини босиб ўтирамайди — ерга кўмади. Балиқ узилидириғидек улар ёрилиб, ичидан тошбақачалар чиқади. Кичик тошбақачалар ликопчадай миқти, узунлиги уч юза, оғирлиги йигирма пудча<sup>1</sup> келиб, қуруқликда юради. Йирик тошбақалар денгизда учрайди.

Бир тошбақа баҳорда юзтагача тухум қўяди. Одам ва ҳайвонларда қовурға ажralиб туради, тошбақаларда у бирлашиб, коса, яъни чаноққа айланган. Жами ҳайвонларнинг қовурғаси этнинг остида, тошбақада эса қовурға ташқарида, эти унинг ичидаги бўлади.

<sup>1</sup> Пуд — 16,3 килога тенг оғирлик ўлчови (таржимон).

## БУЛКА ВА БҮРИ

Кавказдан жўнар чоғимда уруш давом этар, кечаси конвойсиз<sup>1</sup> юриб бўлмасди.

Саҳарда йўлга тушишимни ўйлаб, тун бўйи ухладим. Ўртоғим билан аввал уйда, кейин кулбамиз ёнидаги супачада гаплашиб ўтиридик.

Туманли ойдин тун. Ойнинг хира ёруғида bemalol kitob ўқиш мумкин эди. Қоқ ярим тунда қўшни маҳалла ҳовлиларидан бирида чўчқачанинг овози эшитилди.

— Бўри чўчқачани бўғяпти! — бақирдик биз.

Мен қўрадан ўқлоғлик милитиқни олиб, кўчага югуриб чиқдим. Чўчқача чинқирган ҳовли ёнида одамлар тўпланиб ўтиришарди.

— Бу ёққа, бу ёққа! — дея бақиришди мени кўриб.

— Овга кетяпти, — деб ўйлаб Милтон ортимдан эргашди, Бўлка калта қулоқларини диккайтириб кимни талагани чақирдинглар, дея шиддат ила келарди.

Четан деворга етар-етмас нариги тарафдан шу ёққа келаётган йиртқични кўрдим. Бу — бўрицинг ўзгинаси эди. Илдам чопиб келиб девор устига сакраб чиқди. Мен ўзимни чеккароққа олиб милитиқни ҳозирлай бошладим. Бўри девор оша сакраган эдики, унинг қорнини мўлжаллаб тепкини босдим. Милитиқ панд берди, у «чиқ» этдию отилмади. Бўри шу кўйи чопиб, кўчани кесиб ўтди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Милтон билан Бўлка уни қува кетдилар. Абжир Милтон бўрига яқин борса-да тушишга қўрқарди, калтаоёқ Бўлка унга етаолмас, аммо жон-жаҳди ила уринар эди... Биз кучимиз борича қувиб борарканмиз, бир вақт улар кўздан йўқолди. Қишлоқ тубидаги зовурга етгачигина акиллаш овозини эшиитдик, сўнг туман ичидаги осмонга чанг-тўзон кўтарилди. Бўри итлар билан олишмоқда эди. Биз зовурга етганда, бўри аллақачон қочган, итлар эса думини диккайтириб шашти қайтганча келишарди. Бўлка ириллаганча бошида мени туртиб, ниманидир айтгиси келар, аммо тушунтира олмасди.

Биз Бўлканинг бошида кичкина ярани топдик. Афтидан, зовурга етмаёқ у бўрини қувиб етгану тутолмаган, бўри ҳам итни тишлиб қочган эди. Яра қўрқинчли эмас эди.

Кулбага қайтгач, бўлган воқеа ҳақида ўртоғим билан гаплаша бошладик. Мен милитиғим панд берганини

айтдим. У отилганида бўри ер тишилаб қоларди. Баланд девордан бўри қандай ошиб ўтаркан, дея ҳайрон бўларди ўртоғим — кекса казак. Бунинг ҳайрон бўларлик жойи, йўқ, дея гапини давом эттиради у, бўри эмас, алвости, ўша алвости милитиғинги сеҳрлаб қўйди-да.

Биз шу аснода баҳс бойлардик. Беҳосдан итлар ақиллашидан сесканиб кетдик. Қарангки, кўча ўртасида яна ўша бўри пайдо бўлди. Овзимиздан чўчиб тушди, чоғи, бу гал у шунақаям тез ёчдики, итлар ҳам аросатда қолиб кетдилар.

Кекса казак унинг алвости эканига бутунлай ишонди, камина эса бўри қутурган эмасмикан, деган шубҳага бордим, негаки қувилган бўри одамлар қошига келганини умримда кўрмаган ва эшиитмаган эдим.

Ҳар эҳтимолга қарши, Бўлканинг ярасига милитиқдори сепиб ёндиридим. Милитиқдори тутаб, жароҳат ўрнини куйдириди. Мен қутурган бўри саҷраган сўлаги қонга қўшилмасин, деб ярани куйдириган эдим. Сўлак қонга қўшилиб кетгудек бўлса, қон орқали бутун танага ёйлади ва касални тузатиб бўлмайди.

## ПЯТИГОРСКАДА БУЛКАГА НИМА БЎЛДИ?

Мен бекатдан тўғри Россияга ўтмадим, Пятигорскада тўхтаб, икки ойча яшадим. Кетишдан олдин Милтонни казак овчига совфа қилдим, Бўлкани эса бирга олдим.

Бештов этагида жойлашган бу шаҳарни Пятигорск, яъни, татарчасига «бештоғ» дейдилар. Тор бағридан олтингугуртли қайноқ сув оқади, ундан самоварга ўхшаб буғ чиқади. Шаҳар жуда баҳаво, гўзал маскандир. Тор этагида Подкумок сойи оқади. Атроф ўрмон, ўтлобзор, олироқда қорга бурканган Қавказ тоғлари кўринади. Ҳаво очиқ кунлари катта Элбрус тоғларининг оппоқ боши чор атрофдан якқол кўзга ташланади. Даво истаб келганларга тепада шийпончалар, соябонлар қурилғақ, ҳаммаёқ чорбог. Эрталаб мусиқа садоларидан уйғонгани одамлар шифобаҳш сувлардан ичгани, чўмилгани ва сайд қилгани чиқадилар.

Тепада шаҳар, тор этагида посёлка жойлашган. Мен шу посёлканинг кичик ўйчаларидан бирида турдим. Уйча ҳовли саҳнига қўйилган бўлиб, даричасидан бора ва уй асалариларини баҳузур томоша қилардим. Уй асалариси Россиядагидай катакларда эмас, айланма де-

<sup>1</sup> Конвой — соқчи.

верлар кавагида сақланади. Ювош арилар эрталаблари Бўлка билан ўтирганда индамасди.

Бўлка уялар оралаб бетини юар, искаланар, ғўн-ғиллаганига қулоқ солар, бироқ тегинмас эди.

Бир куни эрталаб сувдан қайтиб шийпончада қаҳва ичib ўтирадим. Бўлка ёнимда қулоғини қашишга тушди, бўйинбонини шақирлата бошлади. Арилар безовтаслангач, мен Бўлканинг бўйинбонини ечиб юбордим. Шу пайт тоғ тарафдан сирли, қўрқинчли овозлар эшилтилди. Итлар тинимсиз акиллар, вовуллар, одамлар бақирар, шовқин-сурон посёлкага тобора яқинлашар эди. Бўлка қашинишдан тўхтаб япалоқ бошини олд панжалари орасига қўйди, узун тилини осилтирди-да, сергак турaverdi. Шовқин қулоқларига кирганда ниманидир сезди ғори, бирдан қулоқлари диккайди, тишларини ғижирлатди, ва сакраб туриб, ириллай бошлади. Овозлар энди яқиндан келарди. Шаҳар итлар вовуллаши ва акилашига тўлган эди. Мен қўра эшигига, уй бекаси орқасидан чиқдим.

— Нима экан? — сўрадим бекадан.

— Қамоқдаги бандилар кучукларни савалашяпти, — тушунтириди у. — Кучуклар беҳад кўпайгани учун шаҳар бошлиқлари уларни уришга фармойиш берган.

— Қўлга тушгудек бўлса, Бўлка ҳам соғ қолмас экан-да.

— Улар бўйинбогли итларга тегинмайди.

Гапимиз тугар-тугамас, қўрамиз олдида бандилар лайдо бўлдилар. Олдида аскарлар, орқада оёғига кишан солинган тўрт банди келарди. Иккиси узун темир илмоқ, иккиси қўлига тўқмоқ қўгариб олган. Шундоқ эшигимиз олдида банди бир дайди кучукчани илмоғида тутиб кўча ўртарогига тортиди, бошқа банди эса савалай кетди. Кучукча қўрқинчли равишда ишгиллади, бандилар нимадир дея бақириб, хоҳолай бошладилар. Илмоқ ушлаган банди кучукчани ёнбошига ағдарди, қараса, бечора жон берибди. У илмоқни тортиб олди-да, ён-вегрига аланглаб ўлжа қидирди. Худди шу он Бўлка айнқа ташлангани каби елдек учиб келиб, бандига ташланди. Унинг бўйинбогсиз экани ёдимга тушиб:

— Бўлка, қайт! — дея унга ва бандиларга бақирдим,

Банди пинагини бузмади, хоҳолаб кулиб, итни иллагига илинтиридию дарҳол тиззасига босди. Бўлка юлқиниб кўрди, банди уни баттар қисаркан, шеригига қичкирди:

— Қани, ур!

Яхшиим, бандининг тўқмоғи жойига тушмади, тушганида Бўлкамиз тамом бўларди. Кучук кучи борича бир силтәнган эди — териси шилиниб, илмоқдан қутуди. У қисилган думию оёри оғриғига қарамасдан қурага отилиб, тўшагим ичига кириб кетди.

Бўлка териси илмоқнинг новоп жойига тушгани учун бир ўлимдан қолган эди.

## БУЛКА ВА МИЛТОННИНГ УЛИМИ

Бир вақтнинг ўзида Бўлка ва Милтондан ажраидим. Кекса казак Милтонни қуш овига элтиш ўрнига тўнғиз овига бошлаб борибди. Уша кузда секач<sup>1</sup> тўнғизча унинг қорнини ёриб ташлабди, қорнини ҳеч ким тиколмагач, у ўлган. Бандилар дастидан базур қутулган Бўлка ҳам узоқ яшамади. Сал ўтмаёқ у зерикадиган, қўлга тушган нарсани ялайдиган бўлди. Бироқ бу эркалашга ўхшамас эди. Қўлимни узоқ ялаб-юлқар, тилини теккизib тураг, кейин тишлашга ўтарди. Ахийри, унга қўлимни бормайдиган бўлдим. Бўлка этигимни, стол оёқларини ялади, сўнг тишлашга ўтди. Бу ҳол икки кунга чўзилди, учинчи куни у йўқолди. Шу бўйи қорасини кўрсатмади.

Уни ўғирлаб бўлмасди, мени ташлаб кетишига ҳам ишонмасдим. Бу ҳодиса бўри тишлаганинг олтинчи ҳафтасида рўй берганди. Бўри қутургани ростга ўхшаб қолди. Бўлка ўзи қутурганини билиб қочиб кетди. Овчилар тилида бу стечка дейилиб, қутурган бўри сўлаги итнинг қонига ўтганди. Шунда бўйнидан бир нарса бўғиб туради, у сув ичолмаганидан томир тортишиши баттар кучаяди.

Ташналик ва оғриқ азоби қутурган ҳайвонни эсадан кеткизгач, у тишлагиси келади. Бўлка ялаб-юлқагани, кейинроқ қўлимни ва стол оёғини тишлаганида ўша бўғилиш намоён бўлган эди.

Мен округни айланиб, Бўлкани суринштирдим, аммадарагини тополмадим. Қутурган итларга ўхшаб одамларни тишлаганида балки у ҳақда эшигтан бўлардим. Балким овлоқ жойга қочиб кириб, ёлғизликда ўлгандир. Овчиларнинг айтишича, қутурган ақлли итлар ўтлоқзор ё ўрмондан гиёҳларни излайди, уни топгач, тоза

<sup>1</sup> Секач — ўткир сўйлоқ тишлари қадримаган икки ёшли қебон (Л. Н. Толстой изоҳи).

шабнамли майсазорга چўзилиб, ўзини даволайди. Афтидан, Бўлка даволана олмади ва ўша жетганча, дом-дараксиз йўқолди.

## БОЛАНИНГ УРМОНДА МОМАҚАЛДИРОҚДАН ҚЎРҚИБ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ҲИҚОЯСИ

Болалигимда бир куни мени қўзиқорни териб келиш учун ўрмонга юбориши. Мен ўрмонга етиб қўзиқорин тердим, уйга қайтмоқчи бўлиб турганимда қоронги тушди ва ёмғир қўйди. Момақалдироқ гулдирағанда қўрқиб кетганимдан улкан эман дарахти тагига ўтдим. Чақмоқ шунаقا ярқираб кетдики, қараганда қўзларим қамашди. Мен қўзларимни юмиб олдим. Бошим тепасида нимадир қарсиллади ва гумбурлади, нимадир бошимга келиб тушди. Мен йиқилдим ва ёмғир тингунча қимирламай ётдим. Қўзимни очганимда дарахтлар сувга чўмилар, қушлар сайрар ва қуёш жилмайиб турарди. Улкан эман синиб, шохчалари сочилиб ётар, дарахт кавагидан тутун бурқисиди. Жиққаҳўл кўйлагим баданимга ёпишган, бошимдаги ғуррам оғриб турарди. Мен қалпогимни ердан топдим ва саватни кўтариб, уйга юргидим. Ўй бўм-бўш эди. Стол устидаги нонни олиб, печга<sup>1</sup> чиқдим. Бир вақт ўйғониб пастга қарасам, қўзиқоринларни қовуриб емоқчи бўлиб туришибди.

— Нега менга бир оғиз айтмай еяпсиз? — бақирдим уларга.

— Ҳадеб ухлайверасанми? — дейишди уйдагилар.— Тезроқ тушгин-да, еб ол.

## ХОЛАМНИНГ ТИКИШНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНГАНИ ҲАҚИДАГИ ҲИҚОЯСИ

Олти яшарлигимда ойимдан тикиш учун бирон нарса беришларини илтимос қилдим. Ойим: «Сен ҳали кичкинасан, бармоғингга игна кириб кетади», десалар ҳам кунмадим. Ахийри, ойим сандиқни очиб, қизил лахтак олдилар, иғнага қизил ип ўтқаздилар-да, сўнг игнани қандай ушлашни ўргатдилар. Мен тика бошладим. Би-

<sup>1</sup> Печ — устида ётадиган гишти тўртбурчак рус печкаси назарда тутилмоқда (таржимон).

роқ чокларимнинг бири катта, бири латта четидан чиқиб кетарди. Ҳатто бир гал бармоғимга игна санчилди, мен йиғламасдиму ойим: «Сенга нима қилди?» деб сўрайвергач, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Шунда ойим ўйнаб келгин деб, мени кўчага кузатдилар.

Кечқурун уйқуга кетар эканман, тиккан чокларим кўз ўнгимдан нари кетмасди, тикишни барвактрок ўрганишни жуда хоҳласам-да, бундай мушкул юмушни удалаш қўлимидан келмайди, деб қўрқардим. Мана, улғайдим, тикишни қандай қилиб ўрганганим ҳам ёдимдан кўтарилибди. Қизимга тикишни ўргатар эканман, игнани ушлай олмаганини кўриб хуноб бўламан.

## МУШУКЧА

Ака-сингил Вася ва Катянинг мушуклари бўлгучи эди. Баҳор кунларидан бирида мушукча йўқолиб қолди. Болалар узоқ қидиришса ҳам унинг дарагини топишолмади. Бир куни улар омборхона атрофида ўйнаётуб, тепада мушук миёвлаганини эшилдилар. Вася дарҳол нарвонни топиб, омборхона томига чиқди. Синглиси бўлса пастда туриб, уни бетиним саволга тутарди.

— Ҳа, топдингми? Айт, топдингми?

Вася миқ этмасди. Охири тепадан садо келди:

— Топдим! Ўзимизнинг мушук! Болалари бор экан. Шунақаям чиройлики... Чиқ, қўрасан!

Катя хушхабарни эшитиб, уйга югорди ва мушугига сут кўтариб келди.

Мушук болалари бешта эди. Мушукчалар болохона деворига тирмашадиган бўлга, куранг бир мушукчани ўзларига олиб қолиши. Бошқаларини ойиси болаларга улашиб берди. Ака-сингил мушукчани сут билан сийлашар, у билан ўйнашар ва бирга ухлашар эди. Кунлардан бир куни Вася ва Катя кўчага ўйнагани чиқаётуб, мушукчани ҳам олиб кетиши.

Шамол йўл ёқасида ётган похолларни ўёқдан-буёқка тўзгитар, мушукчанинг похол устида ўйноқлаб юрганини кўрган болалар беҳад завқланар эдилар. Кейинроқ улар йўл ёқасидан шовул теришга берилиб кетиб, мушукчани унутдилар. Бақириқ-чақириқ овозлари ака-сингилни сескантариб юборди:

— Ҳў, қайт! Қайт дейман сенга!

Қарашса, бир отлиқ келяпти, олдинда эса икки ит мушукча томон елиб боришарди. Мушукча қочмасдан

елласини буқчайтириб ўтиар әди. Кати итлардан күр-  
қиб ўзини панаға олди, акаси мушукчани қутқарыши-  
жон-жаҳди или ошиқди ва итлар етдим деганда ўзини  
мушукча устига ташлаб, ҳимоя қилди.

Шу вақт овчи етиб келиб итларини ортiga қайтар-  
ди. Вася омон қолган мушукчасини күтариб, уйга раво-  
на бўлди. Уша-ўша мушукчани далага олиб чиқмади-  
лар.

## САФИР БОЛА

Бир камбағал аёлнинг Маша исмли ёлғиз қизчаси  
бор эди. Эрталаб Маша сувга бораётib, эшик тагида  
латтага ўралган бир нарсани кўриб қолди. Челагини  
дарҳол ерга қўйиб, латтани оча бошлади. Шу маҳал  
кимдир чинқириб юборди:

— Инга-а! Инга-а! Инга-а-а!

Маша пастга эгилиб, жажжи чақалоқни кўрди. Ча-  
қалоқ баттар йиғлай бошлади.

— Инга-а-а! Инга-а-а!

Қизча чақалоқни авайлаб кўтариб, уйга кирди-да,  
унга қошиқда сут ичириб қўйди.

— Нима кўтариб келдинг, қизим? — деб сўради  
онаси.

Маша бийрон жавоб берди:

— Чақалоқ, ойи. Эшигимиз тагида турган экан.

— Қизим, шундоғам қашшоқмизу гўдакни қандай  
боқамиз? — деди ойиси ранжиб. — Мен бошлиққа ки-  
риб, болани олиб кетишларини ундан сўрайман.

— Ойижон, озгина овқат ейди у, — деди Маша  
йигламсираб, — илтимос, олиб қолайлик. Қўл-оёқчаси  
бекиримлигини қаранг, ойижон!

Она чақалоққа қарадио ичи ачишиб кетди. Қизига  
розилик берди. Машанинг боши осмонга етиб, чақалоқ-  
нинг қорнини тўйғазди, йўргаклаб қўйди, ухлаш олди-  
дан эса унга алла айтиб берди.

## СИГИР

Бева Мария онаси ва олти боласи билан зўрга кун  
кечирарди. Улар сўнгги тангаларигача сарфлаб, бо-  
лаларга сут бўлсин учун сигир сотиб олишди. Каттароқ  
болалар Тарғилойни далага ҳайдашар, уйда ювинди

сериниарди. Фир куни ойиси қўрага чиққанини кўргани-  
тўнғич Миша нон излаётib стаканни синдириб қўйди.  
Миша онаси уришишидан қаттиқ қўрқиб, стакан сини-  
ғининг каттароқ бўлакларини девор орқасидаги гўнгга  
кўмди, майдароқларини йиғиб ювинди чelагига ташла-  
ди. Барibir, ойиси стакан йўқолганини билиб, болалар-  
рини тергади, аммо Миша индамади. Сир сирлигича  
қолди.

Эртаси куни пешин маҳали она Тарғилой олдига  
ювиндиларни қўйганди, у қайрилиб қарамади. Сигирни  
даволаб қўришди, бўлмагач, кампирни чақиришди.  
Гўшта сўймаса ўлиб қолади, деди кампир уни кўриб.  
Бир амакини шошилич чақириб келишди. У сигирни  
йиқитди ва бўғзига пичноқ тортиб юборди. Тарғилой-  
нинг бўкиргани девор орқасидаги болаларга эшитилиб  
туради. Улар печка гирдида йигилиб унга кўз ёши  
тўкишди. Қассоб сигирни сўйиб, терисини шилгач, уни  
нимталаётганда томоридан стакан синиқлари чиқса  
бўладими?! Ювинди чelагидаги щиша синиқларини  
ютиб у ўлган эди. Миша бу гаидан огоҳ бўлгач, йиғ-  
лаб айбини бўйнига олди. Она тўнгичига қараб деди:

— Тарғилойни ўз қўлими билан ўлдирибмиз, ўғ-  
лим, энди янгисини қайдан сотиб олами? Сут-қатиқ-  
сиз укаларинг куни не кечади?

Сигир каллашўраси қайнага кеча Миша ўзини  
ортик тутиб туролмади. Қассоб амаки бўйнидан қон  
оқаётган ўлик сигирни шохидан кўтариб ўтгани туш-  
ларига кириб чиқди.

Улар сут-қаймоқсиз қолдилар. Фақат байрамларда-  
гина Мария ҳамсоялардан сут сўраб оларди. Уша дам-  
да қўшни қишлоқдан бир бекач хоним энага сўраб  
келди. Бу уларнинг жонинга ора кирди. Кампир дарҳол  
қизига маслаҳат солди:

— Энагаликка борсамчи? Узинг болаларингни амал-  
лаб турарсан, қизим. Худо хоҳласа бир йилда сигирга  
яраша пул топаман.

Кўна қолишиди. Кампир ўша бекач хоним уйига ёл-  
ланди. Мария ёлғиз ўзи анча азобларни бошдан кечир-  
ди. Болалар кисель ва бўтқа еявериб, озиб кетишиди.  
Орадан бир йил ўтгач, кампир йигирма сўм ишлаб  
қайтди.

— Ма, қизим, — деди у қизига пулни узатиб, —  
бунга сигир сотиб олами.

Мария беҳад қувонди, болаларининг қувончи чеки  
йўқ әди. Сигир сотиб олишга тадорик кўра бошладилар.

Бозор куни ҳамсоя хотинга болаларни топширишди, эри Захар амакини сигир танлаб беришга кўндиридилар. Чўқиниб олиб, учалови шаҳарга жўнашди. Тушликдан кейин болалар шовқин солганча катта кўчага отландилар. Янги сигирни узоқ кутишга тўғри келди. Сигирнинг ранги қўнғирмикан ё оқмикан — шу ҳақда анча баҳслашдилар. Қандай боқишини ўзаро келишиб ҳам олдилар. Шундай қилиб, болалар кечга довур кутишди. Улар бир чақирим жойгача боришли-ю, қоронғу тушганлиги туфайли яна орқага қайтишди.

Ахийри, арава кўринди. Аравада кампир, пастда ола сигир, орқароқда ойилари хивич кўтариб келарди. Болакайлар чопқиллаганча пешвуз чиқиб, сигирни обдон томоша қиласидилар. Уйга келгац, сигирнинг олдига емиш ташлашди. Ойилари кийимини алмаштириб, челяк ва сочиқ кўтариб чиқди. У сигирнинг елинини артди ва «ёмон кўздан худо арасасин» деб пичирлади, соғишга киришди. Болалари онанинг бармоқлари орасидан тизиллаб челякка тушаётган сутдан кўз узмай турдилар. Челякча ярим бўлгач, она уни ертўлага элтди. Кечга яқин хурмачада пишириб, болаларининг олдига кўйди.

## МУЖИКНИНГ АКАСИНИ ЕҚТИРИШИ САБАБИ ҲАҚИДАГИ ҲИҚОЯСИ

Мен шундоғам акамни яхши кўраман, айниқса, аскарликка ўрнимга борганидан кейин жудаям меҳрим ошиб кетди. Воқеа бундай бўлганди: таомилимизга биноан қуръа ташлаганда, у менга тегди. Демак, аскарликка мен боришим лозим. Ўшанда, атиги бир ҳафта бурун ўйланган эдим, қаллиғимни ташлаб кетишига ҳеч кўнглим бўлмасди.

Онам ҳам обидийда қила кетди:

— Петрушка ҳали жуда ёш-ку, аскарликка қандай чидайди?

Аммо боришдан ўзга чора қолмаган эди. Қаллиғим кўйлагимни тикди, пул йиғди. Онамнинг менга қараб ўқириб-ўқириб йиғлаганини кўриб, худди ўлимга тик юбораётгандай ҳолатни түйдим.

Шом чоғи дастурхон атрофида йиғилдик. Ҳамманинг иштаҳаси бўғилган эди. Акам Николай печка устидан тушмади. Қайлиғим изиллаб йиғлар, отамнинг қовоғи

солиқ эди. Онам бўтқани столга қўйганда, ҳатто унга қўл узатишмади. Николайни овқатга чақиридилар.

Акам оҳиста пастга тушгач, чўқинди, сўнг курсига чўқди-да, деди:

— Ҳадеб куйинаверма, онажон. Ёшим Петрушкани-кидан улуғроқ, аскарликка ўзим бораман. Хавотир олманглар, омон қайтаман. Ҳизматни тугатган заҳоти уйга югураман. Сен, Пётр, ота-онамизга яхши қарагин, янгангни ранжитмагин.

Бу гапдан жуда қувондим, онамнинг кўзёшлари ҳам тинди. Биз Николайнинг кийим-бошларини тахлай бошладик.

Мен барвақт уйғондим. Қарасам, акам кийимларини кийиб, йўлга чиқяпти. Рости, ўзимни жуда ноқулай сездим.

— Николай, — дедим акамга, — қўй, галим экан, ўзим аскарликка бораман.

Лекин Николай индамай кийимларини йиғишираверди. Мен ҳам шундай қилдим. Биз олдинма-кейин шаҳарга жўнадик. У ерда бирга саф тортдик. Келишган, соғлом йигитлар эмасмизми, яроқсизга чиқармасин-да, деб ўтиридик.

Акамнинг сабри тугади чоғи, менга кулимсираб деди:

— Бўлди, етар, Петъка, уйга қайт энди. Менсиз зерикмасдан яхши ўтиринглар.

Йиғлаган кўйи акам билан хайрлашиб, уйга қайтдим. Ҳозир акам ёдимга тушганда, унга жонимни беришга рози бўламан.

## ЯКОВНИНГ ИТИ

Ўрмон қоровули Яковнинг етти яшар ўғли, беш яшар қизчаси ҳамда оқ тумшуқли баҳайбат пахмоқ ити бор эди.

Бир куни қоровул ўрмонга кетатуриб хотинига болаларга кўз-қулоқ бўлишини тайинлади. Чунки тун бўйи бўрилар итларига ташланиб чиқсан эди.

— Ўрмонга асло бора кўрманглар! — дея уқтириди она болаларига, ўзи эса ишга уннаб кетди.

Ойисининг банд эканлигини кўрган бола синглисига деди:

— Кеча ўрмонда пишган олмаларни кўрувдим. Бориб оламизми?

— Бўнти, борамиз, — кўнди синглиси.

Уй юмушларини бажариб бўлгач она болаларини чақириди Бироқ келишмади. Улар яқин атрофда кўринмасди. Шу маҳал эри қайтиб келди.

— Болалар қаёда? — деб сўради у хотинидан.

Хотини елка қисди. Эри унга ўшқирганча болаларини излашга тушди. Кутимаганда итнинг акиллашини эшишиб, ўша тарафга чопди. Бориб қараса, болалари панада йиглашмоқда, бўри эса итни сиқувга олиб, тажишга ўтибди. Қоровул ойболтани олдиду бўрини чопиб ташлади. Кейин болаларининг қўлидан ушлаб, уйга шошилди. Уйга етиб келишгач, хотини эшикни ичкаридан қулфлади. Овқатга ўтиришди. Бирдан эшик ортида итнинг фингшигани эшитилди. Ҳовлига чиқиб итни уйга киргизмоқчи бўлишди, ит эса қонга беланган, юришга мажоли қолмаган эди. Болалар унга сув ва нон беришди. Бироқ у на сув ичар, на овқатга қарап, қўлларини ялаб қўярди, холос. Сўнгра ёнбошига ётди ва фингшишдан тўхтади. Итимиз ухлаб ётибди, деб ўйлашди болалар. Ит эса ўлган эди.

## ЕНФИН

Иифум-терим мавсуми эркагу аёллар далада ишлашар, қариялару болалар қишлоқда қолишган эди. Бир кулбада кампир уч набираси ила қолди. Кампир печкани ёқди ва баҳузур оёғини узатди. Аммо пашибалар чақавергач, юзига сочиқ ёпиб, уйқуга чўмди. Шунда уч ёшли Маша печка олдига келиб, олов чўғидан хонандозга озгина солди ва уни олиб даҳлизга ўтди. Даҳлизда пичан боғлари уйиб ташланган эди. Маша пичан тагига чўғни ташлаб, пуфлай бошлади. Пичан ёнди, буни кўрган Маша бир ярим яшар укасини қўтириб келди.

— Қара, Килюска,— мақтанди у, — ўзим ёқдим!

Пичан ғарами чирсиллаб ёнарди. Даҳлиз тутунга тўлгач, Маша уйга қочиб ўтди.

Кирюшка ўтаётганда бўсағага қоқилиб йиқилди ва бурнини уриб олди. Маша йиглаётган укаси билан кулбадаги чорпоя тагига беркинди. Кампир маст уйқуда ётарди. Саккиз ёшли тўнгич невараси кўчада ўйнаётib, даҳлиздан тутун ўрлаётганини кўриб қолди. У кулбага отилиб кириб, бувисини уйғотди. Эс-ҳушини йўқотган

кампир набираларини қўйиб, одамларни тўплаш учун кўчага чопди.

Кирюшка ҳамон чорпоя тагида бурнини ушлаб йифларди. Ваня у ерга тезда етиб келиб Машага қичқириди:

— Тур, турсанг-чи, ёниб кетасан!

Маша олов ша тутун орасидан ёриб ўтмоқчи бўлди ю журъат этмади. Шунда Ваня шартта деразани очиб, синглисини сакрашга мажбур қилди. Қизча сакради. Кейин Ваня Кирюшканни қўтириб олди. У инжиқлик қилар, акасини итариб ташларди. Ваня дераза олдига ётгунча икки бора йиқилиб тушди. У ўтиши ҳамон эшик гуриллаб ёнди.

Бироқ Кирюшка туширишга қўймади, акасига маҳкам ёпишиб олди. Шунда Ваня Машага бақирди:

— Бошидан тортиб ол! — ўзи эса орқа тарафдан итарди.

Укаларини деразадан кўчага тушириб бўлгач, ўзлари ҳам сакрашди.

## ҚИРЧАНИ

Қишлоғимизда Пимен Тимофеевич деган тўқсон ёшли қария бўлиб, у набирасининг уйида яшар эди. Чол ҳассага таяниб, оёғини базўр судраб юарди. Тишлари тушган, юзини ажин қоплаган эди. Юрганида ҳам, гапирганда ҳам нуқул пастки лаби қимирлар, гапини ҳеччам тушунолмасдик.

Биз, тўрт ака-уканинг жони дилимиз отга миниш эди. Фақат Воронок лақабли ювош қирчангигина ихтиёrimизга берилган эди.

Кунларнинг бирида ойим ижозат бергач, амаким билан бирга отхонага ўтдик. Аравақаш отни згарлади. Шундан кейин тўнгич акам унга миниб олди. Сарой ва боғларни кезиб, ортига қайтганида унга:

— Бўлди, бўлди, туш энди, — деб ҳаммамиз бақирдик.

Үртанча акам ҳам Воронокни савалаб, тепалик томон ҳайдади. Жуда узоқ мингиси келдию бироқ кенжада акам рози бўлмади. Қичкина акам кўп юрди. У қишлоғини озгина айланиб, отни йўргалатганча отхонага ўтганида Воронок ҳарсиллаб қолган, бўйни ва биқинлари терга ботган эди.

<sup>1</sup> Қирчани — қари от (тарж).

Ниҳоят, менга навбат тегди. Акамларга яхши от ми-ниш қанаңа бўлишини кўрсатиб қўйиш истаги турилди. Мен отни ниқтадим, аммо у отхонадан бир қадам сил-жимади, қўрққанча депсиниб тураверди. **Фазабга** ми-ниб, хивчин ва оёғимда уни савалашга тушдим. Мен атайлаб оғрийдиган жойларига туширадим. Хивчин сингач, унинг соғ қолган бўлаги билан бошига сола бошладим. Лекин Воронок юришни хоҳламас эди. Мен ортга қайтариб, амаким олдига бордим-да, қаттиқроқ хивчин беришини сўрадим. Отнинг афт-ангорини кўриб, амакимнинг авзойи бузилди.

— Ҳали кўп минасиз, бўтам, қани отдан тушинг, — деди амаким буйруқ оҳангидা. — Отга бунча азоб бериш ярамайди.

— Ахир, мен ҳечам минмадим-ку? — дедим хафа бўлиб. — Отни қандай йўрттиришимни кўрмадингиз-ку! Менга тузукроқ хивчин беринг. Уни шундай савалайки...

Амаким бошини лиқиллатиб туриб деди:

— Э бўтам, сизда инсоф йўқ экан-да. Бечорани са-валайдиган ҳоли қоптими? Ахир, у йигирмага кирган. Отга роса азоб берисизлар, қара, зўрга нафас оляп-ти. Ўзи жуда қари эди, шунақаям қарики, худди Пимен Тимофеич дейсиз. Сиз Пимен бобо устига чиқиб, жон жаҳди-ла саваласангиз қалай бўларкин? Ҳа, раҳ-мингиз келмасмиди?

Пимен бобони эсладим ва амаким гапига қулоқ сол-дим. Отдан тушгач, терлаган биқини, думини дам-ба-дам лиқиллатишини кўриб, отга жавр қилганимизни ту-шундим. Унинг менга ўҳшаган ёш-қувноқ даври ўтиб кетганди-да. Воронокга раҳмим келганидан терга бот-ган бўйнидан қучоқлаб ўпдим ва бояги тепганларим учун ундан кечирим сўраган бўлдим.

Мен улгайганимда отларга раҳмдил бўлиб қолдим. Мабодо отларни савалаётганлари устидан чиқиб қол-сан, Воронок ва Пимен Тимофеични эслаб кетаман.

## АСҚАР ҲАЁТИ

Қишлоқ четидаги бир кулбачада онам, бувим, опам ва мен фақирона яшардик.

Бувим доимо эски кенг кўйлак кияр, бошига рўмол-ча тутиб, бўйни пастроғида халтacha осиб юради. Бувим мени онамдан кўпроқ яхши кўрарди.

Отам хизматда эди. Айтишларича, кўп ичгани ту-файли уни аскарликка юборишган экан. Отамнинг таъ-тилга келгани кечагидек ёдимда. Тор кулбанинг ўрта-сида икки деворига ходани тиргович қилиб қўйишган эди. Менинг кийимим тирговучга илиниб қоқилдим ва чорпояга пешонамни урдим. Эски ғурранинг ўрни ҳа-нузгача сақланиб қолган.

Кулбанинг икки деразаси бўлиб, бирига ҳамиша танда тиқиб қўйилар эди. Тўрт тарафи очиқ каталак-дай ҳовли саҳнида ҳамиша эски тогора турарди. Бир қари от, озғингина икки қўй, бир қўзичоғимиз бор эди. Мен ҳаммавақт қўзичноқ билан бирга ётардим. Тирик-чилигимиз нону сув эди. Ўйдагилар ишламасди: ойим қорин оғриғидан шикоят қилас, бувимнинг боши оғ-рир, у мудом печка ёнидан жилмасди. Фақат опам иш-лар, уям эрга чиқишга тайёргарлик кўрас, тонган-тутга-нига келинлик лиbosларини сотиб оларди. Эснода, ойим касалмандроқ юри-да, кейин ўғил туғиб берди. Улар-га даҳлиздан жой ажратиши. Бувим ҳамсоялардан қарзга арпа сўраб, Нефёд амакини попга юборди. Опам эса чўқинтириш маросимига одамларни йигани югорди.

Халқ йифилгач, уч бўлак нон олиб чиқдилар. Қариндош-уруғлар дастурхон тузаб, қаердандир курси ичиди сув билан ёғоч тогора келтиришди. Ниҳоят, ру-ҳоний кириб келди. Кум ва кума<sup>1</sup> олдинда, Акулина хола эса орқароқда чақалоқни кўтариб олганди. Чўмил-тиришгач, поп йўргакдаги чақалоқни қўлига олди-да, тогорадаги илиқ сувга туширди. Мен қўрққанимдан:

— Болани бу ёқса бер! — дея чинқириб юбордим.

Бувим бирдан чўчиб тушди.

— Жим тур, — деди у, — бўлмаса, ҳозир таъзиринг-ни бераман.

Руҳоний чақалоқни уч марта сувга туширгач, Аку-лина холага берди, хола уни йўргакка ўраб, даҳлизда турган онамга юборди.

Маросим тугагач, стол атроғига жамулжам бўлдик. Бувим косаларга атала қуиб, устидан ёғ солди ва одамларга улашди. Овқатни ейишгач, ўринларидан ту-риб бувимга раҳмат айтишди.

Мен даҳлизга ўтдим.

— Ойи, оти нима? — сўрадим ойимдан.

<sup>1</sup> Кум ва Кума — насроний ақидаларига кўра, чақалоқни чўқинтириши маросими.

— Ўеники нима бўлса, уники ҳам шу-да, — жавоб берди у.

Чақалоқ юзғин, қўл-оёқчалари нимжонгина, йигланни-йиғлаган эди. Мабодо кечаси ухлаб қолишига, чинқириб йиғлар, кейин бувим бечора алламаҳалгача алла айтиб чиқарди. Бувим инқиллаб-синқиллаб юрса ҳам алла айтишга уста эди.

Бир куни кечаси ойимнинг йиғисидан уйғониб кетдим. Бувим ҳам ўрнидан сакраб туриб:

— Нима гап, нима бало урди? — деб сўради.

— Чақалоқ ўлди, — деди ойим.

Бувим дарҳол шам келтириб, гўдакни ювиб, тоза қўйлак кийгизди-да, авайлабгина ўраб қўйди. Кун ёришгач, бувим Нафёд амакини чақириб келди. У иккита эски юпқа тахтacha топиб, тобутча ясашга киришиди. Кичик тобутча тайёр бўлгач, ичига болани ётқизишиди. Ойим тобутча ёнига чўкиб, оятларни ҳазин овозда ўқигач, ўқириб-ўқириб йиғлади. Кейин Нефёд амаки тобутчани қўлтиғига қисиб, кўмиб келиш учун жўнади.

Шу бўйи опам турмушга чиққандагина оиласизда хурсандчилик бўлди. Ўша куни бизниги эркаклар бўлка нон ва винолар келтирдилар. Винодан онамга беришиди. У ичди. Иван амаки унга нон бўлагидан узатди. Стол ёнида турганимдан жуда нон егим келиб кетди. Онамни имлаб, қулоғига шивирлагандим, у кулди, Иван амаки эса:

— Нима дейди, нонми? — деди-да, каттароқ нон бўлагини қўлимга кесиб берди.

Мен омборжонага югурдим, бу ерда опам турарди.

— Уйда эркаклар нимани гаплашишяпти? — деб сўради у.

— Вино ичишяпти, — дедим.

Опам кулиб туриб:

— Булар мени Кондрашкага унаштиргани келишган-ку, — деди.

Кейин тўйга тайёрлана бошладик. Тўй куни уйдагилар баравақт уйғонишиди. Бувим печкага олов ёқди, ойим пирог қорди, Акулина хола эса сигир соғгани кетди.

Опам янги этиккаси, енгиз қизил қўйлагини кийди, чиройли рўмолини ўради-да, ҳеч иш қилмай бекор ўтираверди. Уй исигандан кейин ойим ҳам кийиниб, ўзига андак оро берди.

Кейин эшигимиз олдига қўнғироқчаларини шақирлатганча уч жуфт от қўшилган аравалар келиб тўхтади. Орқасидагида узунчоқ шапка, янги йўл-йўл чакмон

кийган қўёв Кондрашка ўтираси эди. У аравадеи тушиб, кулба томон юрди. Онамга яп-янги пўстини кийғизиб, қўёв ёнига чиқардилар. Келин-қўёв столга ўтиргач, кампирлар баҳт-саодат тилашиди. Улар ибодат баъзе келтириб, ҳовлига чиқишиди. Кондрашка опамни аравага ўтқазди, ўзи эса орқадаги аравага чиқди. Ҳамма жойлашгач, яна бир марта чўқинишиб, йўлга равона бўлишиди. Мен кулбага қайтиб кирдим ва дераза олдида ўтириб тўйдан қайтишларини кутдим. Мен ойим берган нонни еб ухлаб қолибман. Бир пайт ойим туртиб турғизди:

— Келишяпти!

Ойим дарҳол қўлимга скалка<sup>1</sup> бериб, мени столга ўтқазиб қўйди. Уйга Кондрашка, опам, кетидан аввал-гидан ҳам кўп одам киришиди. Кўча тарафда халойиқ деразадан кўз узмай ўтиришарди. Қўёв жўра Герасим амаки яқинимга келиб:

— Қани, туш! — деди.

Кўрқанимдан тушмоқчи бўлгандим, бувим уришиб берди:

— Сен скалкани кўрсатиб: мана бу-чи, дегин!

Бувим айтганидек қилувдим, Герасим амаки стаканга пул солди, сўнг устидан вино қўйиб менга узатди. Стаканни олиб, бувимга тутқаздим. Хуллас, биз столни қуда тарафидагиларга бўшатиб бердик.

Дастурхонга вино, яхна гўшт қўйишиди ва қўшиқ-рақсни бошлаб юборишиди.

Герасим амакига вино узатишиди. У озгина ҳўплаб:

— Ҳаҳ, аччиқ экан, — деди.

Шунда опам Кондрашканинг қулоғидан тутиб, ўпа бошлади.

Биз узоқ вақт қўшиқ айтдик; рақсга тушдик, кейин меҳмонлар қўзғолишиди. Кондрашка опамни олиб, уйига жўнаб кетди.

Тўйдан кейин баттар қашшоқ яшай бошладик. От ва сўнгги қўйларни сотдик, кўпинча ейишга нонимиз ҳам қолмасди. Ойим қариндошлардан қарз сўраб турди. Кўп ўтмай, бувим қазо қилдилар. Шунда ойим бувим тобути устига ўзини ташлаб: «Оҳ, азиз онажоним! Фаму кулфатларга кўмиб, мени кимга ташлаб кетаяпсан? Бу баҳтсиз набираларини кимга ишониб қолдир-

<sup>1</sup> Скалка — қайин пўстложидан ясалиб, чеккасига гугурт қалаланган чўмич.

динг? Ким энди ақлимни пешлаб туради, энди қандай яшайман?» деб уввос солиб узоқ йиғлади.

Кунларнинг бирида болалар билан катта йўлга чиқдим. Отларни қўриқлаб борар эканмиз, елкасига сафар халтасини осган аскарга дуч келдик, ўртоқларим ёнига келиб:

— Қайси қишлоқдан бўласизлар, болалар? — деб сўради.

— Никольскдан, — дедик.

— Матрёна деган аскар аёли эсон-омон юрибдими? Мен дарҳол жавоб бердим:

— У менинг онам бўлади.

Аскар менга синчков назар ташлаб, саволга тутди:

— Отангни кўрганмисан?

— Отам хизматда. Кўрмаганман.

— Юр, кетдик, — деди аскар. — Матрёнага йўл бошла. Отангдан хат келтирганман.

— Қандай хат экан?

— Борайлик, кўрасан, — жавоб берди аскар.

— Майли, кетдик.

Биз йўлга тушдик. Аскар илдам қадам ташлар, унга етиш учун қариб югуриб борарадим. Мана, уйимизга ҳам келдик. Аскар оstonада чўқиниб олгач, салом бериб ичкарига кирди.

У шинелини ечиб ташлади ва дераза пештахтасига суюнганча кулбани кўздан кечирди:

— Нима, оиласда борингиз шуми? — деб сўради у.

Ойим гунгу лол, фақат аскардан кўзини узмасди. У яна сўради:

— Онахон қанилар? — ўзи эса йиғлаб юборди.

Шунда ойим аскар томонга интилди ва уни ўпа бошлиди. Кейин мен ҳам унинг тиззасига чиқиб олганча уни сийпалай бошладим. Отам йиғлашдан тўхтади ва юзида кулгу пайдо бўлди.

Бизнискига одамлар тўпланишиди. Отам ҳол-аҳвол сўрагач, уйга бутунлай қайтганини айтди.

Молни ҳайдаб бўлгач, опам келиб, отам билан қуҷоқ очиб кўришди.

— Бу кимнинг дўндиқчаси бўлди? — деб сўради отам.

— Уз қизингизни танимадингизми? — кулди ойим.

Кейин отам яна ёнига опами чақириб ўпди ва турмуши қандайлигини сўради. Ойим тухум қайнатишга кетди, опами эса винога югуртириди. Кўп ўтмай опам

қайтиб келиб, стол устига қофозга ўралган шишани қўйди.

— Нима бу? — сўради отам ҳайрон қолиб.

— Сенга, вино, — жавоб берди ойим.

— Йўқ, беш йилдирки, оғзимга олмайман, — деди отам, — қўймоқни бўлса, майли узат!

У чўқинди-да, столга ўтириб овқатланишга киришиди. Бир зум ўтгач деди:

— Агар ичкиликни ташламаганимда, унтер-офицерлик даражасигача қўтарилимаган, уйга ҳам ҳеч вақо келтирган бўлардим. Ҳозир эса, худога шукр.

Шундай дегач, сумкасидан ҳамённи олиб ойимга узатди.

Ойим қувонганича пулни яширгани шошилди.

Одамлар тарқалишиди. Отам орқадаги чорпояга чўзилиб, ёнига мени ётқизди, оёқ томонимизда эса ойим ётди. Улар жуда узоқ, ярим тунгача суҳбатлашдилар. Мен ухлаб қолибман.

Эрталаб ойим:

— Ия, ўтинимиз тугаёзибди-ку, — деди.

— Болта қани — борми? — сўради отам.

— Бору, фақат ўтмаслашиб қолган-да, ёмон.

Отам чорифини кийди-да, болтани қўтариб ҳовлига чиқди.

Мен орқасидан эргашдим.

Отам томдан ходачаларни тушириб, кунда устига қўйди, сўнг бирпасда майдалади-да уйга ташиди.

— Мана сенга ўтин, ёқавер, мен сотиб олишга кулбаю, ҳовлини ўраш учун ўрмондан ёғоч ахтараман, — деди отам. — Ҳали сигир ҳам сотиб олишимиз керак.

— Эҳ-ҳе, буларга кўп пул керак-ку! — деди ойим.

— Ишлаймиз-да. Ана, йигитча ҳам катта бўляпти! — имо қилди отам мени кўрсатиб.

Яна у чўқингач, озгина тамадди қилди, коржомаларави кийди ва:

— Агар тухуминг бўлса, қўрга кўмиб, тушлик тайёрла, — деди-да, йўлга тушди.

Отамдан анча вақтгача дарак бўлмади. Орқасидан қочиб кетмоқчи бўлувдим, ойим тутиб олиб урди. Мен печка устига чиқиб, йиғлашга тушдим. Шу он отам келиб қолди.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўради у.

— Орқангиздан бормоқчи эдим, ойим қўйиб юбормай мени роса саваладилар, — дедим ва баттар йиғтайвердим.

Отам кулганча ойимга яқинлаши да уни ёлғонда кам дүйпослади.

— Нега Федъкани урасан-а, нега урдинг? — дерди нуқул у.

Ойим ўзича йиглаганди, отам кулди:

— Қара-я, сен билан Федъканинг обидийдаларинг тайёр, салга йиглайверасизлар.

Кейин у стол ёнига мени чақирди-да:

— Қани, энди бизга овқат келтир, Федяжон иккимизнинг қорнимиз очқади, — деб бақирди.

Ойим бўтқа ва тухум келтири. Учаламиз овқатлангани ўтиридик.

— Хўш, уйча қанчага тушди, — деб сўради ойим.

— Саксон сўлқавойга сотиб олдим, аргувондан, шишага ўхшаб силлиқлигини бир қара, — деди отам. — Якшанбагача шошилма, вино сотиб олсак, мужикларнинг ўзи уйга келтириб ташлашади.

Уша пайтдан бошлаб, биз яхши турмуш кечира бошладик.



## Шодмонбек Отабоев таржималари

### ТУШДАГИ САЕХАТ

Отам шаҳарга жўнаётганда мен унга: «Отажон, мени ҳам олиб беринг», дедим. У: «Сенга шаҳарда нима бор, совқотасан?» — деди. Мен йиғлаб, орқамга қайдим ва қазноққа чиқиб кетдим. Йиглай-йиглай ухлаб қолдим. Тушимда қишлоғимиздан ибодатхонага элтадиган сўқмоқни кўрдим, дадам ана шу йўлдан кетаётганди. Мен унга етиб олдим ва биз шаҳарга бирга кетдик. Йўлда кетаётиб олдинда печканинг тутаб турганини кўрдим. «Отажон, бу шаҳарми?» — деб сўрадим. «Худди ўзи», деб жавоб берди отам. Печкага яқинлашганда кўрдимки, у ерда калава нон ёпишаркан. «Менга калава нон олиб беринг», дедим. Отам олиб берди. Худди шу ерда уйғониб кетдим, ўрнимдан туриб, қўлқопимни олиб, кўчага чиқдим. У ерда болалар муз устида, чанғида учшиётганди. Мен ҳам уларга қўшилиб чанғи учдим, то совуқдан дийдираб қолгунимча ўйнайвердим. Уйга қайтиб, печкага чиқишим билан шаҳардан қайтган отамнинг шарпаси эшитилди. «Отажон, менга калава нон олиб келдингизми?» — деб сўрадим. «Олиб келдим», деди отам ва нонни қўлимгага берди. Печкадан ўриндиққа сакраб тушдим ва суюнганимдан ўйноқлай бошладим.

## БЕДАНА ВА ПОЛАПОНЛАР

Деҳқонлар пичан ўришаштган эди. У ерда — ўтлар орасида бедананинг ини бор экан,

Бедана түмшугида емиш олиб келиб қарасаки, атроф ўриб, шип-шийдам қилинган. Боёкиш полапонларига айтиби: «Болажонларим! Шўримиз қурийдиган бўлди! Энди миқ этмай, қимиrlамай ётинглар, кечқурун сизларни бошқа жойга кўчирман». Полапонлар эса пичанзорнинг ёруғроқ бўлиб қолганидан қувонишиб, шундай дейишибди: «Онамиз қариб қолган-да, шунинг учун суюнишимизни ёқтирамайди». Полапонлар чийилаб, хуштак чалишибди.

Ҳашарчи деҳқонларга тушлик келтирган болакайлар чийиллашни эшитишиб, полапонларнинг қалласини узуб ташлашибди.

## ТОВУҚ ВА ОЛТИН ТУХУМ

Бир кишининг товуғи олтин тухум туғар экан. У олтини янаям кўпроқ бўлишини истаб, товуғини сўйибди. (Ичиди фиж-фиж олтин бўлса керак деб ўйладди-да). Аммо бу жониворнинг ҳам бошқа товуқлардан фарқи йўқ экан.

## ЮК

Икки киши йўлда кетишар, ҳар бирининг елкасида юки бор эди. Улардан бири тўхтамай кетаверди, иккинчиси эса юкини ерга қўйиб, дам олиш учун ўтирганинг ўтирган эди. У ҳар гал юкни елкасидан олишга ва яна қўйишга мажбур бўларди. Шунинг учун ҳам у шеригига қараганда кўпроқ чарчарди.

## СОҒИН СИГИР

Бир одамнинг сигири бўлар, у ҳар куни бир хумчадан сут берар эди. Сигирнинг эгаси уйига меҳмон чақирибди; меҳмонларга сут кўпроқ йигилиб турсин деб говмишни ўн кун соғмабди. У ўнинчи кунда сигирим ўн хумча сут беради деб хаёл қилибди.

Аммо сигир биратўла сутдан қолиб, олдингидан ҳам камроқ соғдирадиган бўлибди.



## МУНДАРИЖА

### Шодмонбек Отабоев таржималари:

Уч айиқ . . . . .	3
Бургут . . . . .	5
Чумчуқ ва қалдирғоч . . . . .	5
Қуэғун ва унинг болалари . . . . .	6
Данак . . . . .	7
Эшак ва от . . . . .	7
Зоғча ва қаптарлар . . . . .	8
Кекса бобо ва набира . . . . .	8
Арслон, айиқ ва тулки . . . . .	8
Ўқимишли ўғил . . . . .	9
Арслон терисини ёпинган эшак . . . . .	9
Товуқ ва қалдирғоч . . . . .	9
Буғу ва унинг боласи . . . . .	9
Хизматкорлар ва хўроз . . . . .	10
Тулки ва эчки . . . . .	10
Бўри ва турна . . . . .	10
Ўрдак ва ой . . . . .	10

Қүёнлар ва бақалар	12
Нокларнинг асили	12
Учта калава нон ва бир тешик кулча	12
Бузоқча муз устида	13
Лочин ва хўроз	13
Фил ва шоқоллар	14
Чол ва ажал	14
Тулки	14
Чивин ва арслон	14
От ва унинг эгалари	16
Бодринг ўғриси	16
Арслон ва тулки	18
Икки ўртоқ	18
Жон қуш	18
Чумоли ва капитар	19
Олтин сочли малика	20
Арслон ва сичқон	21
Тадбиркор дехқон	22
Судома	22
Бойқуш ва қуён	23
Икки савдогар	23
Вазир Абдул	24
Бармоқвой	25
Филипок	26
Тошбақа ва бургут	29
Тош	30
Боб	30
Елрончи	31
Хотин ва товуқ	31
Мерос тақсимоти	32
Бақа ва арслон	32
Фил	32
Маймун ва нўхат	32
Ниначи ва чумоли	33
Бўри ва кампир	33
Сичқон — қиз	33
Қизалоқ ва қўзиқорин	34
	35

Ҳинду ва инглиз	35
Нимча	36
Тулки ва узум	37
Балиқчи ва балиқ	37
Ит ва унинг сояси	37
Турна ва лайлак	37
Боғбон ва унинг ўғиллари	38
Сичқон	38
Бўри болаларни қандай ўргатади	38
Ота ва болалар	39
Пётр I ва дехқон	39
Арслон ва кучукча	40
Тенг бўлинган мерос	41
Уғ ўғри	42
Қарқара, балиқлар ва қисқичбақа	43
Типратикон ва қуён	44
Оға-инилар	45
Арслон, бўри ва тулки	47
Акула	47
Буғу	49
Руҳоний ва қароқчи	49
Буғу ва узумзор	51
Подшо ва бургут	51
Мушук ва сичқонлар	52
Дехқон ва сув париси	52
Сув париси ва марварид	52
Бўри билан қўзичоқ	53
Курк товуқ ва жўжалар	53
Оғир жазо	54
Подшо фуқаролари	54
Дехқоннинг гоз тақсим қилгани	55
Бўри ва камон	56
Каналар	56
Қушлар ва тузоқ	57
Зоғча	58
Чавандозликни ўрганганим	60
Подшо ва кўйлак	62

Қамиш ва зайдун	62
Бўри ва деҳқон	62
Тулки думи	64
Худо ҳақиқатни кўради-ю, аммо айтавермайди	64
Адолатли қози	72
Илёс	75
Аэронавт ҳикояси	79
Сигир ва эчки	81
Шайтоннинг деҳқонни йўлдан оздиргани	82
Икки от	85
Фаройиб дон	85
Тангрининг амри вожиб	88
Қизалоқлар чоллардан ақллироқ	90
Хизматкор Емельян ва ғовак дўймира	92
Кавказ асири	100

*Бахтиёр ОМОНОВ таржималари:*

Сакраш	125
Бўлка (Зобит ҳикояси)	126
Бўлка ва тўнғиз	128
Милтон ва Бўлка	130
Тошбақа	130
Бўлка ва бўри	132
Пятигорскда Бўлкага нима бўлди?	133
Бўлка ва Милтоннинг ўлими	135
Боланинг ўрмонда момақалдироқдан қўрқиб қолгани ҳақидаги ҳикояси	136
Холамнинг тикишини қандай ўргангани ҳақидаги ҳикояси	136
Мушукча	137
Сагир бола	138
Сигир	138
Мужикнинг акасини ёқтириши сабаби ҳақидаги ҳикояси	140

Яковнинг ити	141
Ёнғин	142
Қирчанги	143
Аскар ҳаёти	144

*Шодмонбек Отабоев таржималари*

Тушдаги саёҳат	152
Бедана ва полапонлар	153
Товуқ ва олтин тухум	153
Юк	153
Соғин сигир	153

**Адабий-бадний нашр**

*Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун*

## **БУРИ БОЛАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎРГАТАДИ?**

**ҲИКОЯ, ЭРТАК ВА МАСАЛЛАР**

*Ўзбек тилида*

*Мусаввир Г. Аксенов*

*Расмлар муҳаррири О. Муинов*

*Техник муҳаррири Е. Толочко*

**ИБ № 0366**

Босмахонага 14.11.94 берилди. Босишга 16.05.95 рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108\frac{1}{2}$ . Босма қорози, Адабий гарни. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 8,99. Шартли шартнома нашр ҳажми 8,82. 30 000 нусхада. 13—91 шартнома, 4438 буюртма. Баҳси шартнома асосида.

Чўлпон нашриёти, 700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берн кўча, 2-уб.

**Толстой Л. Н.**

**Бўри болаларини қандай ўргатади?: Ҳикоялар, эртаклар, масаллар: (Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун).— Т.: Чўлпон, 1995.— 160 б.**